

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“ГЛОБАЛИЗАЦИЯ ВА ИЖТИМОЙ-
ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР ҲАМДА МИЛЛИЙ
ҒОЯГА ЭҲТИЁЖ ИСТИҚБОЛЛАРИ” МОДУЛИ
БЎЙИЧА**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й
М А Ж М У А**

Тошкент 2018

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги 247-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи:

ф.ф.д., профессор Б.Тўйчиев

Такризчи:

**с.ф.д., профессор. И.Эргашев
с.ф.д. Н.Назаров**

Ўқув-услубий мажмуа ЎзМУнинг услубий. кенгашининг 2017 йил 30 августдаги 1-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	4
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	16
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	65
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	107
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	108
VII. ГЛОССАРИЙ	109
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	124

I. ИШЧИДАСТУР

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. “Глобализация ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳамда миллий ғояга эҳтиёж истиқболлари” модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

“Глобализация ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳамда миллий ғояга эҳтиёж истиқболлари” модули ўқитишда илғор хорижий тажрибалар маъруза ва амалий машғулотларни ўзлаштириш жараёнида тингловчилар Европа, АҚШ, Россия ва қатор Осиё давлатларининг Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси фанларини ўқитиш жараёнининг ташкил этилиши, модуль кредит тизими, фанларнинг тақсимланиши, етакчи хорижий олийгоҳларида чоп этилган дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар ҳақида тасаввурга эга бўладилар.

Модулнинг мақсад ва вазифалари

“Глобализация ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳамда миллий ғояга эҳтиёж истиқболлари” модулини ўқитишдан мақсад: олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари билан глобаллашув жараёнининг ўзига хос жиҳатлари, уни ўрганиш ва таҳлил қилишга қаратилган илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш орқали ушбу йўналишдаги таълим жараёнини мувофиқлаштириш ва мазмунан бойитиш, глобаллашувнинг миллий-маънавиятимизга таҳдиди бўйича маълумоларни бериш самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган замонавий ёндашувлар билан ҳамда педагогик ва ахборот технологиялар билан таништириш, миллий ғоя, маънавият асослари,

диншунослик соҳасида юксак малаакали мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш.

Модулнинг вазифалари:

“Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожланиш стратегияси” йўналишида педагог кадрларнинг “Глобализация ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳамда миллий ғояга эҳтиёж истиқболлари” ўқув курси бўйича билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш эришиш;

“Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожланиш стратегияси” йўналишида “Глобализация ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳамда миллий ғояга эҳтиёж истиқболлари” ўқув курси ўтказиш жараёнини фан ва амалиёт билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш;

“Глобализация ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳамда миллий ғояга эҳтиёж истиқболлари” ўқув курсини ўқитишда инновацион технологиялар ва илғор хорижий тажрибаларидан фойдаланиш;

“Глобализация ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳамда миллий ғояга эҳтиёж истиқболлари” ўқув курси ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ғоявий-мафкуравий соҳалар билан боғлиқлигини;

- глобал инқирозларнинг сабаблари ва оқибатларини бартараф этишнинг оптимистик, пессимистик, скептик ва фаталистик назарияларини *билиши* керак.

- глобал инқирозларнинг моҳияти, уларнинг инсониятга, миллатларга, халқларга ва мамлакатларга таҳдидини англаб етиш *кўникмаларига* эга бўлиши лозим.

- глобал муаммоларни ғоявий-мафкуравий мураса ва бағрикенглик (толерантлик) тамойиллари асосида бартараф этиш *малакаларига* эга бўлиши зарур.

- креативликни “Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” ўқув курсини ўқитишда қўллани олиш компетенцияларини эгаллаши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Глобализация ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳамда миллий ғояга эҳтиёж истиқболлари” янги модул бўлганлиги сабабли, уни ўрганиш жараёнида тингловчилар маърузаларга қўшимча интернет тармоқларидаги янги (ҳар кунги) материалларга ҳам таянишлари мақсадга мувофиқ.

Курсни ўқитиш жараёнида кичик гуруҳларда ишлаш, аудитория дарслардан олдин маълумотлар билан таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Ҳар бир тингловчи учун келгусида “Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” ўқув курсини ўқитишида ўзини ва илғор хорижий тажрибаларни солиштириш учун имкониятлар яратилади. Республикамизнинг олийгоҳларида қўлланилиши мумкин бўлган усул, воситалар ва технологияларни танлаб олиш учун тингловчилардан

амалий фаоллик талаб этилади.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Глобализация ва ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар ҳамда миллий ғояга эҳтиёж истиқболлари” модули мазмуни ўқув режадаги илғор таълим технологиялари ва педагогик йўналишидаги (Касбий компетентлик ва креативлик, Замонавий педагогик технологиялар ва б.)- ахборот коммуникацион технологияларини ёритиб турувчи барча модуллари билан узвий боғлиқ. Олий ўқув юртларида Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясини ўқитиш самарадорлиги, Республикамизда фаннинг ривожланиши, уни ўқитишга оид замонавий билим ва кўникмалар ҳамда илғор педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилганда амалга ошади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар илғор хорижий мамлакатларда идеология ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишни ташкил қилишни бўйича хорижий тажрибаларни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар. Сўнгги йилларда Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси соҳасидаги ютуқлар ва истиқболлар олий ўқув юртларидаги таълим жараёнининг мазмунини бойитишга хизмат қилади.

“ГЛОБАЛИЗАЦИЯ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР ҲАМДА МИЛЛИЙ ҒОЯГА ЭҲТИЁЖ ИСТИҚБОЛЛАРИ” МОДУЛИНИНГ СОАТЛАР БЎЙИЧА ТАҚСИМОТИ

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					Мустақил таълим
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				
			Жами	Назарий	Амалий		
1	Ҳозирги замон глобал муаммоларини таснифлаш	4	4	2	2		
2	Глобал инқирозларнинг моҳияти	4	4	2	2		
3	Глобал инқирозларнинг сабаблари ва оқибатларини бартараф этиш	4	4	2	4		
4	Жамият ижтимоий-иктисодий, маънавий-ахлоқий муносабатларининг глобаллашуви	6	6	2	4		
5	Глобал муаммоларнинг ечимида ғоявий-мафкуравий мураса ва бағрикенглик (толерантлик)нинг аҳамияти	10	8	2	4	2	
Жами:		28	26	10	16	2	

НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-МАВЗУ: ҲОЗИРГИ ЗАМОН ГЛОБАЛ МУАММОЛАРИНИ ТАСНИФЛАШ

Ҳозирги замон глобал муаммоларини таснифлаш. Унинг асосий йўналишларини милий ғоя контекстида таҳлил қилиш зарурати.

2-МАВЗУ: ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗЛАРНИНГ МОҲИЯТИ

Глобал инқирозларнинг моҳияти, уларнинг инсониятга, миллатларга, халқларга ва мамлакатларга таҳдидини англабетишда миллий ғоянинг ўрни.

3-МАВЗУ: ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗЛАРНИНГ САБАБЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ

Глобал инқирозларнинг сабаблари ва оқибатларини бартараф этишнинг оптимистик, пессимистик, скептик ва фаталистик назарияларни қиёсий таҳлил қилишда ғоявий-мафкуравий ёндашувларнинг аҳамияти.

4-МАВЗУ. ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ, МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ

Жамият ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий муносабатларининг глобаллашуви ва ғоявий-мафкуравий таҳлилининг аҳамияти. Ўзбекистонда глобаллашув жараёнининг оқибатларини бартараф этишда миллий ғоянинг роли.

5-МАВЗУ. ГЛОБАЛ МУАММОЛАРНИНГ ЕЧИМИДА ҒОЯВИЙ-МАФКУРАВИЙ МУРОСА ВА БАҒРИКЕНГЛИК (ТОЛЕРАНТЛИК)НИНГ АҲАМИЯТИ

Глобал муаммоларнинг ечимда ғоявий-мафкуравий муроса ва бағрикенглик (толерантлик)нинг аҳамияти. Ҳозирги замонда ғоявий-мафкуравий жараёнлар вауларнинг асосий йўналишлари.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

Маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва интерфаол педагогик (Ақлий ҳужим, бумеранг) усул ва технологиялардан фойдаланилади.

Ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан график органайзерлардан, кейслардан фойдаланиш, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, блиц-сўровлардан ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

ЖОРИЙ НАЗОРАТ(АССИСМЕНТ)НИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Жорий назорат(ассисмент)ни баҳолаш Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг

малакасини ошириш Тармок (минтакавий) марказида тасдиқланган шакллари ва мезонлари асосида амалга оширади.

Ушбу модулнинг жорий назорат(ассисмент)га ажратилган максимал балл-**0,8 балл**.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Раҳбарий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов асарлари. 1-24 жилдлар. (1992-2015 йиллар)
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. - 176 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. -440 б.
4. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015. -302 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 56 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ,2017.–47 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
8. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 103 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

Ш. Махсус адабиётлар

1. Аббосхўжаев О., Умарова Н., Қўчқоров Р. Мафкура полигонларидаги олишувлар. -Т.: Академиа, 2007.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. - Т.: Молия, 2003.
3. Жўраев Т. Миллий давлатчилик ва хавфсизлик. Т.: “Академия”, 2007.
4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар) - Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008.
5. Маънавият асосий тушунчалар изохли луғати. - Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт - матбаа ижодий уйи, 2009.
6. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. - Т.: Академиа, 2007.
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Т.: Ўзбекистон, 2000.
8. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. 2-нашр -Т.: “Ўзбекистон”, 2015.
9. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. - Т.: “Мухаррир” 2009.
10. Очилдиев А.С. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси: - Т.: Ижод дунёси нашриёт уйи, 2002.
11. Панарин И.Н. Информационная война и геополитика. - М.: Поколение, 2006.
12. Тўраев Ш. Маънавий таҳдидлар: фалсафий таҳлил. - Т.: “Мухаррир”, 2010.
13. Тўраев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. - Т.: Маънавият, 2008.
14. Қуронов М. Мафкуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси. -Т.: “Академия” 2008.
15. Холбеков М. Адабиётда глобаллашув жараёни.-Т.: //Тафаккур 2006.№4
16. Қаҳҳарова Ш.Б. Глобал маънавият-глобаллашувнинг ғоявий асоси. -Т.: Тафаккур, 2009.
17. Бжезинский З. Глобальное господство или глобальное лидерство. -М.: Международные отношения, 2005.
18. Глобалистика: Международный междисциплинарный энциклопедический словарь / Гл. ред. И.И.Мазур, А.Н.Чумаков. -М.; СПб.; Нью-Йорк, 2006.
19. Грани глобализации: Трудные вопросы современного развития. -М.: 2003.
20. Глобальные проблемы и общечеловеческие ценности. -М.: 1990.
21. Моисеев Н.Н. Быть или не быть... человечеству? -М.: 1999
22. Мунтян М.А., Урсул А.Д. Глобализация и устойчивое развитие. -М.: 2003.
23. Один мир для всех. Контурсы глобального сознания / Под ред. Л.В.Семеновы и др. -М.: 1990.

24. Панарин А.С. Искушение глобализмом. -М.: 2002.
25. Пантин В.И. Циклы и волны глобальной истории. Глобализация в историческом измерении. -М.: 2003.
26. Печчеи А. Человеческие качества. -М.: 1985.
27. Чумаков А.Н. Глобализация. –М.: Проспект, 2005
28. Чумаков А.Н. Метафизика глобализации. Культурно цивилизационный контекст. –М.: Канон, 2006
29. Бзежинский З. Великая шахматная доска. Господство Америка и геостратегические императивы – М., 1998. С. 38.
30. Даль Р. О. Демократии. — М., 2000, с. 8-92.
31. Закария Ф. Будущее свободы: нелиберальная демократия в США и за ее пределами. —М., 2004, с. 8.
32. Тимоти Уинтер (Абдул Ҳаким Мурод) “XXI асрда Ислом: Постмодерн дунёда қиблани топиш” Фаҳриддин Низомов таржимаси. –Т.: 2004. 63 б.-
33. Умаров Б.З. Глобаллашув зиддиятлари. – Т.: Маънавият, 2008 йил.
34. Лейпхарт А. Демократия многосоставных обществах. — М., 1997;
35. Sholte J. Rethinkind Globalization. London, 2000, p .14.
36. Transformation of Capitalism. Economy, Society and State in Modern Times. London, 2000, p. 419.
37. The World in 2020, Power and Prosperity. — Boston, 1994, p. 220.

IV. Электрон таълим ресурслари

1. www.Ziyonet.uz
2. www.edu.uz
3. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
4. www.nuuz.uz
5. www.bimm.uz

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

«ФСМУ» методи


Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қийслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустақамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.



ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна:“Глобализация жараёнини ўрганишда самарали услублардан бири фалсафий ёндашув” фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.



“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод қатнашчиларнинг янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади, шунингдек мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш мақсадида қўлланилади.

“Тушунчалар таҳлили” методини амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Мавзуга оид тушунчалар таҳлили”

Тушунча	Ҳал қилувчи куч	Самараси нимада акс этади	Ёндашувни илгари сурган олимлар
<i>Глобаллашув</i>			
<i>Глобал муаммолар</i>			
<i>Глобал инқирозлар</i>			
<i>Муроса ва бағрикенглик</i>			

Изоҳ: Бўш устунларга қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн
“V” – таниш маълумот.		
“?” – мазкур маълумотни		

<i>тушунмадим, изоҳ керак</i>		
<i>“+” бу маълумот мен учун янгилик</i>		
<i>“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?</i>		

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Бумеранг” технологияси

Мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални 5 дақиқа давомида синчиклаб ўрганиш талаб этилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи гуруҳ аъзоларини ўқилган маълумот ҳақида фикр алмашиниш имкониятини беради. Бу вазифа учун 5 дақиқа вақт берилади.

3. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат бошқа кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларининг ҳар бири ўқиган маълумот ҳақида фикр алмашиниш имкониятини беради. Бу вазифа учун 10 дақиқа вақт берилади.

4. Барча дастлаб шаклланган гуруҳларга иштирокчилар қайтади, ва фикр алмашининг маълумот юзасидан бошқа гуруҳларга бериш учун савол шакллантиради.

5. Ҳар бир гуруҳдан 1 киши савол беради, ва тўғри жавоб учун 1-3 гача балл қўйилади.

6. Тренер-ўқитувчи барча гуруҳлар тўплаган балларни умумлаштириб, голиб гуруҳни эълон қилади.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

“Бумеранг” технологияси асосида вазифа: Олинган материални мазмунини тушуниб олишга ҳаракат қилинг, сўнг гуруҳда муҳокама қилинг

1- гуруҳга вазифа	<p>Глобалистика. Жаҳон ривожланишининг энг янги тенденцияларини англаб етиши борасидаги кўп сонли саъй-ҳаракатлар глобаллашув жараёнларининг моҳияти, тенденциялари ва сабабларини, улар таъсирида юзага келаётган глобал муаммоларни аниқлаш ва бу жараёнларнинг оқибатларини англаб етишга қаратилган фанлараро илмий тадқиқотлар соҳаси – глобалистика пайдо бўлишига олиб келди. Кенгроқ маънода «глобалистика» атамаси глобаллашувнинг турли жиҳатлари ва глобал муаммоларга оид илмий, фалсафий, маданий ва амалий тадқиқотларни, жумладан уларнинг натижаларини, шунингдек уларни айрим давлатлар даражасида ҳам, халқаро миқёсда ҳам иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жабҳаларда амалга жорий этиши борасидаги амалий фаолиятни ифодалаш учун қўлланилади. Шунини таъкидлаш лозимки, глобалистика одатда илмий билимнинг табақаланиши натижасида ёки турдош фанлар туташган жойда пайдо бўладиган айрим фанлар қаторига кирмайди. Унинг вужудга келиши замирида қарама-қарши жараёнлар – ҳозирги замон фанига хос бўлган интеграциялашув жараёнлари ётади. Глобалистика тадқиқотлар ва билишининг шундай бир жабҳасики, бу ерда турли фанлар бир-бири билан узвий алоқада, ҳар бири ўз предмети ва методи нуқтаи назаридан, глобаллашувнинг турли жиҳатларини таҳлил қилади, глобал муаммоларни бир-биридан алоҳида ва яхлит тизим сифатида ўрганиб, уларнинг ечимларини таклиф қилади.</p> <p>Глобалистика мустақил илмий йўналиши ва ижтимоий амалиёт соҳаси сифатида 1960-йилларнинг охирида шакллана бошлади, лекин унинг пайдо бўлиши учун объектив асослар анча олдин юзага келган эди.</p>
2- гуруҳга вазифа	<p>Глобаллашувнинг серқирралиги. Дунё миқёсидаги таҳдидлар ва глобаллашув жараёнларини аҳолининг кенг қатламлари англаб етиши, шунингдек жаҳон ҳамжамияти ва унга мос келувчи кадриятларга муносабат, маданият, турмуш тарзининг шаклланиши глобаллашув серқирралиги босқичига хос хусусият ҳисобланади. 1970-йиллардан глобаллашув ўз ривожланишининг янги босқичига кўтарилди ва серқирра тус олди. Айни шу даврда ахборот-технология инқилобининг ривожланиши жадаллашди, миф, дин, фалсафа, фан, экология билан бир қаторда глобал онг ижтимоий онгнинг яна бир шакли сифатида пайдо бўлди.</p> <p>Глобаллашувнинг серқирраги жаҳон бозорини сезиларли даражада ўзгартирди, жаҳон хўжалиги ўзига хос хусусиятларини намоён этиб, миллий хўжаликлардан кучлироқ ва муҳимроқ тус олишига имконият яратди. Қуйидагилар глобаллашув серқирралигининг муҳим хусусиятлари ҳисобланади:</p> <ul style="list-style-type: none"> а) «резонанс эффекти»нинг пайдо бўлиши, бунда иқтисодий юксалишлар ёки тангликлар бир мамлакатдан у билан узвий боғлиқ бўлган бошқа мамлакатлар ва минтақаларга ўтади; б) турли товарлар ва хизматлар жаҳон бозорларининг яратилиши; в) кўрсатилган товарлар ва хизматларга жаҳон нархларининг шаклланиши, улар мазкур товарлар ва хизматлар миллий ишлаб чиқарувчиларининг сиёсатини кўп жиҳатдан белгилаши. <p>Иқтисодиётнинг интернационаллашуви ва пул ролининг унификациялашуви билан бир қаторда оммавий жамият ва унга мос келувчи оммавий маданиятнинг шаклланиши серқирра глобаллашувнинг ўзига хос хусусиятига ва муайян даражада унинг қонуний маҳсулига айланди.</p> <p>Замонавий транспорт ва алоқа воситалари шарофати билан макон ва вақт омиллари амалда муҳим аҳамиятга эга бўлмай қолган глобаллашув шароитида, тил турли халқларнинг иқтисодий, сиёсий, илмий, маънавий ва ҳоказо алоқалари ва мулоқоти йўлидаги охириги жиддий тўсиқ бўлиб қолди. Умумий қабул қилинган тилга объектив эҳтиёж доимо мавжуд бўлган, лекин жаҳон савдоси ва капиталларни бир жойдан бошқа жойга ўтказиш ҳажмлари кўп қарра ўсган, сиёсий муносабатлар глобал даражагача кенгайган, халқаро жамоат ташиқлотлари, спорт мусобақалари, туристик индустрия ва шу кабилар пайдо бўлган серқирра глобаллашув даврида у айниқса кучайди. Бугунги кунда инглиз тили бир қатор объектив сабабларга кўра маданиятлараро мулоқот тилига айланди.</p> <p>1991 йилда Интернет пайдо бўлганидан сўнг дунё инфорацион жиҳатдан ҳам узил-кесил туташди. Компьютер инқилоби ва Интернет тармогининг ривожланиши чегаралардан бошқа ҳамма нарса мавжуд бўлган янги ахборот майдонини вужудга келтирди.</p>

3- гуруҳга вазифа	<p>Глобал инқироз - глобаллашувнинг салбий жараёнлари системаси. Глобаллашув жараёни ўзига хос хусусияти шундаки, дунёнинг қайси чеккасида қандай бир воқеа-ҳодиса юз берса, бу объектив жараён жаҳоннинг бошқа чеккасида ҳам тезда акс садо беради. Бу биринчидан. Иккинчидан глобаллашув ҳар бир давлатнинг равноқи, тараққиёти ёки инқирози нафақат яқин ва узоқ қўшни давлатлар ва айни пайтда бошқа минтақа ва ҳудудлар билан боғлиқ тарзда кечадики, бу объектив жараёндан четда туриши (аслида мумкин бўлмаган жараён) мамлакатнинг ривожланишига сунъий тўсиқ яратиши билан баробардир. Бу аксиомани фалсафий таҳлили шундаки глобаллашув жараёнига қўшилиши ёки қўшилмасликни алоҳида олган миллат, халқ ёки бир давлат Биринчи Президенти ёхуд Бош вазир мустақил ҳал қила олмайди. Шунинг учун ҳам глобаллашув ижобий ҳолда мамлакат ва давлатлар равноқининг муҳим омилли. Айни пайтда кўпчилик мамлакатлардаги иқтисодий инқироз(бу маънавий қашшоқликни тезлаштиради) дунё мамлакатлари глобал инқирозига олиб келиши мумкин. Бу объектив жараён глобаллашувнинг салбий жиҳати бўлиб – XXI асрнинг дастлабки йилларида пайдо бўла бошлади. Инқирознинг бир йили миллионлаб одамларни иш жойидан, юзлаб йирик компанияларнинг мавқе ва нуфуздан маҳрум қилди, ўнлаб компаниялар банкрот бўлди. 2008 йилда Америка Қўшма Штатлари молия муассасалари глобал иқтисодий инқироз туфайли 678 миллиард, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар 300 миллиард АҚШ доллар зарар кўрди. Ёки сўнги 71 йилда Япониянинг “Тойота” автомобилсозлик компанияси илк бор иқтисодий инқирозга келиб қолди ва 2008 йилда унинг зарари 150 миллиард иенни(1,7 миллиард АҚШ доллар) ташкил этди. Буларнинг барчаси ишсизлар армиясини ҳаддан ташқари ошиб кетишига олиб келади. Цивилизациянинг ўтган босқичларида малакаси кам, мутахассис бўлмаганлар ишдан бўшатилган бўлса, глобал инқироз даврида ишдан бўшатиши оммавий тус олади. Ишсизлик энг аввало жамиятда жиноятларнинг кўпайиши, наркобизнеснинг ўсиши, халқаро терроризм, одам савдосининг кучайиши ва диний ақидапарастликни урчиши учун заминдир.</p>
4-гуруҳга вазифа	<p>Геосиёсат («гео» - «ер», «сиёсат» эса «давлат» ва «ижтимоий иш») - турли хил давлат ва халқларнинг манфаатлари системаси унга бўлган ёндашув услублари, воситалари у ёки бу ҳудудий жойлашуви, салоҳиётига бўлган муносабатда ифодаланган мақсадлар ўз ифодасини топган тушунча. Г. тушунчаси швед олими ва давлат арбоби Р.Челлен томонидан муомалага киритилган.</p> <p>Г. тушунчаси устида тадқиқотчилардан Ф.Ротцель ва К.Хаусферлар изланишлар олиб боришган.</p> <p>Г.нинг замонавий талқинига кўра ташқи сиёсатда у ёки бу масала бўйича устунликка эришиши эмас, балки ўзга иқтисодий бой маконлар устидан ўз сиёсатини юргизиши ёки бошқача айтганда бирор кучли давлатнинг ёки давлатларнинг бир мунча заиф давлатларни муайян моддий, ижтимоий ва маънавий ресурслари устида ўзига хос сиёсатни олиб боришдан иборатдир.</p> <p>Г.нинг замонавий талқини, унга ташқи сиёсатда у ёки бу масала бўйича устунликка эришиши учун фақат ундан фаол фойдаланибгина қолмасдан балки ўзича мавжуд бўлган давлатнинг муайян моддий, ижтимоий ва маънавий ресурслари(ёки унинг "геосиёсий потенциали")нинг аҳамиятига алоҳида эътибор берилиши билан анъанавий тушунишдан фарқ қилади. Жаҳонда ҳукмронлик қилиши гоёсини геосиёсий контексти нуқтаи назардан қараганда, II жаҳон урушида Германиянинг мағлубияти билан XX асрда дунёда ҳукмронликка эришиши учун ҳаракат қилган учта асосий субъектнинг қураш майдонига айланганлигини аралаштирмаслик керак. Фашистлар Германияси ривожланмаган мамлакатларни йўқ қилиши гоёсига таянган ҳолда, "олий зотга" мансуб бўлишига қараб, миллат ва халқларни бир-биридан фарқлашга ҳаракат қилди.</p> <p>Давлатларнинг "инг.-саксон" блоки (аниқ эълон қилинмаган) жаҳон мамлакатларини АҚШ раҳнамолигида "очиқ" жамият қадриятларига қўшилганлик даражасига қараб, саралаш таълимоти билан чиқди.</p> <p>Ҳозирги вақтда мазкур тушунча мафкуравий жараёнлар билан боғланган ҳолда кучли давлатларни Г.и қаратилган маконда ўзига хос мафкуравий полигон деб аталмоқда.</p>

III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-МАВЗУ: ҲОЗИРГИ ЗАМОН ГЛОБАЛ МУАММОЛАРИНИНГ ТАСНИФИ.

РЕЖА:

1.1. Глобаллашув тушунчаси ва унинг моҳияти.

1.2. Ҳозирги замон глобал муаммолари.

1.3. Глобал муаммоларни миллий ғоя контекстида таҳлили.

Таянч иборалар: Глобаллашув, глобал муаммо, фундаментал глобаллашув, глобаллик мезонлари, глобализм ва аксилглобализм, глобаллашув ва миллий ғоя.

1. Глобаллашув тушунчаси ва унинг моҳияти.

Жамият юксак даражада ривожланмасин унинг эҳтиёжлари ҳам шунчалик ошиб боради. У бугун кечагига қараганда, эртага эса ундан-да кўпроқ яхши яшашга, моддий-маънавий барқомолликка эршишга ва фаровон ҳаёт кечиришга интилади. Лекин инсониятнинг юксак даражада тўқин, фаровон яшашини таъмин этувчи табиий-географик омиллар инсон хоҳиш истагича эмас, балки ўз ҳолича мавжуд. Бу омиллар фаровон турмушнинг ўзига хос муҳим шарти бўлиб, ер юзида давлатлар, салтанатлар ташкил топганидан бери бу борада устунлик қилиш учун, ўзига хос қулайликларга эришиш учун курашлар муттасил давом этиб келмоқда. Аслида бу инсоният тараққиётининг мазмуни, унинг ҳаёт кечириш қонунияти ва фалсафаси ҳисобланади. Бир қараганда бундай интилиш табиий ҳисобланади.

Муаммо, ана шу интилишларда моддий манфаатдорликка бўлган интилиш билан маънавиятни унга мос равишда ривожлантиришга бўлган зарурият ўртасидаги мувозанатнинг йўқолиб боришида намоён бўлмоқда. Буни юксак даражада тараққий қилган мамлакатлар ўзларининг улкан интеллектуал салоҳиятлари билан фан, техника ва технологиянинг энг замонавий турларини яратиб, улар воситасида минтақаларда мавжуд бўлган хом-ашё ресурсларини қўлга киритишнинг энг жирканч услубларидан фойдаланиб, ана шу минтақа халқларини аввало моддий жиҳатдан қарам қилиш, ҳамда бу омил воситасида уларни ўзига хос маънавиятини ҳам барбод қилиш йўли билан унинг ўрнига ўзларининг маънавиятини оммавийлаштиришга бўлган уринишларида намоён бўлаётганлигида кўриш мумкин.

Албатта, ана шу яратилаётган фан, техника ва технология бир томондан бутун инсониятнинг ақл –заковатининг меваси ва ер куррасида яшаётган барча халқлар манфаатларига хизмат қилмоқда, иккинчи томондан эса, улардан фойдаланишдаги тенгсизлик, яъни унга эга бўлмаганларнинг

устидан ҳукмрон бўлишга интилишлари, инсонлар, миллатлар ва халқлар ўртасидаги муносабатларда ким моддий жиҳатдан бақувват бўлса, бошқалар унга “итоаткор” унинг маънавиятини “қабул қилишга” “мажбур” деган тамойилининг юзага келаётганлиги инсоният ақл-заковати юксак даражасига кўтарилган шароитдаги маънавий қашшоқлашувнинг жирканч кўриниши сифатида намоён бўлмоқда. Албатта, ривожланган мамлакатлар томонидан яратилаётган юксак технологиялар, таълим-тарбия тизими, фан соҳасидаги кашфиётлар ўзи яратилган жойдаги туб халқ маънавияти заминига қурилган бўлиб, ўзига хос менталитетни акс эттиради. Ушбу жиҳатлар бу технологияларнинг оммалашувида ҳам ўз таъсирини сақлаб қолади. Бу жараённинг юзага келишига ва авж олишига жаҳон миқёсида содир бўлаётган глобаллашув ўзининг таъсирини ўтказмоқда. Унинг инсонлар, миллатлар, халқлар ва мамлакатлар ҳаётига ўтказётган салбий таъсирлари бугуннинг ўзида турли соҳанинг кўпчилик мутахассисларини ташвишга солмоқда. Улар ҳеч бўлмаганда инсонлар ва миллатларнинг софлигини сақлаб қолишнинг имкониятларини излаб топиш долзарб муаммолардан бирига айланаётганлигини таъкидламоқдалар. Миллат кенг маънодаги маънавияти, руҳияти ва менталитети бир хил бўлган инсонлар уюшмасидан иборат бўлган ижтимоий борлиқ ҳисобланади. Айни пайтда у жаҳонда мавжуд бўлган гўзалликларнинг гул тожи ва маънавий бойлигидир. Унинг ўзлигидан маҳрум бўлиши охир оқибатда бутун инсониятнинг манқуртлашувига олиб келади. Истикболда бу жараённинг олди олинмас экан у инсоният тараққиётни яна чуқур инқирозга олиб боради -деганидир. Шунинг учун ҳам, айниқса кейинги пайтга келиб глобаллашув тушунчаси ва унинг жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги ижобий ва салбий томонлари ҳақида турли йўналишларда илмий тадқиқот олиб борилмоқда.

Глобаллашувнинг давлатларнинг, турли миллатнинг мустақил субъект сифатида сақланиб қолиш жараёнига ўтказётган салбий таъсири бугуннинг ўзида сезила бошлади. У ижтимоий-сиёсий тизимларнинг, уларнинг иқтисодий ҳаётини, миллий-маънавий кадриятларини емирмоқда ва шу йўл билан миллатни ўз домига тортмоқда. Бу жараённинг олдини олиш, ҳеч бўлмаганда унинг олдига тўсиқ қўйиш йўллари, имкониятлари ва воситаларини излаб топиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш стратегиясини ишлаб чиқиш барча фан йўналишидаги тадқиқотчилар олдида турган долзарб вазифалардан бирини ташкил қилади. Бунинг учун энг аввало, “Глобаллашув” тушунчаси унинг маъно-мазмунини тушуниб етиш зарур бўлади.

XXI аср бошларига келиб дунё мамлакатлари ўртасида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги ўзаро таъсир шу қадар кучайиб кетдики, бу жараёндан четда қола олган бирорта ҳам давлат йўқ, деб тўла ишонч билан айтиш мумкин. Хаттоки, халқаро ташкилотлардан узоқроқ туришга интилаётган, уларга аъзо бўлишни истамаётган мамлакатлар ҳам бу жараёндан мутлақо четда эмас. Глобаллашув шундай жараёнки, ундан четда тураман, деган мамлакатлар унинг таъсирига кўпроқ учраб қолиши мумкин. “Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг

асосий омили ва сабаби хусусида гапирганда шуни объектив тан олиш керак – бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб боряптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас”¹.

Глобаллашувнинг жаҳон мамлакатларга ўтказётган таъсири ҳам турлича. Бу ҳол дунё мамлакатларининг сиёсий, иқтисодий, ахборот, маънавий салоҳиятлари қандай экани билан боғлиқ. Дунёда юз бераётган шиддатли жараёнларнинг ҳар бир мамлакатга ўтказётган салбий таъсирини камайтириш ва ижобий таъсирини кучайтириш учун шу ҳодисанинг моҳиятини чуқурроқ англаш, унинг хусусиятларини ўрганиш лозим. Бу ҳодисани чуқур ўрганмай туриб унга мослашиш, унинг йўналишини тегишли тарзда ўзгартириш мумкин эмас. Глобаллашув яна шундай жараёнки, уни чуқур ўрганмаслик, ундан фойдаланиш стратегияси, тактикаси ва технологиясини ишлаб чиқмаслик мамлакат иқтисоди ва маданияти, маънавиятини тоғдан тушаётган шиддатли дарё оқимига бошқарувсиз қайикни топшириб қўйиш билан баравар бўлади.

Мустақиллик даврида мамлакатимиз олимлари ўтказган ва ўтказётган тадқиқотларга эътибор бериладиган бўлса бу соҳадаги ишлар эндигина бошланаётганини гувоҳи бўламиз. Албатта, бу жараён хусусида, унинг моҳияти тўғрисида, ундан кўзланган мақсадлар тўғрисида, бу раённи амалга ошириш таъминлайдиган воситалар, усуллар хусусида чуқур илмий-назарий билимга эга бўлиш муҳим аҳамият касб этади. Ва бу илмий – назарий асослардан олиб борилаётган маънавий маърифий соҳадаги сиёсатнинг йўналишларини ишлаб чиқишда фойдаланиш зарур. Ҳар қандай сиёсат, жумладан иқтисодий сиёсат ва маънавият соҳасидаги сиёсат ҳам илмий асосга эга бўлгандагина муваффақият келтиришини назарда тутсак, бу масалада олимларимиз сиёсатчиларимизга етарли кўмак беришларини эътироф этишга тўғри келади. Мамлакатимизнинг жаҳон майдонида олиб бораётган сиёсати кўпроқ самара ва муваффақият келтиришини истасак, глобаллашувнинг моҳияти, йўналишлари, хусусиятларини чуқурроқ тадқиқ ва таҳлил қилиш зарур. Айнан шу жараёни чуқурроқ таҳлил этиш орқали сиёсатчиларнинг тўғри йўл танлаши ва қарорлар қабул қилиши учун имконият яратиш мумкин.

Глобаллашув - турли мамлакатларнинг, халқларнинг жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳаларидаги ўзаро таъсири ва боғлиқлигининг кескин кучайишидир.

Глобаллашувга берилган таърифлар жуда кўп. Уларга асосланган ҳолда глобаллашув жараёнининг асосий хусусиятларини қуйидагича шарҳлаш мумкин:

- глобаллашув-муттасил давом этадиган тарихий жараён эканлиги;
- глобаллашув-жаҳоннинг гомогенлашуви ва универсаллашуви жараёни;

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. 77-б.

- глобаллашув-миллий чегараларнинг «ювилиб кетиш» жараёни
- Ишлаб чиқаришда ишлаб чиқаришнинг халқаро формаларига ўтилиши, ишлаб чиқариш омиллари ҳаракатининг жадаллашуви;
- Жаҳон мамлакатлари иқтисодиётида ягона халқаро стандартларининг жорий этилиши;
- Кўпчилик мамлакат халқларининг маданиятида, кундалик ҳаётида европача турмуш тарзининг (вестернизатсия), америкача турмуш тарзининг намоён бўлиши.

- глобаллашув инвеститсиялар, капитал, техника ва товарларнинг бутун дунё бўйлаб оқшининг жадаллашиб ва кенг миқёсга эга бўлиб бораётган мураккаб жараён сифатида баҳоланиши;

- глобаллашув турли халқларни ниҳоятда яқинлаштирадиган оммавий маданият туфайли юзага келган туб ўзгаришлар билан боғлиқлиги;

- глобаллашув демократик жараёнлар натижаси сифатида бутун ер юзида ҳаёт даражаси юксалиб боришига ва қашшоқлик даражасининг анча пасайишига ёрдам берувчи шарт-шароит деб қаралиши;

- глобаллашув ишлаб чиқариш самарадорлигини рағбатлантириш ва имкониятларни кенгайтириш, иқтисодиётни ўстириш эвазига қўшимча иш жойларини яратадиган интегратсион жараён сифатида қаралиши;

- глобаллашув ахборот соҳасидаги инқилоб билан чамбарчас боғлиқлиги;

- глобаллашув айрим одамлар, оилалар ва элатлар учун яшаш жойини ўзгартириш ва молиявий муносабатлар билан боғлиқ хавф-хатарнинг ортишида намоён бўладиган муайян таҳдидларга эга бўлишдан иборат.

Инсоният яшаётган она-замин табиий имкониятлари, захиралари, иқлими, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси заминнинг барча ҳудудларида бирдек тарқалган эмас. Инсоният эса табиатнинг бу неъматларидан бирдек манфаатдор бўлишни истайди. Қолаверса давлатчилик, илм-фан, маданиятнинг ривожини ҳам бир томондан географик омилларга бориб тақалади. Ўз навбатида фан-техникаси юксак ривожланган мамлакатлар эришаётган ютуқлардан дунё аҳолисининг барчаси фойдаланишга интилишади. Шу маънода глобаллашувга объектив тарихий ҳодиса сифатида қараш мумкин.

Глобаллашувнинг мамлакатлар иқтисодий сиёсати ва маънавиятига ўтказиши мумкин бўлган ижобий ва салбий таъсири Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Маҳатма Гандининг қуйидаги сўзларида яхши ифодаланган: «Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини доим маҳкам беркитиб ўтира олмайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга очилган эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб уйимни ағдар-тўнтар қилиб ташлаши, ўзимни эса йиқитиб юборишини ҳам истамайман».

Шунинг учун ҳам миллий истиқлол ғоясини бугунги глобаллашув жараёнида уйимизни, ҳаётимизни тоза ҳаво билан таъминлаб, айни пайтда «довуллар»дан сақлаш омили эканлигини англаш муҳим.

Глобал муаммолар бутун дунёгагина тегишли бўлмай, унинг

минтақалари ва ҳатто айрим мамлакатлар даражасида намоён бўлгани боис, илмий адабиётларда уларнинг умуминсоний аҳамиятини тан олиш билан бир қаторда, уларни моҳияти ўзгача, таъсир доираси эса торроқ бўлган айрим, маҳаллий, минтақавий муаммолардан фарқлаш ҳам амалга оширилади. Турли даражадаги муаммоларни «умумийлик», «хусусийлик» ва «яккалик» фалсафий категорияларининг муайян ифодаси сифатида ўрганар эканлар, уларни одатда шундай талқин қиладиларки, хусусий муаммолар айрим муаммолар сифатида, маҳаллий ва минтақавий муаммолар – хусусий муаммолар сифатида, глобал муаммолар эса – умумий муаммолар сифатида амал қилади. Зикр этилган муаммоларни фарқлаш замирида ётувчи асосий мезон ҳам айна шу ёндашувни белгилайди. У географик деб аталади, чунки макон омилини ёки, бошқача айтганда, муайян муаммолар мавжуд ҳудудни акс эттиради.

Хусусий муаммолар давлат фаолиятининг муайян жабҳасига, айрим аҳоли яшайдиган пунктларга ёки кичик табиий объектларга тегишли бўлган муаммолардир. Булар, одатда, турли авариялар, носозликлар натижасида юзага келадиган ҳар хил муаммолар, маҳаллий ижтимоий конфликтлар ва ш.к.

Маҳаллий муаммолар тушунчаси юқорироқ даражадаги муаммоларга, аниқроқ айтганда, айрим мамлакатларга ёки йирик мамлакатларнинг анча катта ҳудудларига тегишли бўлган муаммоларга нисбатан татбиқ этилади. Бу ерда одатда кучли zilzilalar, йирик сув тошқинлари ёки, масалан, кичик давлатдаги фуқаролар уруши назарда тутилади.

Миллий муаммолар тушунчаси ижтимоий-сиёсий ва илмий муомалада баъзан муайян давлат ёки миллий ҳамжамиятнинг маълум қийинчиликлари, ғам-ташвишларини акс эттиради. Миқёс даражасига қараб улар минтақавий ёки маҳаллий муаммолар сифатида талқин қилиниши мумкин.

Минтақавий муаммолар айрим қитъалар, дунёнинг йирик ижтимоий-иқтисодий ҳудудлари ёки анча йирик давлатларда юзага келадиган муҳим масалалар доирасини қамраб олади. Бундай муаммоларга Шарқий Европанинг бир неча мамлакатлари ҳудуди радиоактив заҳарланишига олиб келган Чернобил фожиаси ёки бир қатор давлатларни қамраб олувчи анча катта ҳудудларда юз берган иқлим ўзгаришлари мисол бўлиши мумкин. Масалан, 1968 йилда Сахел минтақасида юз берган қурғоқчилик «аср фалокати» деган ном олди. У Африка қитъасининг 18 давлатини қамраб олди, бунда очарчилик натижасида 250 мингдан кўпроқ одам ҳалок бўлди, тахминан 18 миллион бош қорамол нобуд бўлди, хавfli касалликларнинг эпидемиялари юзага келди, бу улкан минтақа ҳудуди эса деярли тўла саҳрога айланди.

Глобал муаммолар бутун ер қуррасини, унинг нафақат одамлар бевосита яшайдиган қисмини, балки Ернинг қолган юзаси, ер ости бўшлиқлари, атмосфера, гидросфера ва ҳатто инсон фаолияти доирасига кирувчи космик фазони қамраб олиши билан изоҳланади.

Шундай қилиб, *глобал муаммолар* тўғрисида сўз юритилган ҳолда бутун сайёра назарда тутилади, унинг энг йирик таркибий бирлиги сифатида эса

минтақа қабул қилинади. Бунда минтақалар сони ва уларнинг миқёси кўриб чиқиладиган муаммолар хусусияти билан белгиланади. Масалан, дунё миқёсидаги иқтисодий қолоқлик муаммосини тадқиқ этишда одатда бутун сайёрани икки минтақа – ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларга ажратиш билан кифояланилади. Демографик, энергетик муаммолар ёки хом ашё муаммоларини ўрганишда эса, минтақалар сони, кўпаяди ва ҳар сафар тадқиқотнинг муайян мақсадлари билан белгиланади.

Бунда шуни қайд этиш лозимки, ҳар қандай муаммо сайёранинг исталган минтақасига нисбатан муҳим саналган, яъни уларнинг ҳар бирида намоён бўлган ҳолдагина глобал деб ҳисобланиши мумкин. Акс ҳолда бир ёки бир неча минтақаларнинг муаммолари (ёки бундан ҳам кичикроқ миқёсдаги муаммолар) тўғрисида сўз юритилади.

Бундан барча глобал муаммолар айтилган вақтда минтақавий аҳамият ҳам касб этади, лекин минтақавий даражада аниқланган барча муаммолар ҳам глобал бўлавермайди, деган хулоса келиб чиқади. Ўз-ўзидан равшанки, глобал муаммолар сони камроқ бўлади. Бошқа даражаларга келсак, глобал муаммолар бевосита маҳаллий ёки хусусий кўринишга эга бўлмаслиги ёки бу ерда унча сезилмаслиги мумкин.

Масалан, Антарктидада ёки сайёраамизнинг атроф муҳит ифлосланганидан асосий марказлари ва манбаларидан анча узоқда жойлашган бошқа бурчакларида ҳаво ёки сув ҳавзаларининг ҳолати қониқарли бўлиши, табиий муҳитга антропоген таъсир эса деярли сезилмаслиги мумкин. Шунга қарамай бу кескинлик даражаси табиий муҳитга антропоген таъсирнинг нотекислигига боғлиқ бўладиган экологик муаммонинг глобал хусусиятига шак-шубҳа туғдирмайди. Ўз навбатида, барча маҳаллий ёки хусусий муаммолар глобал муаммолар билан боғланавермайди, зеро уларнинг сони таққослаб бўлмайдиган даражада кўпроқдир.

Келтирилган мулоҳаза глобал ва минтақавий муаммоларни нафақат илмий балки, амалий жиҳатдан ҳам фарқлаш имконини беради, чунки барча глобал муаммолар ўз миқёсида ўзгармайдиган ягона тизим – бутун сайёрага тегишлидир. Шу сабабли мазкур тизим учун уларнинг сони маълум тарихий босқичда муайян ҳисобланади. Айтилган вақтда бошқа даражадаги муаммолар сонининг аниқ ҳисобини юритиш мумкин эмас, зеро минтақаларнинг ва турли ҳудудларнинг чегаралари тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига қараб шартли олинади.

Глобаллик мезонлари. Фан ва фалсафада глобал муаммоларни янада аниқроқ тавсифлаш учун юқорида зикр этилган «географик» мезондан ташқари бу муаммоларни бошқа томондан – уларнинг сифати, ва муҳим хусусиятлар нуқтаи назаридан тавсифловчи қўшимча мезонлар қўлланилади.

Биринчидан, глобал муаммолар ўз моҳиятига кўра нафақат айрим кишиларнинг манфаатларига, балки бутун инсоният тақдирига дахлдордир.

Иккинчидан, уларни бартараф этиш учун бутун сайёра аҳолиси ҳеч бўлмаса аксарият қисмининг куч-ғайратини бирлаштириш ва улар баҳамжиҳат, изчил иш кўриши талаб этилади.

Учинчидан, бу муаммолар дунё ривожланишининг объектив омилли

ҳисобланади ва бирон-бир мамлакат уларни эътиборга олмаслиги мумкин эмас.

Тўртинчидан, глобал муаммоларнинг ечилмагани келажакда бутун инсоният ва унинг яшаш муҳити учун жиддий, балки тузатиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин.

Қайд этилган мезонлардан ташқари баъзан глобал муаммоларнинг бошқа бир қатор хусусиятлари ҳам кўрсатилади. Хусусий, маҳаллий ва минтақавий муаммолардан фарқли ўлароқ, глобал муаммолар нисбатан турғунроқдир. Улар глобалликнинг юқорида санаб ўтилган барча мезонларига мос келишдан олдин зимдан ва узоқ шаклланади, ечилишига қараб эса (назарий жиҳатдан) қуйироқ даражага тушиб, дунё миқёсида ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин. Аммо тенденцияларни тескари йўналишда ўзгартириш камида бутун жаҳон ҳамжамиятининг изчил ҳаракатларини талаб этувчи ўта оғир иш бўлиб, ҳали бунга эришилганича йўқ. Глобал муаммолар мавжудлигининг нисбатан қисқа тарихига нафақат уларнинг қуйироқ даражага тушиши, балки сусайиш ҳоллари ҳам маълум эмаслигининг сабаби ана шундадир.

Глобал муаммоларнинг бошқа бир муҳим хусусияти – уларнинг барчаси бир-бирига шу даражада боғлиқки, улардан бирини ечиш ҳеч бўлмаса унга бошқа муаммоларнинг таъсирини ҳисобга олишни назарда тутати.

2. Ҳозирги замон глобал муаммолари.

Глобал муаммоларнинг келтирилган мезонлари ва ўзига хос хусусиятлари асосан мазкур соҳадаги аксарият тадқиқотчиларнинг қарашларини акс эттиради ва глобал муаммоларни бошқа барча муаммолардан фарқлаб, аниқ айтиш имконини беради. Бунда у ёки бу муаммонинг кескинлик ва муҳимлик даражасини белгилаш, унинг бошқа муаммолар билан ўзаро нисбатини аниқлаш учун одатда турли таснифлашлар амалга оширилади, улар алоҳида гуруҳларга ажратилади.

Таснифлаш бирдан-бир мақсад ҳисобланмайди, балки ҳозирги даврнинг ўта кескин зиддиятларини комплекс ўрганишнинг муҳим элементи сифатида амал қилади ва мазкур муаммоларни уларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирини тақозо этиши нуқтаи назаридан ўрганиш имконини беради. У муҳим алоқаларни фарқлаш, устуворликларни ва объектив мавжуд глобал муаммоларнинг кескинлашув даражасини аниқлаш имконини беради. Бундан ташқари, таснифлаш глобал муаммоларнинг тизимли ўзаро алоқасини янада теранроқ тушунишга кўмаклашади ва амалий қарорлар қабул қилиш кетма-кетлигини белгилашга ёрдам беради.

Изчил ва аниқ амалга оширилган таснифлаш билишнинг мазкур соҳасидаги аввалги тадқиқотларни маълум даражада сарҳисоб қилади ва айни вақтда бундай тадқиқотларнинг ривожланишида янги босқич бошланганини қайд этади.

Ҳозирги вақтда глобал муаммоларни таснифлашга нисбатан ҳар хил ёндашувлар орасида айниқса кенг эътироф этилган таснифга мувофиқ глобал муаммоларнинг барчаси уларнинг кескинлик даражаси ва ечимининг аҳамиятига, шунингдек реал ҳаётда уларнинг ўртасида қандай сабабий

боғланишлар мавжудлигига қараб уч катта гуруҳга ажратилади.

Биринчи гуруҳни энг катта умумийлик ва муҳимлик даражаси билан тавсифланадиган муаммолар ташкил этади. Улар турли давлатлар ўртасидаги муносабатлардан келиб чиқади. Айни шу сабабли улар интерижтимоий глобал муаммолар деб аталади. Бу ерда *жамиятҳаётдан урушни бартараф этиш ва адолатли дунёни таъминлаш; янги халқаро иқтисодий тартиб ўрнатиш* каби икки ўта муҳим муаммо фарқланади:

Иккинчи гуруҳ жамият ва табиатнинг ўзаро таъсири натижасида юзага келадиган муаммолар бўлиб, улар одамларни энергия, ёнилғи, чучук сув, хом ашё ресурслари ва шу қабилар билан таъминлаш қабилардир. Бу гуруҳга экологик муаммолар, шунингдек Жаҳон океани ва космик фазони ўзлаштириш ҳам киради.

Ниҳоят, *учинчи гуруҳни* «инсон – жамият» тизими билан боғлиқ муаммолар ташкил этади. Булар демография муаммоси, соғлиқни сақлаш, таълим, халқаро терроризм таҳдиди масалалари ва ҳ.к.

У ёки бу муаммонинг муайян гуруҳга киритилиши маълум даражада шартли хусусият касб этади ва муҳим омилларга, уларни ажратиш асосларига боғлиқ бўлади. Шу сабабли ҳар қандай шундай тасниф масала ечимининг узил-кесил варианты сифатида эмас, балки мураккаб тизимни қайта тузишнинг глобал муаммолар ўзаро алоқаси табиатини яхшироқ тушунишга кўмаклашадиган усуллари билан бири сифатида қаралиши лозим.

Энди бутун инсониятга жиддий хавф туғдираётган энг муҳим муаммоларга қисқача тавсиф берамиз.

Асосий глобал муаммолар тизими. Ҳозирги даврнинг глобал муаммолари ўз ҳолатини вақтда тинимсиз ўзгартирадиган ягона, фаол ва очик тизим ҳисобланади, чунки унга умуминсоний аҳамиятга молик бўлган янги муаммолар кириши, аввалги муаммолар эса, уларнинг ечилишига қараб, йўқолиши мумкин. Рим клубининг асосчиси ва биринчи Президент А.Печчеи бу ҳолатга эътиборни қаратиб, инсоният қаршида кўндаланг бўлган аксарият муаммолар «бир-бири билан маҳкам чирмашиб олди, улкан спрут чангали янглиғ бутун сайёрани ўз исқанжасига олмоқда... ечилмаган муаммолар сони ўсиб бормоқда, улар янада мураккаброқ тус олмоқда, уларнинг чирмашуви янада чигаллашмоқда, уларнинг «исқанжаси» эса сайёрамизни ўз чангалида тобора қаттиқроқ сиқмоқда», деб ёзган эди¹.

Аммо глобал зиддиятлар тугуни қанчалик чигал бўлмасин, уни фан ва фалсафа ёрдамида ечиш, яъни сабабни оқибатдан, муҳим тафсилотларни иккинчи даражали тафсилотлардан, объективни субъективдан фарқлаш учун назарий жиҳатдан англаб етиш лозим. Дунё миқёсидаги жараёнларга таъсир кўрсатиш учун одамларнинг имкониятлари ва ресурслари чекланганини ҳисобга олиб, муаммоларнинг қайси бири дарҳол ечишни талаб қилиши ва қайси бири иккинчи даражали аҳамият касб этишини ҳам фарқлаш муҳимдир.

Демографик муаммо. Ҳозирги вақтда инсониятнинг энг муҳим

¹ Печчеи А. Человеческие качества. – М., 1980. – С.7

муаммолари орасида, аксарият давлатлар ва минтақаларда аҳоли ҳаддан ташқари кўпайишига сабаб бўлаётган аҳолининг назоратсиз ўсиши қайд этилади. Айрим мутахассисларнинг баҳолашларига кўра, сайёрада мавжуд энергетика, хом ашё, озиқ-овқат ва бошқа ресурслар Ерда фақат бир миллиардга яқин киши («олтин миллиард») муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаши мумкин. Ваҳоланки, охириги минг йиллик мобайнида сайёрамиз аҳолиси 15 баравар кўпайди ва бугунги кунда 6,3 миллиард кишидан ошиб кетди. Бунда нафақат миқёс, балки аҳолининг ўсиш суръатлари ҳам ақлни лол қолдиради. Хусусан, биринчи икки баравар кўпайиш 700 йил ичида, иккинчиси – 150 йил ичида, учинчиси – 100 йил ичида ва охиригиси – 40 йилдан камроқ вақт ичида юз берди. Шунини айтишнинг ўзи кифояки, 1956 йил Ерда 2,8 миллиард киши яшаган бўлса, XX аср охирига келиб бу рақам 6 миллиардга етди.

XX асрда ер курраси аҳолисининг «демографик портлаш» деб номланган мислсиз даражада ўсиши биологик қонунларнинг эмас, балки стихияли, нотекис ижтимоий ривожланиш ва инсоният катта машаққатлар билан бартараф этишга ҳаракат қилаётган чуқур ижтимоий зиддиятлар маҳсули бўлди. Бу аввало ривожланаётган мамлакатларга тегишли бўлиб, уларга жаҳон аҳолиси ўсишининг ўндан тўққиз қисмидан кўпроғи тўғри келади. Бу ердаги вазият ривожланган мамлакатларга XX аср бошидаёқ хос бўлган ўлим даражасининг юқорилиги ва бутун инсониятга XVIII асрга хос бўлган туғилиш даражасининг юқорилиги билан тавсифланади. Айни вақтда меҳнат унумдорлиги даражаси ва аҳоли жон бошига олинадиган даромад миқдорига, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлик даражаси ва қишлоқ хўжалигининг самарадорлигига, аҳолининг саводхонлик даражаси ва умумий маданий савиясига кўра бу мамлакатлар халқларининг аксарияти ҳали XIX асрда яшамокда.

Демографик муаммолар жуда мураккаб ва ўта турғун бўлиб, уларни тез бартараф этиш мумкин эмас. Айни вақтда уларни ечиш кечга сурилгани сари, улар янада мураккаброқ ва чигалроқ тус олади. Шу сабабли ривожланаётган мамлакатларда барча ҳукуматлар туғилиш даражасини пасайтиришга қаратилган демографик сиёсатни амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан Ўзбекистонда 1995 йилда “Оилани режалаштириш” давлат дастури қабул қилинди. Бу дастурда ҳар бир оилада фарзанд туғилишини режалаштиришнинг она ва бола соғлигини асрашга йўналтирилган сабб ҳаракатлардан бири бўлиши билан бир қаторда, мамлакатда демографик портлашнинг олдини олиш вазифасини босқичма-босқич амалга ошириш кўзда тутилган. Бу борада барча вилоятларда, қишлоқ ва овулларда репродуктив саломатлик бўйича тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Мазкур муаммо ривожланган мамлакатларда ҳам кескинлашди, лекин бу ерда унинг акс кўринишига дуч келиш мумкин. Умр узунлигининг ва кекса одамлар сонининг ўсиши жараёнида ҳатто аҳолининг оддий кўпайишини ҳам таъминламайдиган туғилиш даражасининг пасайиши кузатилмоқда. Айни ҳолда депопуляция, яъни аҳоли сонининг камайиши тўғрисида сўз юритиладики, (Россия аҳолиси ўртача 54 ёшни ташкил қилади,)бу ҳам

миллий манфаатлар, ижтимоий дастурларни амалга ошириш, пенсия таъминоти ва шу кабиларга тегишли қўшимча қийинчиликларни юзага келтиради. Россиядаги ҳозирги демографик жараёнлар бунга ёрқин мисол бўлади.

Таълим муаммоси. Демографик портлаш сабаблари таълим муаммоси билан узвий боғлиқ. Сўнгги вақт ичида жаҳонда саводсизлар сони фоиз ҳисобида камайган бўлса, мутлақ ҳисобда ўсишда давом этмоқда. Бунда маълумотсиз одамларнинг ҳаёти амалда кўп болаликни хурофий ақидалар билан оқлайдиган архаик оилавий анъаналарга бўйсунди. Пировардида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги тафовут бу жиҳатдан ҳам ортишда давом этмоқда. Ҳозирги вақтда ажабтовур вазиятни кузатиш мумкин: саводхонлик мутлақ рақамларда ўсаётган бир пайтда, саводсизлар, яъни ўқиш, ёзиш, оддий арифметик амалларни бажаришни билмайдиган одамлар сони ҳам ўсиб бормоқда (Ҳиндистон аҳолисининг 70%, Покистон аҳолисининг 60%, Африка мамлакатлари аҳолисининг 80% саводсиз).

Шу билан бир қаторда аксарият одамларнинг маълумот даражаси янги технологиялар ва компьютер техникасидан кенг фойдаланувчи ҳозирги жамиятда тўлақонли яшаш ва меҳнат қилиш имконини бермаслиги билан боғлиқ *функционал саводсизлик* ҳам ўсиб бормоқда.

Бу муаммонинг бошқа бир жиҳати шундан иборатки, жаҳоннинг аксарият давлатларида таълим олиш имконияти барчага тенг даражада таъминланмаган бўлиб, бу ижтимоий кескинликнинг қўшимча манбаи ҳисобланади. Шунингдек ҳозирги даврда таълим сифатини яхшилаш, унинг мазмунини ижтимоийлаштириш масаласи кўндаланг бўлиб турмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки таълимнинг ижтимоийлашуви ўқув жараёнида гуманитар фанларнинг ўқув соатлари ёки фанлар сонини кўпайтириш эмас балки, табиий илмий фанлар мазмунини гуманитарлаштириш, ҳар қандай илмий кашфиётни инсон манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтириш лозим. Шундагина инсон ўз мавжудлигини сақлаб қолиш имкониятига эга бўлади.

Соғлиқни сақлаш. Аҳоли сони ва унинг яшаш шароити, шунингдек атроф муҳит ҳолати ҳозирги даврнинг яна бир глобал муаммоси билан узвий боғлиқ. Аксарият касалликлар ва атроф муҳитдаги антропоген ўзгаришлар ўртасида бевосита ва билвосита алоқа мавжуд. Ҳозирги одамлар авлодига атроф муҳит ифлосланишининг ҳали ўрганилмаган ёки кам ўрганилган кўп сонли физик (аввало электромагнит), кимёвий ва биологик омиллари таъсир кўрсатмоқда. Аввало, иқтисодий ривожланган мамлакатлар аҳолиси касалликларининг таркиби ва хусусиятида юз берган ўзгаришлар айна шу ҳол билан изоҳланади.

Бу ерда юқумли касалликлар бартараф этилган бўлиб, одамлар ўлимининг асосий сабаблари ҳисобланмайди. Лекин юрак-қон томир касалликлари, руҳий касалликлар сезиларли даражада кўпайди, «цивилизация касалликлари» деб номланган бутунлай янги касалликлар: рақ, ОИТС ва бошқалар пайдо бўлди. Бундай касалликлар, хусусан юрак-қон томир касалликлари ўсишининг асосий сабаблари кам ҳаракатчан турмуш

тарзи, семириш, чекиш, рухий зўриқиш, стресс ҳолатлари эканлиги аниқланган. Бу ҳодисалар инсонга табиатнинг қудратли кучларини жиловлаш ва ўзини жисмоний меҳнатдан асосан ҳалос этиш, мазкур ишни машиналар, техника воситаларига юклаб, ўзига асосан ақлий меҳнат, тартибга солиш ва назорат қилиш функцияларини қолдириш имконини берган XX аср цивилизациясининг ривожланиш маҳсулидир.

Ривожланаётган мамлакатларда бошқача вазиятни кузатиш мумкин: бу ерда касалликлардан азоб чекаётганлар сони ривожланган мамлакатлардагидан кўпроқ, касалликнинг олдини олиш ёки даволаниш имконияти эса сезиларли даражада камроқдир. Тиббиёт сифатининг пастлиги, қашшоқлик ва антисанитария туфайли ривожланаётган мамлакатларда болалар ўлими, безгак, сил, трахома, қоқшол билан касалланиш даражаси, эпидемик юқумли касалликларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли ривожланган мамлакатлардаги ҳолат билан таққослаб бўлмайдиган даражада юқоридир.

Сўнгги маълумотларга кўра, дунё бўйича юрак қон—томир касалликлари кун сайин ортиб бормоқда. Бундай касалликлар аксарият ҳолларда ўлим билан тугаганлиги сабабли жамият учун катта таҳдид саналади. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (WHO) ҳисоботига кўра, 2005 йилда юрак қон-томир касалликларидан 17,5 миллион инсон вафот этган. Ушбу кўрсаткич барча ўлим ҳолатларининг 30 фоизини ташкил қилади. Шу жумладан, 7,6 миллион киши юрак ишемик касаллигидан 5,7 миллион киши инсульт оқибатида ҳаётдан кўз юмган². Ҳозирги вақтда ўрнатилган интернационал алоқалар натижасида давлатлар ўртасидаги улкан юк оқимлари, одамларнинг фаол миграцияси ва кенгайган иқтисодий муносабатлар оламшумул хусусият касб этди ва кўпгина юқумли касалликларнинг тарқалиш тезлигини оширди. *Нотипик зотилжам, қуш гриппи, чўчқа гриппи* каби илгари ҳеч қачон мавжуд бўлмаган, янги касалликларнинг пайдо бўлиши сабабларини ҳам айтиш шундан излаш лозим.

Айтиш пайтда шунини ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, XX-XXI асрда янги касалликлар сони кўпайиб борсада, касалликларга қарши кураш воситалари ҳам такомиллашиб бормоқда. Жумладан XXI аср фанининг энг катта ютуғи сифатида 2008 йилда немис олими Г.Харелд томонидан бачадан саратони касаллигини келтириб чиқарувчи сабаб аниқланди ва унга қарши эмлаш воситаси яратилди. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда 12-14 ёшдаги қизларда бачадон саратони касаллигига қарши фаолият кенг амалга оширилмоқда. Бу билан дунё бўйича ҳар йили 17 мингта аёлнинг ушбу хасталиқдан ҳалок бўлиши камаяди.

Озиқ-овқат муаммоси. Оммавий касалликлар ва умрнинг сезиларли даражада қисқариши сабабларидан бири озиқ-овқат муаммосидир. Хусусан, сурункали тўйиб овқат емаслик ва номутаносиб овқатланиш кам ривожланган мамлакатлар аҳолисида оммавий тарзда намоён бўлаётган

²Бобожонова Н. “Ёшарган” хавfli тўлқин. // Ирмоқ, 2008 йил №4. 23-б.

муттасил оксил очлиги ва витамин тақчиллигига олиб келмоқда. Натижада жаҳонда ҳар йили очликдан бир неча ўн миллионлаб одамлар, катталардан кўра кўпроқ болалар ҳалок бўлмоқда.

Озиқ-овқат тақчиллигига дуч келган мамлакатлар уни импорт қилишга мажбур, лекин бу, одатда, очарчиликка қарши курашда кам самара беради ва бундан ташқари, мазкур мамлакатларни экспортчиларга қарам қилиб қўяди. Шу тариқа ғалла ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тазйиқ ўтказишнинг самарали воситасига ва моҳият эътибори билан, аввало энг қашшоқ мамлакатларга қарши «озик-овқат куроли»га айланади.

1960-йилларда озиқ-овқат муаммосини ечиш ривожланаётган мамлакатлар учун «яшил инқилоб»ни амалга ошириш билан боғланган эди. Бу тадбирнинг моҳияти буғдой ва шолининг ўта унумли янги навларидан фойдаланиб, қишлоқ хўжалик маҳсулдорлигини кескин оширишдан иборат эди. Бунинг учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини замонавий технологиялар ёрдамида модернизация қилиш мўлжалланди. «Яшил инқилоб» аксарият ривожланаётган мамлакатларда қабул қилинди, лекин амалда ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатларга олиб келди. Қишлоқни қайта ташкил этиш учун тегишли ижтимоий шарт-шароитлар ва бунинг учун зарур маблағлар мавжуд бўлган давлатларда у ижобий самара берди. Аммо бундай мамлакатлар унча кўп эмас, масалан Ҳиндистон, Покистон шулар жумласидан. Техника ва ўғитлар харид қилиш учун маблағлар мавжуд бўлмаган, аҳолининг маълумот даражаси жуда паст бўлган, турғун анъаналар ва хурофий ақидалар хўжалик юритишнинг илғор шаклларини амалга жорий этишга тўсқинлик қилган ўта қоқ мамлакатларда эса «яшил инқилоб» самара бермади. Шунингдек, у одатдаги майда хўжаликларни вайрон қила бошлади, қишлоқ аҳолисининг шаҳарга миграциясини кучайтирди. «Яшил инқилоб» эски қишлоқ хўжалиги ўрнида янги, замонавий қишлоқ хўжалигини барпо эта олмади, яъни эски уйни бузиб, унинг ўрнида янги иморат қура олмади, бу эса озиқ-овқат муаммосини янада кескинлаштирди.

Иқтисодий ривожланишнинг нотекислиги. Ривожланаётган мамлакатларни қоқликдан чиқариш ва янги халқаро иқтисодий тартиб ўрнатиш ҳозирги даврнинг глобал муаммолари орасида алоҳида ўрин эгаллайди, чунки бу ерда вужудга келган халқаро муносабатлар тизими беқарорлашувининг кучли омиллари яшириниб ётади. Сўнгги йилларда дунё миқёсида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ўсгани ҳолда, бойлар ва камбағаллар, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги улкан тафовут янада ошди. Бу муаммо баъзан «бой Шимол» ва «қашшоқ Жануб» ўртасидаги қарама-қаршилиқ сифатида ҳам тавсифланади.

1960-йилларда аксарият мамлакатларнинг тўғридан-тўғри мустамлака қарамлигидан халос бўлиш жараёни янги, лекин ўзгача тусдаги қарамлик ўрнатилишига олиб келди. Урушдан кейинги даврда жаҳон савдосининг ўсиши ва давлатлараро алоқаларнинг кучайиши юз берди. Айни вақтда Ғарб давлатлари иқтисодиётида монополиялашув жараёни кучайди ва трансмиллий корпорациялар пайдо бўла бошлади. Улар арзонроқ ишчи кучи

топиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилишга қўшимча харажатлардан кутулиш мақсадида меҳнат сарфи катта бўлган ва экологик жиҳатдан ифлос ишлаб чиқаришларни ривожланаётган мамлакатларга экспорт қила бошладилар. Бу ҳол, бир томондан, ривожланган капиталистик мамлакатларда атроф муҳитни ҳимоя қилиш учун оммавий ҳаракатнинг фаоллашуви ва экологик қонунчиликнинг янада қаттиқлашуви билан, бошқа томондан эса, ривожланаётган мамлакатлар ўзининг қашшоқлиги туфайли, қаттиқ экологик меъёрлар ва бу билан боғлиқ чеклов чоралари жорий этишни ўзига доим ҳам эп кўра олмаслиги билан изоҳланар эди.

Сўнгги ўн йилликларда вазият яна ривожланаётган мамлакатлар зарарига ўзгара бошлади. Ривожланган мамлакатларда жамият ҳаётининг барча жабҳаларига ва иқтисодий компьютерлар ва микроэлектроника жадал суръатларда жорий этила бошлади. Шунингдек технологик новациялар ва янги (юксак) технологиялар роли ҳам сезиларли даражада ошди, бу эса ишлаб чиқаришга маълумотли, малакали ишчи кучини жалб қилишни тақозо этди. Шу сабабли иқтисодий ўзаро алоқалар ва жаҳон савдоси асосан иқтисодий ривожланган давлатлар ўртасидаги алмашинув ҳисобига амалга оширила бошланди, ривожланаётган мамлакатлар эса, агар улар кўп миқдорда хом ашё ресурсларига эга бўлмаса, жаҳон бозоридан сиқиб чиқарилди.

Энергетика ва хом ашё ресурслари. Яна бир глобал муаммо – инсониятни энергетика ва хом ашё ресурслари билан таъминлаш халқаро майдонда кўп сонли зиддиятлар, шу жумладан ҳарбий можаролар манбаига айланди. Бу ресурслар моддий ишлаб чиқаришнинг негизи ҳисобланади ва ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига қараб инсон ҳаётида тобора муҳимроқ рол ўйнайди.

Мазкур ресурслар *тикланадиган*, яъни табиий ёки сунъий йўл билан тиклаш мумкин бўлган ресурсларга (гидроэнергия, ёғоч, қуёш энергияси ва ш.к.) ва миқдори мавжуд табиий захиралар билан чегараланган *тикланмайдиган* ресурсларга (нефть, кўмир, табиий газ, ҳар хил рудалар ва минераллар) бўлинади.

Ҳозирги истеъмол суръатлари сақланган тақдирда тикланмайдиган ресурсларнинг аксарияти инсониятга бир неча ўн йиллардан бир неча юз йилларгача бўлган муддат билан ўлчанадиган яқин келажақда фойдаланишгагина етиши ҳисоблаб чиқилди. Шунингдек мавжуд захираларнинг анчагина қисми мураккаб шароитда жойлашган конларда жамланган ёки нисбатан қашшоқ рудалардан иборат.

Яқиндагина одамлар аксарият фойдали қазилмаларни очиқ усулда ёки 600 м дан ошмайдиган чуқурликда қазиб олган бўлсалар, бугунги кунда вазият сезиларли даражада ўзгарди. Қулай жойлардаги фойдали қазилмалар тугаб бормоқда ва эндиликда 8-10 км чуқурликда ёки океан тубида жойлашган конларни ишга солиш вазифаси пайдо бўлмоқда. Бу эса нафақат кўп миқдорда капитал қўйилмаларни, балки уларни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш учун янги техника ва технологиялар яратишни ҳам тақозо этади. Шу сабабли чиқиндисиз технологияларни ривожлантириш билан бир қаторда

инсоният ихтиёрида мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Уруш ва тинчлик муаммоси. Ҳарбий соҳа жамият ҳаётининг энг исрофгар соҳаси ҳисобланади. Айни шу сабабли жамият ҳаётидан урушни бартараф этиш ва Ерда мустаҳкам тинчликни таъминлаш бутун дунёда мавжуд барча глобал муаммолар орасида энг муҳими деб эътироф этилади. Унинг кескинлиги барча замонларда ҳеч қачон пасаймаган бўлса-да, XX асрда у нафақат айрим кишилар, халқлар, балки бутун инсоният олдига «ўлиш ё қолиш?» деган мудҳиш саволни қўйиб, алоҳида, фожевий мазмун ва аҳамият касб этди.

Бу ҳол илгари мавжуд бўлмаган имконият – Ердаги ҳаётни йўқ қилиш имкониятини яратган ядро қуроли пайдо бўлиши билан изоҳланади. Ядро қуроли 1945 йил августда (Хиросима ва Нагасаки) илк бор қўлланилган пайтдан эътиборан мутлақо янги давр – инсон ҳаётининг барча жабҳалари: сиёсат, иқтисод, тафаккурда, жаҳон майдонидаги кучлар нисбатида туб ўзгаришлар ясаган ядро даври бошланди. Аммо муҳими шундаки, мазкур даврдан эътиборан нафақат айрим инсон, балки бутун инсоният ўлиши мумкин бўлиб қолди. Тейяр де Шарден янги вазиятга баҳо берар экан, шундай дейди: «Бир индивид ўлса, унинг ўрнини доим бошқа бир индивид эгаллайди. Индивиднинг ўлими ҳаётнинг давом этишига тўсиқ бўла олмайди. Аммо бутун инсоният ўлса-чи?..».

1940-йилларнинг охирида таърифланган бу масала вақт ўтиши билан айниқса муҳим аҳамият касб этди. Атом бомбаси пайдо бўлиши билан «қиёмат-қойим» хом-хаёл бўлмай қолди. Ўша даврда янги ихтиронинг бутун хавфини кўпчилик ҳали тушунмаган, айрим файласуфлар ва олимлар ядро уруши таҳдид солаётган шароитда одамлар ўзининг ўзгарган ҳолатини англаб етишлари ва инсоният ҳалок бўлишининг олдини олиш учун барча имкониятлардан фойдаланишлари лозимлиги ҳақида огоҳлантирган эди.

Албатта, ўзини ўзи қириб ташлаш имконияти одамларда дарҳол пайдо бўлгани йўқ. Ядро қуролини яратиш ва уни бутун тирикликни қириб ташлаш учун етарли миқдорда жамғариш учун вақт, жуда катта моддий, молиявий ва бошқа харажатлар, шунингдек жаҳоннинг турли мамлакатларидаги олимлар, муҳандислар ва ишчилар кўп миллионли армиясининг куч-ғайрати талаб этилди. Аммо биринчи ядро портлашларидан сўнг юзага келган вазиятнинг жиддийлигини жаҳон ҳамжамиятининг кенг давралари англаб етиши учун ҳам қарийб 30 йил вақт ўтиши керак бўлди.

АҚШ ва Совет Иттифоқида бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда иш олиб борган олимлар икки жамоаси тадқиқотларининг ақлни лол қолдирувчи натижаси бўлган «ядро киши» концепцияси пайдо бўлган 1980-йилларнинг бошига келибгина инсоният ядро қуроли яратилиши, шунингдек глобал муаммолар пайдо бўлиши билан у ўзининг аввалги «умрбоқийлиги»ни йўқотганини узил-кесил англаб етди.

Компьютерда яратилган моделларда анча аниқ ҳисоблаб чиқилган мазкур концепциянинг асосий мазмуни шундан иборатки, жаҳонда Ердаги ҳаётни бутунлай йўқ қилиш учун етарли миқдорда ядро зарядлари тўпланган.

Улар портлатилган тақдирда тўғридан-тўғри шикастлантирувчи таъсирдан ташқари ҳавога сон-саноксиз миқдорда чанг, тутун ва кул кўтаради ва уларнинг қалин пардаси сайёрамизни қуёш нурларидан бутунлай тўсиб қўяди. Бу атмосфера ва Ер юзасининг температураси кескин пасайишига сабаб бўлади ва уни муз босишига олиб келади. «Ядро киши» концепцияси одамларни улар янги хавф даражасини англаб етишга ва цивилизацияни қутқариш учун ҳарбий куч ишлатишдан воз кечиб, чоҳ ёқасидан узоклашишга қодирми, деган саволга жавоб беришда муқобилдан узил-кесил маҳрум қилди.

Муҳокама қилинаётган муаммонинг бошқа бир ўзига хос хусусияти шундаки, у моҳияти ва ҳозирги ҳолати «Табиат фалсафаси» мавзусида кўриб чиқилган экология билан узвий боғлиқ. Биз фан-техника тараққиёти даражаси экологик тангликни бартараф этиш борасидаги имкониятларни белгилашини қайд этган эдик, аммо қурол-яроғларнинг вайронкор имкониятлари, уларнинг шакллари, қўллаш методлари ва усулларининг ранг-баранглиги ҳам айна шу даражага боғлиқ бўлади. Бошқача айтганда, инсон ўз ҳаётини табиат билан уйғунликда йўлга қўйиш имкониятларини қўлга киритиш билан бир қаторда бутун тирикликни йўқ қилиш қобилиятини ҳам кўп қарра оширди. Жамиятнинг ҳарбийлашуви, қуролланиш пойгаси ва ҳарбий можароларнинг салбий оқибатлари атроф муҳитнинг бузилиш жараёнларини янада жадаллаштирмоқда. Ядро қуроли билан бир қаторда уруш олиб боришнинг «географик» воситалари ҳам олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлардан иборат алоҳида хавф туғдиради. Бу оқибатлар инсон сунъий йўл билан табиий офатлар, вайронгарчиликлар ва шу кабиларга эришиш мақсадида табиий жараёнларга изчил таъсир кўрсатиши натижасида келиб чиқиши мумкин. Уруш ҳаракатлари олиб боришнинг бундай усуллари, масалан муайян ҳудуд устидаги озон қатламини атайлаб вайрон қилиш ва шу кабилар ядро қуролининг қўлланилиши билан тенг оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Бугунги кунда ҳарбий қарама-қаршилик маълум даражада сусайганига қарамай, аксарият мамлакатларда мудофаа ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш харажатларида улкан номутаносиблик ҳанузгача сақланиб қолмоқда.

Бу тафовут мудофаа фойдасига баъзан эллик баравар ва ундан кўпроқ даражага етади. Бу ҳол «учинчи дунё» мамлакатларида айниқса бўртиб намоён бўлади. Бу ерга, бир томондан, қурол-аслаҳа, бошқа томондан эса – мураккаб экологик вазиятни янада оғирлаштирувчи эскирган асбоб-ускуна ва ноэкологик технологиялар тобора кўпроқ етказиб берилмоқда. Натижада ифлосланиш ва табиатнинг завола топиш суръатлари бу ерда ривожланган мамлакатлардагидан анча юқоридир.

Қуролланиш пойгаси нафақат улкан моддий ресурсларни, балки меҳнат ресурслари, интеллектуал ресурсларни ҳам беҳуда сарфламоқда. Бутун дунёда олимларнинг тўртдан бир қисми, одатда, энг малакали кадрлар урушга тайёргарлик кўриш борасидаги ишларга жалб қилинган бўлиб, уларнинг билим ва кўникмалари вайронкорлик воситаларини яратишга йўналтирилган. Аммо олимларинсоният дуч келган хавф даражасини

биринчи бўлиб (уларнинг энг илғор вакиллари) англаб етдилар.

Қуруланиш пойгаси авж ола бошлаган 1955 йилда таниқли инглиз файласуфи *Б.Рассел* тинчлик ва қурулсизланиш учун кураш ташаббуси билан чиқди. У *А.Эйнштейн* билан ҳамкорликда *Ф.Жолио-Кюри*, *М.Борн*, *С.Пауэлл*, *Л.Инфельд* ва бошқа йирик олимлар томонидан қўллаб-қувватланган машхур Манифестни эълон қилди. Бу Манифестда инсоният унга таҳдид солаётган хавф ҳақида огоҳлантирилди, шунингдек ядро асрида цивилизацияни асраб қолиш учун «янгича фикрлашни ўрганиш» лозимлиги ўқтирилди.

Б.Рассел нафақат хавф-хатарлар ҳақида огоҳлантирди, балки уларни ечиш йўллари ҳам таклиф қилди. Хусусан, у барча урушларга чек қўйиши лозим бўлган жаҳон ҳукумати ташкил этиш ғоясини илгари сурди. Унинг фикрича, БМТ бундай ҳукумат негизи бўлиши мумкин. У шунингдек давлатлар ўртасидаги низоли масалаларни тинч йўл билан ечиш учун жаҳон конференцияси чақиришни талаб қилди.

Тинчлик, қурулсизланиш ва халқаро хавфсизлик учун кураш бошлаган жаҳон илмий ҳамжамияти бу борада ўз куч-ғайратини бирлаштириш лозимлигини англаб етди ва 1957 йилда Пагоуш (Канада)да ўз тарафдорларининг биринчи конференциясини ўтказди. Пагоуш ҳаракати деб номланган бу ташкилот тинчлик учун кураш олиб борувчи нуфузли халқаро ташкилотлардан бирига айланди. Эндиликда унга ҳозирги глобаллашув муаммолари ва номутаносибликларини бартараф этиш йўлида кураш олиб бораётган бошқа кўп сонли ташкилотлар ва ҳаракатлар (Гринпис, Рим клуби, антиглобалистларнинг ҳаракатлари ва бошқалар) қўшилди. Тинчлик ва қурулсизлантириш, халқаро терроризмга қарши биргаликдаги кураш ғоясини 1993 йилда И.А. Каримов БМТнинг 48 сессиясида таклиф қилган эди. Ўзбекистонда 1999 йил 16 феврал воқеалари, 2001 йил 11 сентябрда АҚШнинг марказида кўп қаватли савдо уйининг портлатиши, Чеченистондаги чексиз террорчилик ҳаракати натижасидаги минглаб қурбонлар И.А. Каримовнинг нечоғлик ҳақлигини яна бир қарра исботлади.

Глобал онгни шакллантириш зарурияти. Глобаллашув жараёнларини назарий жиҳатдан англаб етиш ва глобал муаммоларни бартараф этиш нафақат ўта оғир ва узоқ давом этадиган, балки кутилган натижаларга қандай эришиш мумкинлиги хусусида ҳали аниқ жавоблар ва узил-кесил ечимларга эга бўлмаган ишдир. Айни вақтда аксарият тадқиқотчилар глобал тангликларни бартараф этиш имкониятини оммавий онгда янги ахлоқнинг шаклланиши ва мустаҳкамланиши, маданиятнинг ривожланиши ва унинг инсонпарварлашуви билан боғламоқдалар. Бунинг учун жиддий асослар бор, зеро одамларнинг феъл-атвори, хатти-ҳаракатлари, пиروвард натижада эса улар эришишга ҳаракат қиладиган натижа асосан уларнинг ҳаётга муносабати ва фикрлаш тарзи билан белгиланади.

Айни вақтда асрлар мобайнида сақланиб қолаётган дунё ҳақидаги тасавурларни ўзгартириш, қотиб қолган фикрлаш андозаларини бартараф этиш ва одамлар онгида инсонийликнинг янги таърифларини шакллантиришнинг ўзи умуминсоний муаммолар ечими эмаслиги ҳам равшан. Бу мазкур муаммоларни бартараф этиш йўлидаги зарур, лекин фақат

биринчи қадам ва у муттасил ўзгарувчи вазиятга мос бўлган ва ҳозирги давр руҳини аниқ акс эттирадиган дунёқарашнинг шаклланиши билан боғлиқ. Бундай янгиланган дунёқараш замирида фақат сўнгги юз йилликка хос бўлган жамият ҳаёти интернационаллашувининг кескин ўсиши билан белгиланадиган ижтимоий муносабатларнинг янгича мазмуни ва шакл-шамойилларини акс эттирувчи янгича инсонийлик ётиши лозим. Мазкур янгича инсонийлик глобал онгни шакллантиришга қаратилиши ва камида уч асосий негиз: глобаллик туйғуси, зўравонликка нисбатан мурасасизлик ва инсоннинг асосий ҳуқуқларини тан олишдан келиб чиқадиган адолатпарварликни ўз ичига олиши даркор.

Халқаро кучларнинг бирлашуви. Одамлар дунёқараши нафақат уларнинг дунё ҳақидаги билимларида, балки улар бу билимни қандай талқин қилиши, қандай хулосалар чиқариши ва қандай иш кўришида ҳам намоён бўлади. Шу сабабли глобал муаммоларни бутун дунё баҳамжиҳат ва зудлик билан ҳал қилиши лозимлиги тўғрисида сўз юритар эканмиз, инсоният назарияда муайян ютуқларга ва баъзи бир амалий натижаларга эришган ҳолда, дунё ривожланишининг салбий жараёнларини тўхтатишга ҳали муваффақ бўлмаганини эътибордан четда қолдиришимиз мумкин эмас. Халқаро кучларнинг лозим даражада бирлашуви, уларнинг мувофиқлаштирилган, изчил ва энг муҳими, самарали ҳаракатлари ҳам ҳали мавжуд эмас. Нега шундай бўляпти ва бунга нима халақит беряпти? Ҳозирги ранг-баранг ва зиддиятларга тўла дунёда келишилган ҳаракатларни амалга ошириш мумкинми? Агар мумкин бўлса, бунга қандай асосда эришиш мумкин? Булар бугунги кунда ижтимоий тафаккур, шу жумладан фалсафа ечишга ҳаракат қилаётган бош масалалардир.

Тарихий тажриба турли халқларнинг яқинлашуви уларнинг манфаатлари мос келган жойда айниқса яхшироқ юз беришини кўрсатади. Ўзаро манфаатдорлик турли қийинчиликларни тез бартараф этиш, савдо-сотикни фаол ривожлантириш, иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Одатда бу йўлда энгилга тўғри келадиган энг катта қийинчиликлар эскича қарашлар, қотиб қолган фикрлаш услуби, анъаналар билан боғлиқ бўлади. Улар ўзгариш хусусиятига эга, лекин бу жуда узок, катта қийинчиликлар билан ва одатда ташқи ёки ички омиллар таъсирида юз беради. Масалан, ташқи омиллар қаторига экологик тангликнинг кучайиши, «демографик портлаш» оқибатлари, уруш хавфи ва нафақат одамларнинг турмуш тарзини сезиларли даражада ўзгартирган, балки уларнинг онгига ҳам ўз таъсирини кўрсатган бошқа глобал муаммолар киради. Ички омиллар инсон манфаати, унинг субъектив, шахсий асоси билан боғлиқ. У ёки бу муаммоларнинг кескинлик даражаси, ҳатто бунинг учун зарур шарт-шароит ва етарли асослар пайдо бўлган ҳолларда ҳам, нима учун пасаймаяпти, деган саволга жавоб топишда юқорида зикр этилган омиллар, айниқса манфаат омили албатта ҳисобга олиниши лозим.

Глобал муаммоларни ҳал қилишда хусусий ва умумий манфаатлар. Ҳар бир халқ, ҳар бир мамлакат халқаро муносабатларнинг у ёки бу

тартибида, давлатлараро савдо оқимларининг йўналиши ва капиталларнинг тақсимланишида ўз муайян манфаатига эга бўлади. Улар табиий ресурслардан фойдаланиш, атроф муҳитни сақлаш ва шу каби масалаларда доим ўз манфаатларини ҳимоя қиладики, бу уларнинг сиёсатида умумий масалаларда ҳам, хусусий масалаларда ҳам бевосита акс этади ва бошқа мамлакатлар сиёсатида ўхшамаслигига сабаб бўлади. Баъзан ички манфаатлар умумий манфаатлардан устунлик қилади. Бундай ҳолларда мазкур сиёсат бошқа давлатларнинг манфаатларига зид равишда амалга оширилади. Масалан, экология нуқтаи назаридан бу қўшни ҳудудларда яшовчи халқларнинг қарама-қарши манфаатлари тўқнашган ҳолларда кўп кузатилади.

Аммо ҳозир, жамият ҳаётининг интернационаллашуви ва иқтисодий алоқаларнинг ўсиб бораётган интеграциялашуви шароитида, сайёрамизнинг турли бурчакларида жаҳон ҳамжамиятининг ядро уруши, экологик танглик, демографик кескинлик ва ресурслар тақчиллигини бартараф этишдан иборат объектив манфаатларини ўзларининг умумий манфаати деб билувчи одамлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Маърифатли сиёсий ва жамоат арбоблари янада аниқроқ англаб етаётган келишилган ҳаракатларга бўлган бу объектив эҳтиёж ҳозирнинг ўзидаёқ айрим давлатлар хулқ-атворида таъсир кўрсатмоқда ва ҳатто уларнинг ички ва ташқи сиёсатини маълум даражада белгиламоқда.

Ахборот инқилоби. 1981 йилда биринчи шахсий компьютер пайдо бўлиши билан бошланган ахборот инқилоби (у компьютер инқилоби деб ҳам аталади) жаҳоннинг аксарият мамлакатларида одамлар турмуш тарзини ва уларнинг меҳнати хусусиятини бутунлай ўзгартириб юборди. Бу инқилобнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ахборот муҳим ресурсга, ҳозирги дунё жараёнларини бошқаришнинг зарурий омилига айланди. Унинг натижаси ўлароқ, нафақат чиқиндисиз, энергия ва ресурсларни асровчи технологиялар пайдо бўлди, балки иқтисодий фаолиятнинг ўзи ҳам ишлаб чиқаришнинг майдаланиши ва табақаланиши томонга ўзгарди. Масалан, ҳозирги вақтда АҚШ экспортининг атиги етти фоизи 500 дан ортиқ одам ишлайдиган корхоналарда яратилади. Қолган барча маҳсулотларни кичик жамоалар, баъзан бир неча киши ишлайдиган ўрта ва кичик компаниялар ишлаб чиқаради. Янги технологиялар ва халқаро меҳнат тақсимоти шарофати билан эндиликда глобал иқтисодиётда муҳим рол ўйнаш учун катта мамлакат бўлиш шарт эмас. Бунга ўз ютуқлари билан ҳам, чуқур иқтисодий тангликлари билан ҳам жаҳон иқтисодиётининг умумий ҳолатига сезиларли даражада таъсир кўрсатаётган Сингапур, Тайвань, Жанубий Корея каби мамлакатлар мисол бўлиши мумкин.

Янги технологиялар ва ахборот инқилоби одамларнинг атроф муҳитда, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда юз бераётган ўзгаришлар устидан назорат олиб бориш борасидаги имкониятларини ҳам кўп қарра оширди. «Компьютер шахснинг қудратини кенгайтирган шароитда фуқаролар ўз ҳукуматларининг ҳаракатларини ҳукуматлар фуқароларнинг ҳаракатларини кузатганидан

самаралироқ кузатишлари мумкин»¹, деб қайд этади америкалик футурологлар *Д.Несбит ва П.Эбурдин*.

XXI асрда инсоният ахборот технологияларининг такомиллашган шакли нанотехнологияларни яратди. Нанотехнология-митти технология бўлиб, унинг прототиби табиатнинг ўзида мужассам. Кўзга кўринмас бактериялар, чумоли, ўргимчак ва шунга ўхшаш ҳашаротлар табиий нано жисмлардир. Олимларнинг башорат қилишича 2020 йилда инсонни автомобил ҳалокатидан сақлайдиган, кайфиятини кўтарадиган, организмнинг қайси қисми носоғлом эканлигидан хабар берувчи нанокийимлар яратилиб, улар оддий магазинларда сотилиши, шунингдек одам организмига 20мингда наноробортлар (уларнинг катталиги битта бактерия ҳажмига тенг) юборилиб, касал органни даволаш ёки кесиб ташлаш имконияти бўлиши башорат қилинмоқда. Бироқ ҳозирги кунда XX асрнинг бошида кир ювиш машиналари, мобил телефонлари, рангли телевизорлар, соатига 2500 км тезликда учадиган авиалайнерларнинг яратилишига шубҳа билан қаралгани каби бу тахминларга ҳам шубҳа билан қаралмоқда.

3. Глобал муаммоларни миллий ғоя контекстида таҳлили.

Инсоният кишилиқ жамияти ривожининг мутлақо янги мазмун-моҳият касб этадиган даврига қадам қуйди. Бу даврда жаҳон мамлакатлари ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, илмий-маданий алоқалар ҳар қачонгидан шиддат билан кучаймоқда. Оқибатда юз ага калган глобаллашув жараёнлари ўз таъсирини ўтказмаган биронта соҳа қолмади. Жумладан глобаллашув жамиятнинг ҳаётининг маънавий–мафкуравий, демографи соҳаларига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда ва яққол кўзгаташланмоқда. Биринчи Президентимиз таъбири ила айтганда глобаллашув «... ҳозирги шароитда мавкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига схизмат қилаётганини соплум фикрлайдиган ҳар одам, албатта, кузатиши муқаррар»³.

Жамият ҳаётининг турли соҳаларида глобаллашув жараёнлари қандай йўналишларда содир бўлмоқда деган таволга жавоб излаганда қуйидагиларни таъкидлаш ўринли бўларди.

Ҳокимиятнинг глобаллашуви-барча халқларни ўзида бирлаштиришни мақсад қилиб қўйган, аспида ҳокимият бир ҳовуч гегемонлар қўлида бўладиган «жаҳон салтанати»ни барпо этишга интилиш. Бу ҳокимият аспида йирик молия олигархлари, тарнсмиллий корпоратсиялар манфаатини ифода этади.

Сиёсий глобаллашув-давлат ваколатларининг катта қисмини трансмиллий корпоратсияларга, иқтисодий бирлашмаларга беришни тарғиб қилган холда муайян ҳудуддаги миллий давлатчилик «гегемонлиги»га барҳам беришни ифода этувчи мафкуравий жараён.

Иқтисодий глобаллашув-трансмиллий корпоратсиялар, йирик молия гуруҳлари томонидан жаҳонни ягона бозорга айлантириш ва шу тарзда унда

¹ Несбит Д., Эбурдин П. Что нас ждет в 90-е годы. – М., 1992. –С. 347.

³ Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat-engilmas kuch. –Т.: «Ma'naviyat», 2008. 113-bet

ўз танго ҳукмронлигини ўрнатишга интилиш.

Маданий соҳада, оммавий маданиятнинг ривожланиши, айниқса, мусиқа, кино, театр, шоу-кўрсатувлар, кийиниш, оммавий-ахборот воситалари фаолиятларининг бир хиллашуви, турли халқлар маданиятининг ўзаро таъсири, бир-бирини бойитиши туфайли маданиятлараро алоқаларнинг мустаҳкамланиши ва янги замонавий анъаналарнинг шаклланиши ва ҳ.к.лар.

Маънавий-мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви – миллий бағрикенгликни, миллат ҳаётининг ахлоқий асосларини, унинг миллий ўзига хослигини рад этувчи мондиализм ғояларини тантана қилишини таъминлашга асосланади.

Демографик глобаллашув-«глобал этнос»нинг шаклланишини таъмин этиш йўлида турли халқларнинг ассимиляциясини, уларнинг аралашиб кетишини ифода этувчи мудриш ҳодиса. Лекин у бир қатор объектив сабаблар боис кун сайин кучаймоқда: иқтисодий алоқаларнинг кучайиши; аҳоли мигратацияси; маданият, фан, таълим соҳасидаги ҳамкорлик; урбанизация; турли миллат ва ирқ вакиллари ўртасидаги никоҳ ва ш.к. Баъзи XXI аср охирига бориб европоид ирқ сифатида тугаб дунёда иккита ирқ қолиши тахмин этилмоқда.

Технология соҳасидаги глобаллашув дунё миқёсида маҳсулотлар ишлаб чиқаришни монополлаштирувчи молиявий жараёнларни келтириб чиқараётганлиги, халқаро майдонда молиявий компьютер тармоғи орқали дунёнинг бир бурчагидан бошқасига исталган миқдорда маблағнинг ўтказилиши, халқаро майдонда рақобатни ривожлантирувчи метатехнологияларнинг ривожланиши (космик йўлдош, компьютер, уяли телефон, интернет ва ҳ.к.) билан белгиланади.

Глобаллашувнинг шу тарзда жадал суратлар билан юз бераётган бундай шароитда биз ёшларимиз огида дунёнингсиёсий-мафкуравий манзарасини, унда кечаётган ғоявий курашлардан кўзланган туб мақсад-манфаатларнинг асл қиёфасини очиб бериш, ёшларга мустақилликни мустаҳкамлаш, жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг туб моҳиятини ёритиб берган ҳолда улардаги Ватанга садоқат туйғуларини янада мустаҳкамлаш, ёшларда тарихий хотира, маданий меросга ҳурмат, миллий ўзликни англаш туйғуларини мустаҳкамлаган ҳолда уларда ўз куч ва имкониятларига таяниб яшаш ҳиссини шакллантириш, ёшларда маънавий-мафкуравий таҳдидларга, “оммавий маданият” ниқоби остидаги турли хил ҳатти-ҳаракатларга нисбатан доимо огоҳ, сезгир ва хушёр бўлиш кўникмаларини шакллантириш аби мурим вазифаларга асосий эътиборимизни қаратишимиз лозим.

Назорат саволлар:

1. Глобаллашув тушунчасини мазмун, моҳиятини изоҳланг?
2. Глобализация деганда нимани тушунасиз?
3. Глобал муаммо нима ва унинг таснифи?
4. Глобал муаммоларни миллий ғоя контекстида таҳлил қилинг?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аббосхўжаев О., Умарова Н., Қўчқоров Р. Мафкура полигонларидаги

- олишувлар. -Т.: Akademiya, 2007.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. - Т.: Молия, 2003.
 3. Жўраев Т. Миллий давлатчилик ва хавфсизлик. Т.: “Академия”, 2007.
 4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар) - Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008.
 5. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. - Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт - матбаа ижодий уйи, 2009.
 6. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. - Т.: Akademiya, 2007.
 7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Т.: Ўзбекистон, 2000.
 8. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. 2-нашр -Т.: “Ўзбекистон”, 2015.
 9. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. - Т.: “Мухаррир” 2009.
 10. Очилдиев А.С. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси: - Т.: Ижод дунёси нашриёт уйи, 2002.
 11. Панарин И.Н. Информационная война и геополитика. - М.: Поколение, 2006.
 12. Тўраев Ш. Маънавий таҳдидлар: фалсафий таҳлил. - Т.: “Мухаррир”, 2010.
 13. Тўраев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. - Т.: Маънавият, 2008.
 14. Куронов М. Мафкуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси. -Т.: “Академия” 2008.

Электрон таълим ресурслари

1. www.ziyonet.uz
2. www.edu.uz
3. www.infocom.uz
4. www.nuuz.uz
5. www.bimm.uz

2-МАВЗУ: ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗЛАРНИНГ МОҲИЯТИ.

РЕЖА:

2.1. Глобал инқирозлар ва уларнинг моҳияти.

2.2. Глобал инқирозларни инсониятга, миллатларга, халқларга ва мамлакатларга таҳдиди.

2.3. Глобал инқирозларнинг таҳдидини англашда миллий ғоянинг ўрни.

Таянч иборалар: Глобал инқироз, инсониятга таҳдид, миллатларга таҳдид, халқларга таҳдид, мамлакатларга таҳдид, таҳдидларни англаш ва миллий ғоя.

2.1. Глобал инқирозлар ва уларнинг моҳияти.

Маънавият масаласи Ватанимиз мустақилликка эришган биринчи кунлардан то ҳозирга қадар мамлакатимиз раҳбарияти томонидан халқимиз диққат марказига қўйиб келинаётган энг жиддий муаммолардан биридир. Зеро, “Бирон-бир жамият маънавий имкониятларни, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди.”⁴ Фақат шу мавзуга махсус бағишланган “Юксак маънавият- энгилмас куч”⁵ асарининг ёзилиши эса муаммонинг нақадар жиддий ва долзарблигини кўрсатади. Бу мазкур муаммонинг нафақат республикамиз халқи, балки бутун инсоният олдида турган энг муҳим муаммо эканини теран онглашнинг самараси бўлиб, у бугунги кунда нафақат ҳар бир давлат мафқурасининг туб асосини ташкил этадиган, ҳар қайси инсон ва бутун жамият дунёқарашининг шаклланишида калит ролини ўйнайдиган, балки охириги ўн йилликларга келиб бутун жаҳон маданияти ва цивилизацияси ҳаётида ҳам долзарб ўринга чиққан муаммодир. Шунинг учун ушбу ходисанинг чуқур ўрганиш, унинг илдизига алоҳида эътибор бериш кескин зарурати вужудга келган.

Мазкур муаммонинг бениҳоя долзарблиги яшаётган давримизнинг ўзига хослиги билан ҳам узвийдир. Зеро, биз эндликда социумнинг барча соҳаларини қамраб олаётган, барча мамлакатлар амалда ягона бозорга бирлашуви ҳақидаги фикрлар олдинга сурилаётган, саноат ишлаб чиқариши кўп жиҳатдан трансмиллий корпорациялар назорати остида амалга оша бошлаган, интернет туфайли ҳар қандай янги ахборот (информация) сайёрамизнинг истаган жойига яшин тезлигида тарқалаётган, олимлар Ерда ягона цивилизация қарор топиши хусусида

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХ1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б.137.

⁵ Қаранг: Каримов И.А. Юксак маънавият энгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.176.

гапира бошлаган ва, А.Тойнбининг таъбири билан айтганда, инсоният, “умумий уй”, “умумий тақдир» ва умумий ташвишлар билан яшашга кириришаётган⁶, бир сўз билан айтганда, “глобализация” (глобаллашув) деб аталаётган жараёнлар содир бўлаётган замонда яшамоқдамиз.

Шундай экан, маънавият масаласи ҳам эндиликда нафақат миллий, балки глобал характер ҳам касб этади. Лекин, глобаллашув жараёни Н.Жўраев⁷ тўғри қайд этганидай, ҳозирча фақат қандайдир мавҳум ижобий жиҳатлари билангина эмас, балки кўпроқ «ҳозирги давр глобал муаммолари»ни вужудга келтиргани билан характерлидир. Кўпчилик мутафаккирлар бу даврни хатто **глобалкризис** (бухрон) даври деб атамоқдалар. “XX аср кризисни кучли ҳис этиш билан бошланган эди ва шу ҳиссиёт билан поёнига етди”,⁸ - деб ёзади, масалан, рус файласуфи С.И.Дудник. “Биз барча жиҳатлардан қараганда жуда мураккаб даврда яшаймиз, - дейди бошқа рус файласуфи Л.И.Беляев.- Бу планетада ҳаётни сақлаб қолиш учун тафаккуримиз парадигмасини ўзгартириш, инсон ҳаётини фаолияти мақсадини ўзгартириш тақозо этилаётган даврдир.”⁹ Ҳозирги давр энг янги фани синергетика ҳам шу кризис ҳолатини ифодалаш учун “глобал бифуркация нуқтаси” деган махсус янги тушунчани киритгани, “катастрофалар назарияси”ни ишлаб чиққани бежиз эмас.

Шунинг учун биз ҳам кўпчилик мутафаккирларнинг фикрларига қўшилар эканмиз, ишимизнинг мазкур қисмида диққатимизни айнан глобал кризисларга ва улар билан боғлиқ бўлган маънавият муаммоларига қаратамиз.

Кризис ҳодисаси, кенг маънода, бирон бир объектнинг, жараённинг ўз тараққиётида муайян чегаравий босқичга етиб келганини, у бундан буён аввалгидай қолиши мумкин эмаслигини, унинг трансформацияланиши (сифат жиҳатдан ўзгариши) вақти келганини ифодаловчи тушунчадир. Ҳозирги давр энг янги фани бўлмиш синергетика кризис ҳолатини ифодалаш учун “бифуркация нуқтаси” деган махсус янги тушунчани ҳам киритди. Кризиснинг глобаллигини назарда тутган мутафаккирлар унинг ҳис этилишини назарда тутиб, бунда цивилизация учун “охир замон” (апокалипсис) белгиси намоён бўлаётганини назарда тутмоқдалар.

Чиндан ҳам ушбу кризис глобаллиги туфайли юзага чиқаётган муаммолар жуда серқирра, кенг қамровли, тасаввурга сиғдириб бўлмайдиган даражада мураккаб, айни замонда, жуда долзарб ва кескиндир. Чунки улар ҳаётнинг бир ёки бир неча эмас, балки барча томонларига, айрим миллат, мамлакат, хаттоки катта бир минтақаларгагина эмас, балки бутун инсониятга дахлдорлиги, айни пайтда ечими кечиктириб бўлмас (масалан, цунами,

⁶Қаранг: Жураев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.221.

⁷Қаранг: Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.459.

⁸ Дудник С. И. Парадигмы исторического мышления XX века: очерки по современной философии культуры. СПб.: Санкт-Петербургское философское общество, 2001. Б.132.

⁹Беляев М.И. Концепция русского национального государства. – М., 2006

ёнғин, ядровий ёки водород уруши каби), мислсиз долзарблиги билангина эмас, балки инсоният эришган илмий билимнинг барча соҳалари биргаликда ечиш маҳол бўлган, шунинг учун дунёқараш барча тарихий шакллари (мифологияни, динни, фалсафани) ҳам жалб этилишини тақозо этадиган , бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган, яъни бирининг ечилиши бошқасининг ечилишидан келиб чиқадиган муаммолар сифатида майдонга чиқмоқда.

Глобал цивилизация кризиси ўзи каби глобал соҳавий кризисларни келтириб чиқарди. Масалан, расмий **тиббиётдаги кризисни (бухронни)** олайлик. Унинг камида уч сабаби кўрсатилиши мумкин. **Биринчиси** шундаки, расмий (илмий) тиббиёт ҳамisha касалликнинг ўзини эмас, балки унинг оқибатларини даволаш билан шуғулланиб келди. Зеро, у касалликни инсон жисмоний вужуди билан боғлиқ деб ҳисоблаб, бу вужуднинг соҳиби, эгаси, бошқарувчиси бўлган руҳни, қалбни (ғоявийликни) инкор этиб келди. Ваҳоланки, қадимги мутафаккирлар (масалан, Платон, Гиппократ каби) касаллик илдизини беморнинг руҳиятида деб кўрсатганлар. Бу расмий тиббиёт кризисининг маънавий асосини ташкил этади. **Иккинчи сабаб** шундаки, бу тиббиёт инсон вужудига бир бутун, яхлит ёндошмайди, балки айрим аъзоларни бир-бири билан мураккаб боғлиқлигини ҳисобга олмасдан даволаш билан шуғулланиб келди. Бунинг натижасида у инсон организмнинг бир (ёки бирнеча) аъзосини даволар экан, бошқа аъзолари ҳолатини назардан соқит қилади. Бу назардан соқит бўлган аъзоларнинг ҳам касалланишига олиб келади. **Учинчи сабабни** ҳозирги даврда инсон организмда иммунитетнинг (касалликка қарши кураш қобилятининг) ялпи заифлашганида (қолаверса, ирсиятнинг бузилаётганида) кўриш мумкин.

2.2. Глобал инқирозларни инсониятга, миллатларга, халқларга ва мамлакатларга таҳдиди.

Иммунитетнинг бузилиши расмий тиббиётнинг ўзига боғлиқ бўлмаган объектив сабаб бўлиб, ҳозирги тиббиёт унга қарши тура олмаяпти. Ана шу учинчи сабаб эса оқибатлари ўйламай-нетмай кенг қўллаб келинаётган техника ва технология ютуқларининг натижасидир. Бу ютуқлар нафақат инсон яшаб келган табиий муҳитнинг ўзгариб кетиши - иқлим ритмларининг бузилиши, ер, сув, ҳавонинг ифлосланиши, шунингдек, кислотали ёмғирлар ва бошқа жараёнлар, яъни **экологик кризис** - натижасида нафақат гуллаган боғу роғлар, балки инсон организми ҳам жиддий зарар кўра бошлашига олиб келди. Шулар туфайли тиббиёт эндиликда ўзининг боши берк кўчага кириб қолганини, кризисга учраганини тан олмоқда.¹⁰

Экологик кризис эса жамият билан табиат (биосфера) орасидаги мувозанатнинг бузилиб кетиши, яъни табиат, бутун она замин кишилиқ жамиятининг ўзига нисбатан нооқилона муносабатини, бебошлиқларини, тажаввузини ортиқ кўтара олмай қолгани оқибатидир. Эндиликда бутун башарият глобал экологик кризисга дуч келганини наинки йирик мутафаккирлар, фан намоёндалари, иқтисодиёт, сиёсат, маданият арбоблари, зиёлилар, балки оддий тафаккур эгалари ҳам аянч билан тан олмоқдалар.

¹⁰ Кушкарров С.Сўфий жанг санъати / С. Кушкарров, Улуғбек Кушкарров. - Тошкент : Ўзбекистон, 2003. - Б.54.

Энди олимлар хатто “инсониятнинг атроф муҳитга етказган зарарли таъсири оқибатларини бартараф этиш мумкин деган фикрни илгари суриш учун ҳеч қандай илмий асосга эга эмасмиз... эндиликда инсоният секин ишлайдиган қопқонга тушиб қолгани аниқми ёки бу қопқондан чиқиш... мумкинми, бу ҳақида фан аниқ бир нарса дея олмайди”¹¹ қабалидаги хулосаларга келмоқдалар. Очигини айтганда, эндиликда олимлар нафақат экологик уйимизни, балки “ақлли инсон”нинг ўзини ҳам яқин ўн йилликлар мобайнида ҳалок этадиган экологик қоллапс содир бўлишини башорат қилмоқдалар.

Юқоридаги каби хулосалар кўплаб мисол ва фактларда ўз тасдиғини топади. Бу борада, масалан, Россиянинг Петербургдай тарихий шаҳрини тузатиб бўлмас экологик ҳалокат кутаётгани ҳақида ёзилган бир ахборот диққатга сазовор. Ушбу ахборотга кўра, Петербурдан атиги 30 км нарида жойлашган, химиявий чиқиндилар полигонига айланган “Красный бор” деган жойда бу чиқиндилар жуда тўлиб кетгани туфайли энг хавфли захарли химикатлар яқин орада Нева дарёсига тошиб чиқиши хавфи борлиги ва бу масала депутатлар томонидан муҳокама этилиши кутилаётгани ҳақида хабар қилинади. Ваҳоланки, бунчалик машҳур бўлмаган жойларда аҳвол қандайлиги ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади.

Эндиликда инсоният ўзининг кейинги асрлар мобайнидаги фаолияти туфайли содир бўлган ҳалокатли жараёнлар миқёсини сезмаслиги қийин. Шу маънода экологияни инсониятнинг анча кечикиб бўлса ҳам уйғонган виждон азоби деб таърифлаш мумкин. Чиндан ҳам, Хиросима фожиаси, Чернобиль аварияси каби аянчли ҳодисалар инсоният қалбида чуқур жароҳат қолдиргани, озон қатламинининг сийраклашиб кетгани, иқлимнинг ўзгариб кетаётгани, тропик ўрмонларнинг зарарланаётгани, ёнғинлар ва сув тошқинлари, ер, сув, хавонинг ифлосланиб кетгани, цунамилар, химиявий ва бактериал уруш синовлари каби фактларни санаб тугатиб бўлмайди ва буларни кўриш учун энди олим бўлиш ҳам шарт эмас.

Ушбу жараёнлар инсоният олдига бундан буён Ер юзида яна қанча яшаш мумкин деган масалани кўяётгани эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Чунки энди гап нафақат табиий бойликларнинг, энергия манбаларининг камайиб, йўқолар даражага етгани, табиатнинг заҳарлагани, балки инсон бу муҳитда хатто тоза ҳаво билан нафас олиш имкониятидан, тоза озуқа манбаъларидан маҳрум бўлаётгани ҳақида, бутун бошли дарёлар, ўрмонлар йўқ бўлгани, денгиз, океанлар, еру кўк, тошу тупроқ тиклаб бўлмас зарар кўргани ҳақида кетмоқда. Яъни, инсоният интеллектуал қобилияти ва цивилизацияси қанча ривожланса, унинг ўзи қулайдиган чоҳ шунча катталашиб, чуқурашиб бориши, техника эса табиатни эксплуатация қилиш воситасидан инсониятнинг ўзини вайрон этиш қуролига айланиб кетавериши маълум бўлмоқда.

Умуман олганда, замонавий медицинанинг кризиси ялпи **антропологик кризиснинг** бир қисми бўлиб, у хилма-хил кўриниш ва тамойилларда намоён

¹¹Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. – Тошкент: Университет, 2005. - Б. 361.

бўлмоқда. “Булар орасида энг асосийси, дейди таниқли рус файласуфи, академик В.С.Степин, - инсоният эволюциясининг миллионлаб йиллари мобайнида шаклланган генофонди пойдеворидаатроф муҳитнинг (кимёвий ва радиоактив таъсирлар туфайли) ифлосланишида намоён бўлган бевосита сабаб бўлса, иккинчиси (турли касалликлар туғдирувчи микроб ва вируслар) таъсирида содир бўлаётган бевосита кучли ўзгаришлардир. Ваҳоланки, кишилиқ жамиятида бу генофонднинг сақланишига хизмат қилувчи табиий факторлар (яъни, табиий танланишнинг) фаолияти ўз аниқ чегарасига эга. Масалан, танланиш вазифасини бажарадиган урушларда асосан соғлом ва насл қолдира оладиган одамлар қирилиб келган. Катта тезлик билан ўзгариб бораётган нобарқарор ижтимоий вазиятлар ва барча соҳаларда содир бўлаётган рақобатлар ичида кечаётган ҳозирги ижтимоий ҳаёт эса ўз стресслари билан антропологик кризисни янада кучайтирмоқда. Бу эса нафақат юрак, қон томирлари, онкология касалликларини, балки руҳий касалликларнинг ҳам кўпайишига олиб келмоқда. Кейинги йилларда, депрессия (оғир руҳий сиқилиш) каби руҳий хасталиқ XX аср охири XXI аср бошларининг энг кенг тарқалган касаллигига айланди.”¹²

Баъзи кишиларга ҳозир ҳам шак-шубҳасиз фақат ижобий ҳодиса бўлиб кўринаётган илмий-техника ютуқларини инкор этмаган ҳолда, айти шу ютуқлар туфайли цивилизация боши берк кўчага кириб қолганини эндиликда нафақат мутафаккир файласуфлар, гуманитар соҳа вакиллари, балки кўпчилик олимларнинг ўзлари ҳам оғир афсус билан тан олаётганларини алоҳида таъкидлашимиз жоиз. Масалан, Россия таниқли фан намояндалари шундай ёзадилар: “Олимлар сиёсатчиларнинг қўлига бутун Планетадаги ҳаётни бир эмас, бирнеча неча бор йўқ қилиш қувватига эга бўла оладиган қуролларни тутқаздилар, ваҳоланки, келажакда уларни қандай йўқотиш ва нима қилиш мумкинлигини аниқлашга ҳаракат қилмадилар..., улар энергиянинг янги манбаъларини кашф этдилар ва эмоқдалар, шунинг билан бирга радиоактив чиқиндилар ва ядровий терроризмдан қутулишдай жуда жиддий муаммоларини ҳам вужудга келтирдилар..., улар одамларга антибиотикларни совға қилдилар, айти пайтда, зарарли микроорганизмларнинг табиий танланиш жараёнини кучайтирдилар.”¹³

Лекин, бошқа тоифадаги олимларнинг жиловсиз тафаккури инсоният бошига яна қандай савдолар солиши ҳали номаълум бўлган янги ихтиро ва технологияларни яратиш иштиёқи билан ёнишда давом этмоқда. Улар, эндиликда кўпчилик фан арбобларини ҳам жиддий ҳавотирга солаётган, фан ва техниканинг **нанотахнологиялар, машина интеллекти, генетик медицина** каби соҳаларида изланишлар олиб бормоқдалар ва сезиларли натижаларга эришмоқдалар. Оксфорд университети директори, профессор Ник Бостром бу ишларнинг салбий оқибатлари ҳақида ўйлаб кўрилмаётгани ҳақида шундай дейди: “Технологик прогресснинг тезлашуви туфайли

¹² Степин В.С.Философия в эпоху перемен. // Вестник Московского университета. Серия Философия. №4. 2006. Б. 18-34.

¹³Капица С.П., Курдюмов С.П., Малинецкий Г.Г. Синергетика и прогнозы будущего Изд. 2-ое. М.: Эдиториал УРСС 2001. -Б.3 – 5.

инсоният ҳозир ўз тараққиётининг кескин бурилиш нуқтасга катта тезлик билан яқинлашиб келаётган бўлишининг эҳтимоли катта. Инсониятга яхши таниш бўлиб қолган ядровий хавфу хатар ёнига эндиликда нанотизимлар ва машина интеллекти каби соҳаларнинг жадал ривожлана бошлаган технологиялари мисли кўрилмаган ўз имкониятлари ва хатарлари билан кўшилмоқда. Бизнинг келажагимиз, агар у бор бўлса, бизнинг ана шу жараёнларга муносабатимизга боғлиқ. Ҳамон биз жадал ривожланаётган технологияларга боғлиқ эканмиз, инсоният жамиятидан “пост-инсоният” (кейинги инсоният, аниқроғи, анти-инсоният- Ш.Қ) жамиятига ўтиш динамикасини яхши англаб етишимиз керак. Айниқса тузоқ қаерда жойлашганини, муқаррар ўлимга олиб бориши мумкин бўлган йўллари пайқай билишимиз зарур.”¹⁴

Бизнингча ҳам, инсон биологик асосини ўзгартириш борасида генетик олимлар олиб бораётган ҳозирги ишлар антропологик кризиснинг кучайишига олиб келиши аниқ. Чунки, геномни ўрганиш натижасида олимлар инсоннинг нафақат ирсий касалликларини даволаш, балки унинг (ақлий ва жисмоний) қобилиятларини ҳам сунъий (нотабий, ноэволюцион) кучайтириш имкониятларини қўлга киритадилар). Улар бугунги кундаёқ инсон қонидаги гемоглобинни ирсий йўл билан ошириш борасида муайян натижаларга эришганлар. Бу эса ҳозирданок спортсменларга ўйинларда қўллаш тақиқланган допингларни олимлар ўзлари танлаган одамларга тутқазиб имкониятини қўлга киритганларини билдиради. Улар кимни танлашлари эса ё уларнинг ўзларининг, ёки хўжайинларининг хоҳишларига, аниқроғи уларнинг **ахлоқига, маънавиятига, дунёқарашига** боғлиқ. Ваҳоланки, фан намояндалари, юқорида айтганимиздай, одатда маънавият, ахлоқ, гуманизм масалаларига бефарқ бўлиб келганлар.

Бошқа томондан қараганда, табиат билан жамият орасидаги мувозанат бузилишининг ҳам камидаикки асосий сабаби бор. Биринчиси, нуқул иқтисодий истеъмолчиликка асосланган **техноген цивилизациянинг** кўпдан буён табиатга қарши қилаётган зўравонлиги бўлса, иккинчиси, Ерда аҳоли сонининг ортиб кетгани билан боғлиқ бўлган **демографик кризис**дир.

Шуларнинг натижаси ўлароқ эндиликда табиат нафақат жиддий захарланди, балки унинг инсонга керак бўлган неъматлари, биринчи навбатда, асосий энергия захиралари тамом бўла бошлади. Эндиликда шунинг билан боғлиқ бўлган **ресурслар кризиси** ҳам келиб чиқди. Мазкур кризис эса, ўз навбатида, табиатресурсларидан **фойдаланиш этикасининг** йўқлиги ва, умуман олганда, на фан ва на унинг амалиётга қўлланиш шакллари бўлган техника ва технологияда **ахлоқий** критерийларнинг буткул назардан четлатилгани билан ва давлат структураларида шунга мувофиқ ташкилотлар жуда кеч шакллангани, ҳар бир янги илмий ва техник-технологик кашфиётнинг амалиётга татбиқи оқибатлари тегишли назорат остида бўлмагани, бундай ташкилотлар эндиликда бор бўлса ҳамки, ҳамон

¹⁴Ник Бостром - Ph.D., is Director of Oxford University's new Future of Humanity Institute. Угрозы существованию человечества. Анализ сценариев вымирания. //2007. <http://www.nickbostrom.com/>

коррупция ва порахўрлик қарор топган муҳитда самара бермаётгани каби сабаблар билан боғлиқ.

Россия ядро синтези илмий марказининг олимлари академик В.Черток, геохимия институти директори, академик Э.Галимов ва б. бу муаммонинг ҳам гениал ечимини топган кўринадилар. Улар яқин орада ёқилғи ресурсини Ойдан Ерга олиб келиш режасини олдинга сурдилар. Бу мўлжаллар уларнинг узокни кўра олиш қобилияти яна панд бермаслигига, яъни ўз атрофидаги ўрмон, полиз ва боғларнинг барча меваларни еб битириб, хўжаликнинг ўзини поймол этиб бўлиб, қўшни боғда ҳам шу ишни давом эттириш пайига тушган “маймунлар галасининг ваҳшиёна хўжалик юритиш санъати”нинг замонавий илмий кўриниши эмаслигига ким кафил бўла олади?

Бир сўз билан айтганда, кризисларнинг глобал характери БМТ ва унга тегишли ЮНЕСКО ташкилотида, қолаверса, Рим клуби хужжатларида акс этган. Бу, масалан, Рим клубида муҳокама қилинган докладларнинг номлариданоқ кўринади. Масалан, улардан бири “Инсоният бошидаги мушкулотлар”, иккинчиси “Инсоният икки йўл орасида” деб аталгани аҳволнинг нақадар жиддийлиги кўрсатади. Шу маънода эндиликда илмий-техника прогресси салбий оқибатларини бартараф этишнинг ўзи ҳам **умумбашарий муаммога** айланди.

Булар эса, ўз навбатида, **иктисодий, молиявий**¹⁵ кризислар ва улар билан узвий бўлган турли ижтимоий гуруҳ ва қатламлар орасидаги низоларнинг кескинлашувларни, айрим халқлар ўртасидаги қон тўкилишларни олдини олиб бўлмаётган **сиёсий кризисларга** олиб келмоқда. Хатто кейингиларининг кескинлиги экологик кризисниқидан кам бўлмапти. Чунки, буларнинг ўзи ҳам кенг миқёсли ва чуқур **ижтимоий кризисни** келтириб чиқариши табиий.

Ижтимоий кризисга мисол сифатида постсовет даври Россиясида содир бўлаётган ижтимоий кризиснингкичик бир лавҳасини кўрайлик: “Кўчаларда тириклай чириб ва ўлиб кетаётган гадоилар, майиб, мажруҳлар, ўз ота-оналари томонидан тақдир хукмига топширилган, садақа сўраб юрган болалар, фарзандлари томонидан ташлаб кетилган қариялар, давлат ва жамиятдан ўз ҳақ ҳуқуқларини ундириб олишга уринаётган Чернобл аварияси оқибатларини бартараф қилиш учун сафарбар этилган кишилар, бутун ижтимоий организмни бошқарув аппарати, ҳуқуқ ҳимоялаш ва куч ишлатиш структуралари билан биргаликда еб битиришга киришган коррупциянинг чекланмаган бебошлиги, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, эндиликда давлат даромад солиғи ундирилиши кўзда тутилаётган бузуқхоналар, табиий муҳит вайронгарчилигининг тобора кучайиб кетаётгани, пенсионерларнинг қашшоқлиги, армиядаги “дедовщина” шармандагарчилиги, “скинхедлар” томонидан болаларнинг ўлгудек саваланишлари, жинояткор шахсларнинг террорчилик ишлари, Мамай

¹⁵ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий иқрози, Ўзбекистон шароитида кини бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б.56.

кўрғонининг ахлатхонага айланиши...”¹⁶.

Бу мисолни ҳозир Россияда сотилаётган ва безарар ичимликлардан ҳисобланган турли сортдаги пиволарга бироз миқдорда марихуана ёки амфетамин қўшилаётгани каби биз билган ва билмаган яширин жиноятлар билан тўлдириш мумкин. Қолаверса, бизнинг ўз худудимизда ҳам одамларни кул қилиб чет элларга сотиш, гиёҳвандлик ва унинг “бизнеси”, уюшган жиноятчилик, порахўрлик каби жинойий фактлар юзага чиқаётгани, авлодлар (ота оналар ва фарзандлар), туманлар, оила аъзолари орасида келишмовчиликлар ва ажрашувлар мавжудлиги ҳам сир эмас.

Ушбу манзара постсовет даври кишисида жавобгарлик, масъулият ҳисси мутлақо қолмаганидан, унинг бузилган нафсини жиловлайдиган тизгин ҳам йўқолиб битаёзганидан, бу шароитда ким нима хоҳласа шуни қила бошлаганидан, бир гап билан айтганда, одамлар **ахлоқий кризисни** ҳам бошдан кечираётганларидан далолат беради. Ваҳоланки, мазкур ахвол фақат Собиқ Иттифоқ даври моддиюнчи маънавиятнинг, яъни моддий эҳтиёжларни қондиришни биринчи ўринга қўйиб келган дунёқараш мафкурасининг сарқитларигина натижаси эмас, балки кўп даражада постсовет фуқароларининг **информацион очикжамият** шароитига кириб келгани, айниқса энг янги информацион технологиялардан таралаётган умумжаҳон маънавий иллатларининг маънавий бўшлиққа кириб келаётгани оқибати ҳамдир. Зеро, бу технологиялардан таралаётган ахборотнинг жуда катта қисми ҳозирги Ғарб маънавий инқирозини ўзида гавдалантираётган инсоний **қадриятлар тизими кризисининг ва** ундан келиб чиқаётган **субъектив кризисларнинг** маҳсулидир. Шу маънода Ғарбдан бошланган маънавий “касаллик ҳамма ёққа тарқалиб кетмоқда”¹⁷ дейиш мумкин.

Россиянинг марказий матбуот органларидан бири бўлган “Аргументы и факты” газетасида айни шу муаммо жиддий олдинга сурилган. Унда бир вақтлар халқ маънавиятини тарбиялаш вазифасини бажариш учун масъул бўлиб келган матбуот ва телевидение экранлари эдиликда жамиятнинг энг ифлос чиқиндиларини намойиш этиш билан шуғуланётгани афсус билан таъкидланади. “Эфирга провакацион материални бериш учун яхшигина ҳақ тўланмоқда” , яъни шу тариқа “пул ахлоқни енгиб чиқмоқда”, дейилади мазкур мақолада.

Бундан ташқари, сотувдаги дисклардан, компьютерларнинг интернет омборларидан чекланмаган равишда фойдаланиш имкониятлари борлиги, ота-оналар билан авлодлар орасида зиддиятлар, катта авлодда ўз моддиюнчи савия сақланиб қолгани, билимларининг бирёқламалиги ва юзакилиги, ичкиликбозлик ва бошқа сабаблар туфайли ўз фарзандларини назорат қилишга қодир бўлмай қолаётган ота-оналар ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади. Ваҳоланки, “Даҳшат фильмлар”, блокбастерлар, ўғрилиқ “саъати” ва уларни тутиш билан боғлиқ фильмлар нафақат “компютеромания”

¹⁶ Порус В.Н. Обжить катастрофу. Своевременные заметки о духовной культуре России// Вопросы фллософии. 2005, № 11, 26- 27 - б.

¹⁷ Субботин А.А., Субботин А.С., Следует ли дожидаться конца истории? // «Академия Тринитаризма», М., Эл № 77-6567, публ.14638, 16.11.2007. succeder@list.ru

касаллигини , балки чинакам маньякларни (телбаларни) шакллантираётгани, хамма ўлим ва зўравонлик уруғини сочаётгани маълум.

Таниқли рус маданият арбоби, актёр Алексей Баталов мазкур шароитнинг шахс, оила маънавиятида қандай аксланиётганини ва бу аҳвол хатто собиқ Иттифоқ давридагидан ҳам ёмонлашганини чуқур дард билан хис этаркан, шундай дейди: “Мени бугунги кун кишилари пулнинг қулига айланиб қолаётгани каттиқ ҳавотирга соламоқда. Одамлар кўз ўнгимизда жуда тез ўзгармоқдалар. Наҳотки, набира ўз бувисини квартирадан сиқиб чиқарса...Мен ҳарқандай шароитда ҳам одам ўз Инсонлигини сақлаб қола олган муҳитда ўсиб улғайган эдим. Агар атрофимда шундай одамлар бўлмаганида, балки бошқача бўлармидим...”¹⁸ Ваҳоланки, бу санъаткор бутун манзаранинг ўзигагина намоён бўлган кичик бир лавҳаси ҳақида шунчалик аянч билан фикр юритмоқда. Бунда машҳур актёрнинг собиқ шўролардан олдинги маънавий меросдан баҳраманд бўлганлар авлод таъсирида ҳам яшаган авлодга мансублигини ҳам ҳисобга олиш керак албатта. Унинг учун хаттоки ўзига намоён бўлган мана шу кичик ҳол ҳам катта ёвузликдир.

Юқорида санаб ўтилган кризислар орасида **оила кризиси** алоҳида диққатга сазовор. Рус файласуфларининг оила муаммоларига бағишданган илмий ишларда¹⁹ Россияда бугунги кунда бу муаммо нафақат ечилиши, балки адекват тарзда тушунилиши қийин бўлган, оқибатини тасаввур этиб бўлмайдиган кенг кўламли фожиага – оиланинг парчаланиб кетиши, яъни оила кризиси муаммосига дуч келганини²⁰ кўрсатмоқда. Оиланинг парчаланиши эса бу “**жамият тўлиқ маънавий деградацияга (инқирозга)** учраётганини, бу охир-оқибатда Россиянинг ўзини ҳам мавжуд бўлиши учун жиддий хавф туғилганини кўрсатади.”²¹

Бу жараёнлар замирида чет эл маданиятининг оила илдизларига болта урадиган индивидуализм ва гедонизм каби сохта оммавий қадриятларининг жамият маънавий ҳаётига стихияли равишда катта тезлик билан оқиб кираётгани факти ҳам ётади.

Юқоридаги фикрлар ва фактлар муносабати билан президентимиз И.А. Каримовнинг ёшларни очик ахбор олиш даврида ҳукм сураётган умумбашарий маънавий кризисдан асраш муаммосига алоҳида эътибор

¹⁸Баталов А. Свыше даются нам испытания // Аргументы и факты. 2008. №47.5- 6.

¹⁹Қаранг, масалан, Коряковцева О.А. Социально-педагогическое сопровождение молодой семьи: Автореферат дис.канд. пед. наук. – Кострома, 2002; Разов П.В. Социальное регулирование межличностных конфликтов в семье офицера Вооруженных сил Российской Федерации (социологический анализ): Автореферат дис.канд. социол. Наук. – М., 2007.; Соловьева И.Ю. Стабильность семьи как социально-философская проблема: Автореферат дис.канд. филос. наук. – Воронеж, 2004.; Анисина С.С. Социокультурные архетипы семьи и брака: Автореферат дис. канд. филос. наук. – Тюмень, 2002.; Орлова Н.Х. Семья как объект социально-философского исследования: Автореферат дис.канд. филос. наук. – СПб., 2000.; Бокша Е.А. Духовные угрозы функционированию семьи в современном Российском обществе (социально-философский анализ). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата философских наук. Москва – 2008 ва б.

²⁰ Бокша Е.А. Духовные угрозы функционированию семьи в современном Российском обществе (социально-философский анализ). Автореф. дис на соискание ученой степени кандидата философских наук. Москва – 2008. 4-б.

²¹Қаранг: Народ начинается с семьи. Патриарх Алексей встревожен угрозой моральной деградации общества и призвал объединить силы ради спасения нации //Труд. – 2005. – № 241. 4 –б.

қаратгани диққатга сазовор: “...кейинги йилларда кўплаб намоёиш этилаётган жангарилик фильмларини олайлик, - дейди У. - Бу фильмларни кўпчилик, айниқса, ёшлар мароқ билан кўради, чунки одамзот табиатан мана шундай тўполонларни томоша қилишга мойил... Афсус билан таъкидлашимиз лозим: тарих тажрибаси шундан далолат берадики, инсон табиатидаги инсонийликдан кўра вахшийлик, ур-йиқит инстинктлари, яъни хатти-ҳаракатларини қўзғатиб юбориш осонроқ. Онги шаклланиб улгурмаган аксарият ёш томошабинлар бундай фильмлардан кўпинча турли ёвузлик, йиртқичлик, шафқатсизликларни ўрганади, холос. Натижада уларнинг дийдаси қотади, қалбидан тошбағирлик, зўравонлик, ахлоқсизлик каби иллатлар жой олганини ўзи ҳам сезмай қолади. Ҳатто шундай томоша ва фильмларнинг қаҳрамонларига кўр-кўрона тақлид қилишни истайдиган йигит-қизлар ҳам топилади. Чунки улар бундай уйдирма талқинлар таъсирида қўл ураётган иши қандай аянчли оқибатларга олиб келишини тушуниб етмайди.”²²

Юқоридаги фактлар муносабати билан барча постсовет мамлакатларидаги каби бизда ҳам янги жамият қуришда мураккаб жараён “ўта мураккаб шароитда — мустабид шўро тузуми барбод бўлган ва янгича ижтимоий муносабатлар қарор топаётган кескин бир вазиятда”²³, ташқи мафкуравий таҳдидлар, глобал кризислар ва инфор­мацион очиқлик шароитида кечаётганини ҳисобга олишни тақозо этади. Зеро, бунинг учун жамиятда, аввало бу глобал маънавий инқирозни жиловлайдиган кучли эзгу маънавият шаклланиши керак. Лекин бу осон эмас, у жуда катта сафарбарлик, куч ва вақтни талаб қилади.

Чунки ҳар қандай жамиятда таълим-тарбиянинг туб асослари жамиятда ҳукмронлик қилиб турган мафкурага боғлиқ. Мафкура эса бирдан шаклланмайди, балки ҳукмрон (раҳбар) сиёсий элитанинг дунёқарашида, яъни унинг диний, фалсафий ёки илмий маданиятида шакллана боради. Бунинг ўзи эса билимларнинг теранлиги, ҳис-туйғуларнинг эзгулиги, эътиқоднинг софлигига боғлиқ экани билан бирга ҳозирги инфор­мацион очиқлик шароитида глобал характерга ҳам эга бўлиши заруратини келтириб чиқаради. Масалан, Ғарб, шунингдек, собиқ иттифоқ мафкураси асосан табиий фанлар ва техника ютуқларига таянган, теран маънавият оламини инкор этадиган чекланган **атеистик, материалистик, илмий-фалсафий дунёқараш** таъсирида шаклланган эди. Бизда ва постсовет мамлакатларида ҳозирча бундай глобал эзгу дунёқараш тўлиқ шаклланганича йўқ. Лекин, аждодларимиз маънавий меросида у мавжуд, аммо биз уни ҳали тўлиқ ва кенг онглаб етишга ва ўз ҳаётимизга жалб этишга улгурганимизча йўқ. Бу борада ишимизнинг навбатдаги саҳифаларида батафсилроқ ва махсус фикр юритишни мўлжаллаганмиз.

Шуларни назарда тутиб ҳозирга шароитда жаҳон миқёсида ёш авлод, яъни бўлажак олимлар, раҳбар ҳодимлар, касб-ҳунар эгалари маданиятида

²² Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд, – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б. 74-75.

²³ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.76.

намоён бўлаётган таълим-тарбия кризиси содир бўлаётганини ҳам айтиш жоиз. Буларнинг ҳаммаси глобаллашув жараёни ҳақида оптимистик хулоса чиқариб бўлмаслигини кўрсатади. Академик В.А. Садовничийнинг 2006 йил Москвада “Философия ва цивилизациянинг келажаги” мавзусида ўтказилган IV философия конгрессида халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг “Жаҳон фалсафаси” кафедраси юмалоқ столи атрофида қилган докладида ҳам глобаллашув мушкуллимизни осон қиладиган ечимлардан кўра муаммоларни беҳад орттиргани ва мураккаблаштиргани алоҳида таъкидланди.²⁴

Юқоридаги мулоҳазаларимиздан келиб чиқиб биз кўпчилик мутафаккирлар каби инсоният тарихи учинчи минг йилликка глобал тарихий кризис билан кириб келгани ҳақидаги хулосага келамиз. **“Бизтарихий кризисни бошдан кечирмоқдамиз,- дейди, масалан, - С.И.Дудник ва Я.А.Слинин. - Ушбу кризис авваламбор тарихий реалликни илғай биладиган... махсус давр руҳиятини ўзида мужассам этадиган ижтимоий онг эндиликда мавжуд эмаслигига тааллуқлидир...Тарихий кризис шахсий асоснинг обрўсизланишида, ўз айрим манфаатини умум манфаатида кўра оладиган “тарих қахрамонлари” энди йўқлигида... намоён бўлмоқда. Эндиликда фақат бир томонда омма-ю бошқа томонда элита (олий табақа) бор бўлган ва уларнинг ҳар иккисини ҳам фақат битта қатъий иқтисодий зарурат боғлаб турган “ижтимоий тенглашув” шароитида оламшумул-тарихий шахснинг намоён бўлиши ишонарли бўлмас ҳам эди. (Шу маънода эндиликда) “тарихий тип”, “миллий онг”, “халқ иродаси” кабилар анча муаммоли масалаларга айланди... Инсониятга кадриятлар уфқини кенгайтирадиган ва территориял экспансия ғоялари ҳукмронлик қилган тарих энди барҳам топди; зеро бу борада барча имкониятлар ишлатиб бўлинди ва яшаш майдонлари тегишлича эгаллаб бўлинди. Уларнинг ўрнига ҳозирги давр глобал муаммолари, кучларнинг виртуал балансини сақлаш ва билим/технологияларни ўстириш муаммолари келди. Ваҳоланки, Америка истеблишментига²⁵ хос бўлган бундай кайфиятни “олтин миллиард” остонасидан ташқаридагилар қабул қила олмаслар керак...”²⁶**

Фалсафий нуқтаи назардан ёндошилса, юқорида санаб ўтилган барча кризисларни бартараф этиш учун уларнинг туб асосида нима ётганини билиш мақсадга мувофиқ. Бизнингча, уларнинг асосида ётган битта умумий сабаб бор. У ҳам бўлса, юқорида ҳам айтганимиздай, яратиш эмас, фақат истеъмол қилиш психологиясига асосланган **техноген цивилизациянинг зўравонларча хўжалик юритиш тартиботидадир.**

2.3. Глобал инкирозларнинг таҳдидини англашда миллий ғоянинг ўрни.

²⁴ Қаранг: Ю.М. Павлов. Круглый стол кафедры ЮНЕСКО “Философия мира”// Московского университета. Серия 7. Философия. №4. 2006. 99-105– б.

²⁵ *Истеблишмент -Ҳокимият тепасида ҳукмронлик қилиб турган гуруҳ (элита).*

²⁶ Дудник С.И., Я.А.Слининим. История и историческое сознание// Я. (А.Слинин) и МЫ: к 70-летию профессора Ярослава Анатольевича Слинина. - СПб.: Санкт-Петербургское философское общество, 2002. Серия «Мыслители». Выпуск X. 39-б.

Ватанимизнинг мустақилликка эришуви бутун инсоният ҳаётида беҳад мураккаб, ҳатто Апокалипсис (Қиёмат) нишонлари яққол намоён бўлаётган жуда қийин даврга тўғри келди. Айни шу шароитда миллий давлатимизни шакллантирдик, ўз миллий ғоямиз, мафкурамизни ривожлантиришга бел боғладик. Ватанимиз кемаси шу чокқача бу беҳад бўронли дунёда чўкмасдан турган, мустақиллигимиз сақланаётган экан, шунинг ўзи халқимизнинг беҳад буюк бахтидир. Бу аввало унинг маданияти, маънавияти юксаклиги туфайли экани шубҳасиз. Қолаверса, халқимизнинг сиёсий раҳбарияти бу йўлда бор кучи, иродаси, ақл-заковати, иқтидорини сафарбар этиб, тинимсиз изланишлар олиб бориб, мамлакат барча ижодий потенциалини ишга солаётганидир.

Шундай қилиб, глобаллашув муносабати билан миллий ўзлигимизнинг шаклланиши ва ривожланиши жиддий хавф-хатарлар остида кечаётганини кўрдик. Гарчи уларнинг мазмуни президентимиз асарларида чуқур ва батафсил ёритилган эсада, уларга яна бир бор қисқача тўхталиш ортиқча бўлмайди. Аксинча, уларни тез тез эслаб туриш хушёрлигимизни сақлаш ва орттиришга хизмат қилади. Улардан асосийлари сифатида харбий, ижтимоий, иқтисодий, информацион (ахборий), мафкуравий, илмий, маданий, миллий хатарларни ажратиш мумкин. Биз ўз ишимизда глобаллашувнинг фақат маънавият билан боғлиқ томонлари ҳақида фикр юритишни мақсад қилиб олганимиз учун харбий хатар масаласига тўхталмаймиз. Қолган хатарлар эса маънавият билан узвий. Шунинг учун юқоридаги фикрларимизни хулосалаш учун уларга қисқача тўхталамиз.

Иқтисодий хатар ҳақида гап кетганида биз нафақат яқиндагина мустақиллика эришиб, ўз янги иқтисодиётимизни қуришда мураккаб жараёни бошдан кечираётганимизни, балки бутун жаҳон иқтисодиёти жиддий “хаста” эканини алоҳида ҳисобга олишимиз зарур. 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий кризиси бунинг ёрқин далилидир.²⁷ Бу хасталик жаҳон иқтисодиётининг эндиликда товар ишлаб чиқариш иқтисодиёти эмас, балки чайқовчи-молиявий иқтисодиётга айланиб кетганида кўринади. Мазкур аҳвол “ҳамма нарсани пул ҳал қилади”, деган паталогик, тескари фикрлаш тарзини келтириб чиқарган. Шунинг учун бундай тафаккур тарзининг, айниқса бугунги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида, ҳар қандай маънавий қадрият учун ўлим келтиришини ҳамиша ёдда тутишимиз зарур. Яъни, ёш авлод тарбиясида, фуқаролар кундалик онгида бу иқтисодий хасталик тарқатадиган “инфекция”га ҳам қарши турадиган иммунитетни фаоллаштириш, ўз юксак маънавий қадриятларимизнинг ҳимоялашнинг барча чораларини кўришимиз зарур.²⁸

Ижтимоий хатар. Бу ҳозирги давр кишиси онгига тааллуқли хатардир. Гап шундаки, ҳозирги даврда инсоният катта қисмининг тафаккури ҳам

²⁷ Бу ҳақида қаралсин: Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.- Ўзбекистон- 2009. – Б.56.

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Каримов И.А.нинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – - ТОШКЕНТ: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.

касалликка чалинган. Бу касаллик унинг кўпдан буён чин маънодаги Қонунларга (чин ахлоқий кадриятларга) асосланиб эмас, балки улар ҳақида шаклланган юзаки ва ўзгариб кетган тушунчаларгагина таяниб яшаётганларида кўринади. Бу эса инсонни турли жиноятлар кўчасига олиб киради, унинг “ақлли инсон”дан яна ҳайвон даражасига туширади. Шу маънодо бу хатар экологик хатардан хавфлироқдир. Зеро, аввало, экологик хатар инсондан ташқаридаги табиатнинг вайрон бўлаётгани билан боғлиқ бўлса, ижтимоий хатар инсоннинг ўзи инсон сифатида инқирозга юз тутганини билдиради. Шунингдек экологик хатар кўриниб турган бўлса, инсон онгининг инқироzi кўзга кўринмайди. У виждон хасталиги бўлиб, унга чалинган кишининг асл моҳияти, яъни маънавияти халок бўлмасдан қолмайди.

Информация хатари. Ҳозирги даврда жамият тўлиқ информациялашиб бораётгани кўриниб турипти. Бу эса жамият ҳаётининг информация сифати билан узвий боғланишини келтириб чиқармоқда. Демак, нафақат айрим инсон, балки бутун давлат тақдири эндиликда глобал характер касб этган информациянинг объективлигига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бу эса информациядан қурол сифатида фойдаланишдай жамият учун жиддий ички ва ташқи хатарларни келтириб чиқарди. Бу хатар ёппасига (тотал) технологиялашувнинг самараси бўлган ОАВ орқали зарарли информацияни шов-шув қилиб кенг тарқатиб, керакли, муҳим информацияни атайлаб яшириб қўйишда намоён бўлади. Бу борада айниқса Ғарб телевидениесидаги аҳвол аянчли. Масалан, Т.Кандонинг постмодернизм ҳақида ёзган мақоласида таъкидланишича, у ерда экранлар орқали тарқалаётган информацияда “реаллик билан нореаллик, муҳим билан номуҳим, рост билан ёлғон фикрлар орасида фарқ умуман қолмаган.”²⁹ Аммо, Биринчи Президентимиз И.А.Каримов аниқ кўрсатганидек, “Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тифиз, шу қадар тез-корки, энди илгаригидек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай кайфиятга берилган халқ ёки миллат тараққиётдан юз йиллар орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас.”³⁰ Бундан ташқари, рус файласуфи Г.Померанцнинг айтишича, эндиликда кўпчилик телевидениега “видеонаркотик сифатида боғланиб қолмоқда ва ўзи сезмаган ҳолда унга тобе бўлиб қолмоқда. Энди ташқаридан қараганда эркин кўрингани билан бундай кишиларни хоҳлаган куйга солиб ўйнатиш мумкин.”³¹ Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари ўринли таъкидлаётганидай, “Кейинги пайтда санъатда ошқораликни пеш қилиб, телевизор, кино экранларида, матбуот воситаларида бўлмағур лавҳаларни акс эттириш, бемаънилик ва ҳаёсизликни, баъзан эса, ҳатто ахлоқий бузукликни тарғиб қилишлар кўпайиб қолди. Барчамиз — қаерда, қандай лавозимда ишламайлик, жамиятимизнинг инсонийлик ва ахлоқий ақидаларини поймол

²⁹ Kando T. Postmodernism // Intern. j. of world peace, St.Paul, 1996, №3.

³⁰ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.– Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.112.

³¹ Померанц Г. Страстная односторонность и бесстрастие духа – СПб.: Университетская книга, 1998. – Б. 617.

киладиган ана шундай тажовузкорлик кўринишларига қатъий равишда қарши туришимиз лозим.”³²

Мафкура хатари информация хатари билан узвийдир. Зеро, информация хатарини фақат кучли мафкура ёрдамида бартараф этиш мумкин ва, аксинча, информация хатари мафкурани барбод қилиши мумкин. Шунингдек, мафкура шахсга жамият истиқболи уфқларини аниқ тасаввур қилиш имконини беради. Ваҳоланки, бунингсиз ижтимоий тараққиёт стихиявийлик, бетартиблик (хаос)дан иборат бўлади. Шунинг учун жамият ўз кучли мафкурасига, яъни ўз ҳаётий мақсад ва марраларини, миллат ва давлат онгли иродасини ифодаладиган кучли ғоялар тизимига эга бўлиши зарур. Онгли инсоният жамияти ҳеч қачон муайян йўналтирувчи ғояларсиз фаолият бажара олмайди. Шу маънода мафкура жамият ҳаётининг ғоялар эволюциясидан иборат онгли иродавий асосини ташкил этади.

Фан хатари. Фан инсон тафаккурининг юксак мевасидир. У ҳозирги давр глобал муаммоларини тўғри онглаш, ечиш, уларнинг хатарларидан сақланиш, борлиқнинг теран сирларини билиш, инсоният онгли фаолиятини янада юксакликка кўтарилиб бориши учун зарур. Лекин, планетамиз ҳаётидаги ҳозирги шароит фан кашф этган билимларни амалиётга қўллаш оқибатлари ва уларнинг ахлоқий кадриятлар билан узвийлашуви бўлмаса, унинг зарари фойдасидан анча катта бўлишини кўрсатди. Айни пайтда унинг инсон онги тараққиётининг энг олий марраси эмас, балки унинг чекланган эволюцион босқичи эканини кўрсатадиган жиддий ялпи инқирози кузатилмоқда. Уни шу инқироз ёқасига олиб келган кризисдан чиқариш борасида жиддий изланишлар олиб борилиши керак. Фаннинг кризисга учраши, бир томондан, унинг борлиқни айрим-айрим (фрагментар) биладиган махсус соҳаларга ажралиб кетиб, борлиқни яхлит билишга қодир бўлмай қолганининг оқибати бўлса, иккинчи томондан, унинг тор моддапарастлик фалсафасига таяниб, руҳият оламининг мавжудлигини инкор этиб келаётганидир. Ваҳоланки, моддапарастлик фалсафасидан кенг ва теран, И.Кант “метафизика” деб, Шарқда эса “ҳикмат” деб аталган юксак таълимотлар ҳам мавжуд. Айни шундай таълимотларга таяниш фанни кризисдан чиқара олади ва уни юксак ахлоқий кадриятлар билан боғлай олади.

Миллийликка хатар. Юқорида санаб ўтилган хатарлардан сақланишнинг асосини миллий ўзликни онглаш ташкил этади. Зеро, ўзликни билмай ўзликни ҳимоялаш маънога эга эмас (тавтология). Лекин ҳозирги даврда ўзликни онглашнинг ўзи ҳам осон кечмаяпти. Чунки, атиги икки ўн йиллик олдин биз ягона совет “оиласи” таркибида эдик, миллий ўзлигимиз узоқ “уйқу” ҳолатида бўлган эди. Эндиликда ўтган 70 йил мобайнида унутган миллий ўзлигимизни қайта кашф этмоқдамиз. Бу осон ва тез кечадиган жараён эмас. У катта маънавий ва моддий сафарбарликни тақозо этмоқда. Бу борада жуда катта ишлар қилинди, Ўзбекистон миллий уйғониш дастури

³²Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.- Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.80.

амал қилмоқда. “Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларимизнинг самарадорлиги, - деб уқтиради бу борада Биринчи Президентимиз И.А.Каримов, - аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини энг муҳими, жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқ”³³

Аммо ҳамон бажарилиши керак бўлган ишлар миқёси катта. Лекин, юқорида айтганимиздай, глобаллашув жараёни бизни кутиб турмайди, у ҳар қандай миллатни ўзликдан жудо қилиб, уни оммавий подага айланиш йўлига солмоқда. Ваҳоланки, айнан **миллий ўзлик** ҳозирги даврда мамлакатни мамлакат қиладиган уч буюк кучдан - ПУЛ, ИЖТИМОЙ ФИКР, МИЛЛАТдан – бири, балки уларнинг энг **асосийси ва ижтимоий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучидир**. Зеро, чинакам пулни (соф бойликни) ҳам миллат топади (яратади), ижтимоий фикр ҳам айнан миллий ўзликка боғлиқ. Айни миллий ўзлик туйғусининг кучи аҳоли ижтимоий онгини инқироздан, нообъектив информация хатаридан сақлайди. “Шу боисдан ҳам, ўз ҳақ-хуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён-атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ёндоша оладиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш вазифаси истиқлол йилларида биз учун ҳал қилувчи масалага айланди.”³⁴ Айни шунинг учун “Биринчи навбатда миллий маданиятимиз, халқ маънавий бойлигининг илдизларига эътибор бериш зарур. Бу хазина асрлар давомида мисқоллаб тўпланган. Тарихнинг не-не синовларидан ўтган. Инсонларга оғир дамларда мадад бўлган.

Бизнинг вазифамиз — шу хазинани кўз қорачиғимиздек асраш ва янада бойитиш”³⁵ бўлиши кераклиги равшан.

Назорат саволлар:

1. Глобал инқироз деганда нимани тушунасиз?
2. Глобал инқирозларни дунё халқларига, миллатларига, мамлакатларига умуман инсониятга солаётган хавфи нималарда намоён бўлади?
3. Глобал инқирозларни олдини олишда миллий ғоянинг ўрни ва аҳамияти қандай деб ўйлайсиз?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аббосхўжаев О., Умарова Н., Қўчқоров Р. Мафкура полигонларидаги олишувлар. -Т.: Akademiya, 2007.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. - Т.: Молия, 2003.
3. Жўраев Т. Миллий давлатчилик ва хавфсизлик. Т.: “Академия”, 2007.
4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий

³³ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч.- Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.76- 77.

³⁴ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч.- Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.77.

³⁵ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч.- Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.78.

- тавсиялар) - Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008.
5. Маънавийт асосий тушунчалар изоҳли луғати. - Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт - матбаа ижодий уйи, 2009.
 6. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. - Т.: Академиya, 2007.
 7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Т.: Ўзбекистон, 2000.
 8. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. 2-нашр -Т.: “Ўзбекистон”, 2015.
 9. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. - Т.: “Мухаррир” 2009.
 10. Очилдиев А.С. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси: - Т.: Ижод дунёси нашриёт уйи, 2002.
 11. Панарин И.Н. Информационная война и геополитика. - М.: Поколение, 2006.
 12. Тўраев Ш. Маънавий таҳдидлар: фалсафий таҳлил. - Т.: “Мухаррир”, 2010.
 13. Тўраев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. - Т.: Маънавийт, 2008.
 14. Қуронов М. Мафкуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси. -Т.: “Академия” 2008.

Электрон таълим ресурслари

1. www.ziyonet.uz
2. www.edu.uz
3. www.infocom.uz
4. www.nuuz.uz
5. www.bimm.uz

3-МАВЗУ: ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗЛАРНИНГ САБАБЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ.

РЕЖА:

- 3.1. Глобал инқирозларнинг сабаблари ва оқибатлари.
- 3.2. Глобал инқирозларни сабаб ва оқибатларини бартараф этиш.
- 3.3. Глобал инқирозларни сабаб ва оқибатларини бартараф этишида *ғоявий – мафкуравий ёндашувларнинг аҳамияти* .

Таянч иборалар: Глобал инқирозлар, сабаблар ва оқибатлар, технооптимизм, технопессимизм, экопессимизм, Рим клуби, глобал инқироз ва миллий мафкура.

3.1. Глобал инқирозларнинг сабаблари ва оқибатлари.

кризис глобаллиги туфайли юзага чиқаётган муаммолар жуда серқирра, кенг камровли, тасаввурга сиғдириб бўлмайдиган даражада мураккаб, айна замонда, жуда долзарб ва кескиндр. Чунки улар ҳаётнинг бир ёки бир неча эмас, балки барча томонларига, айрим миллат, мамлакат, хаттоки катта бир минтақаларгагина эмас, балки бутун инсониятга даҳлдорлиги, айна пайтда ечими кечиктириб бўлмас (масалан, цунами, ёнғин, ядровий ёки водород уруши каби), мислсиз долзарблиги билангина эмас, балки инсоният эришган илмий билимнинг барча соҳалари биргаликда ечиш маҳол бўлган, шунинг учун дунёқараш барча тарихий шаклларини (мифологияни, динни, фалсафани) ҳам жалб этилишини тақозо этадиган , бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган, яъни бирининг ечилиши бошқасининг ечилишидан келиб чиқадиган муаммолар сифатида майдонга чиқмоқда.

Глобал цивилизация кризиси ўзи каби глобал соҳавий кризисларни келтириб чиқарди. Масалан, расмий **тиббиётдаги кризисни (бухронни)** олайлик. Унинг камида уч сабаби кўрсатилиши мумкин. **Биринчиси** шундаки, расмий (илмий) тиббиёт ҳамиша касалликнинг ўзини эмас, балки унинг оқибатларини даволаш билан шуғулланиб келди. Зеро, у касалликни инсон жисмоний вужуди билан боғлиқ деб ҳисоблаб, бу вужуднинг соҳиби, эгаси, бошқарувчиси бўлган руҳни, қалбни (ғоявийликни) инкор этиб келди. Ваҳоланки, қадимги мутафаккирлар (масалан, Платон, Гиппократ каби) касаллик илдизини беморнинг руҳиятида деб кўрсатганлар. Бу расмий тиббиёт кризисининг маънавий асосини ташкил этади. **Иккинчи сабаб** шундаки, бу тиббиёт инсон вужудига бир бутун, яхлит ёндошмайди, балки айрим аъзоларни бир-бири билан мураккаб боғлиқлигини ҳисобга олмасдан даволаш билан шуғулланиб келди. Бунинг натижасида у инсон организмнинг бир (ёки бирнеча) аъзосини даволар экан, бошқа аъзолари холатини назардан соқит қилади. Бу назардан соқит бўлган аъзоларнинг ҳам

касалланишига олиб келади. **Учинчи сабабни** ҳозирги даврда инсон организмида иммунитетнинг (касалликка қарши кураш қобилиятининг) ялпи заифлашганида (қолаверса, ирсиятнинг бузилаётганида) кўриш мумкин.

Иммунитетнинг бузилиши расмий тиббиётнинг ўзига боғлиқ бўлмаган объектив сабаб бўлиб, ҳозирги тиббиёт унга қарши тура олмаяпти. Ана шу учинчи сабаб эса оқибатлари ўйламай-нетмай кенг қўллаб келинаётган техника ва технология ютуқларининг натижасидир. Бу ютуқлар нафақат инсон яшаб келган табиий муҳитнинг ўзгариб кетиши - иқлим ритмларининг бузилиши, ер, сув, хавонинг ифлосланиши, шунингдек, кислотали ёмғирлар ва бошқа жараёнлар, яъни **экологик кризис** - натижасида нафақат гуллаган боғу роғлар, балки инсон организми ҳам жиддий зарар кўра бошлашига олиб келди. Шулар туфайли тиббиёт эндиликда ўзининг боши берк кўчага кириб қолганини, кризисга учраганини тан олмоқда.³⁶

Экологик кризис эса жамият билан табиат (биосфера) орасидаги мувозанатнинг бузилиб кетиши, яъни табиат, бутун она замин кишилик жамиятининг ўзига нисбатан нооқилона муносабатини, бебошликларини, тажаввузини ортиқ кўтара олмай қолгани оқибатидир. Эндиликда бутун башарият глобал экологик кризисга дуч келганини наинки йирик мутафаккирлар, фан намоёндалари, иқтисодиёт, сиёсат, маданият арбоблари, зиёлилар, балки оддий тафаккур эгалари ҳам аянч билан тан олмоқдалар. Энди олимлар хатто “инсониятнинг атроф муҳитга етказган зарарли таъсири оқибатларини бартараф этиш мумкин деган фикрни илгари суриш учун ҳеч қандай илмий асосга эга эмасмиз... эндиликда инсоният секин ишлайдиган қопқонга тушиб қолгани аниқми ёки бу қопқондан чиқиш... мумкинми, бу ҳақида фан аниқ бир нарса дея олмайди”³⁷ қабалидаги хулосаларга келмоқдалар. Очигини айтганда, эндиликда олимлар нафақат экологик уйимизни, балки “ақлли инсон”нинг ўзини ҳам яқин ўн йилликлар мобайнида ҳалок этадиган экологик қоллапс содир бўлишини башорат қилмоқдалар.

Замонавий медицинанинг кризиси ялпи **антропологик кризиснинг** бир қисми бўлиб, у хилма-хил кўриниш ва тамойилларда намоён бўлмоқда. “Булар орасида энг асосийси, дейди таниқли рус файласуфи, академик В.С.Степин, - инсоният эволюциясининг миллионлаб йиллари мобайнида шаклланган генофонди пойдеворида атроф муҳитнинг (кимёвий ва радиоактив таъсирлар туфайли) ифлосланишида намоён бўлган бевосита сабаб бўлса, иккинчиси (турли касалликлар туғдирувчи микроб ва вируслар) таъсирида содир бўлаётган бевосита кучли ўзгаришлардир. Ваҳоланки, кишилик жамиятида бу генофонднинг сақланишига хизмат қилувчи табиий факторлар (яъни, табиий танланишнинг) фаолияти ўз аниқ чегарасига эга. Масалан, танланиш вазифасини бажарадиган урушларда асосан соғлом ва насл қолдира оладиган одамлар қирилиб келган. Катта тезлик билан ўзгариб бораётган нобарқарор ижтимоий вазиятлар ва барча соҳаларда содир

³⁶ Кушкарров С.Сўфий жанг санъати / С. Кушкарров, Улуғбек Кушкарров. - Тошкент : Ўзбекистон, 2003. - Б.54.

³⁷Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. – Тошкент: Университет, 2005. - Б. 361.

бўлаётган рақобатлар ичида кечаётган ҳозирги ижтимоий ҳаёт эса ўз стресслари билан антропологик кризисни янада кучайтирмоқда. Бу эса нафақат юрак, қон томирлари, онкология касалликларини, балки руҳий касалликларнинг ҳам кўпайишига олиб келмоқда. Кейинги йилларда, депрессия (оғир руҳий сиқилиш) каби руҳий хасталик XX аср охири XXI аср бошларининг энг кенг тарқалган касаллигига айланди.”³⁸

Лекин, бошқа тоифадаги олимларнинг жиловсиз тафаккури инсоният бошига яна қандай савдолар солиши ҳали номаълум бўлган янги ихтиро ва технологияларни яратиш иштиёқи билан ёнишда давом этмоқда. Улар, эндиликда кўпчилик фан арбобларини ҳам жиддий ҳавотирга солаётган, фан ва техниканинг **нанотахнологиялар, машина интеллекти, генетик медицина** каби соҳаларида изланишлар олиб бормоқдалар ва сезиларли натижаларга эришмоқдалар. Оксфорд университети директори, профессор Ник Бостром бу ишларнинг салбий оқибатлари ҳақида ўйлаб кўрилмаётгани ҳақида шундай дейди: “Технологик прогресснинг тезлашуви туфайли инсоният ҳозир ўз тараққиётининг кескин бурилиш нуқтасга катта тезлик билан яқинлашиб келаётган бўлишининг эҳтимоли катта. Инсониятга яхши таниш бўлиб қолган ядровий хавфу хатар ёнига эндиликда нанотизимлар ва машина интеллекти каби соҳаларнинг жадал ривожлана бошлаган технологиялари мисли кўрилмаган ўз имкониятлари ва хатарлари билан кўшилмоқда. Бизнинг келажагимиз, агар у бор бўлса, бизнинг ана шу жараёнларга муносабатимизга боғлиқ. Ҳамон биз жадал ривожланаётган технологияларга боғлиқ эканмиз, инсоният жамиятидан “пост-инсоният” (кейинги инсоният, аниқроғи, анти-инсоният- Ш.Қ) жамиятига ўтиш динамикасини яхши англаб етишимиз керак. Айниқса тузоқ қаерда жойлашганини, муқаррар ўлимга олиб бориши мумкин бўлган йўлларни пайқай билишимиз зарур.”³⁹

Бизнингча ҳам, инсон биологик асосини ўзгартириш борасида генетик олимлар олиб бораётган ҳозирги ишлар антропологик кризиснинг кучайишига олиб келиши аниқ. Чунки, геномни ўрганиш натижасида олимлар инсоннинг нафақат ирсий касалликларини даволаш, балки унинг (ақлий ва жисмоний) қобилиятларини ҳам сунъий (нотабий, ноэволюцион) кучайтириш имкониятларини қўлга киритадилар). Улар бугунги кундаёқ инсон қонидаги гемоглобинни ирсий йўл билан ошириш борасида муайян натижаларга эришганлар. Бу эса ҳозирданок спортсменларга ўйинларда қўллаш тақиқланган допингларни олимлар ўзлари **танлаган** одамларга тутқазиш имкониятини қўлга киритганларини билдиради. Улар кимни танлашлари эса ё уларнинг ўзларининг, ёки хўжайинларининг хоҳишларига, аниқроғи уларнинг **ахлоқига, маънавиятига, дунёқарашига** боғлиқ. Ваҳоланки, фан намояндалари, юқорида айтганимиздай, одатда маънавият, ахлоқ, гуманизм масалаларига бефарқ бўлиб келганлар.

³⁸ Степин В.С. Философия в эпоху перемен. // Вестник Московского университета. Серия 7. Философия. №4. 2006. Б. 18-34.

³⁹ Ник Бостром - Ph.D., is Director of Oxford University's new Future of Humanity Institute. Угрозы существованию человечества. Анализ сценариев вымирания. //2007. <http://www.nickbostrom.com/>

Бошқа томондан қараганда, табиат билан жамият орасидаги мувозанат бузилишинг ҳам камидаикки асосий сабаби бор. Биринчиси, нукул иқтисодий истеъмолчиликка асосланган **техноген цивилизациянинг** кўпдан буён табиатга қарши қилаётган зўравонлиги бўлса, иккинчиси, Ерда аҳоли сонининг ортиб кетгани билан боғлиқ бўлган **демографик кризис**дадир.

Шуларнинг натижаси ўлароқ эндиликда табиат нафақат жиддий захарланди, балки унинг инсонга керак бўлган неъматлари, биринчи навбатда, асосий энергия захиралари тамом бўла бошлади. Эндиликда шунинг билан боғлиқ бўлган **ресурслар кризиси** ҳам келиб чикди. Мазкур кризис эса, ўз навбатида, табиатресурсларидан **фойдаланиш этикасининг** йўқлиги ва, умуман олганда, на фан ва на унинг амалиётга қўлланиш шакллари бўлган техника ва технологияда **ахлоқий** критерийларнинг буткул назардан четлатилгани билан ва давлат структураларида шунга мувофиқ ташкилотлар жуда кеч шакллангани, ҳар бир янги илмий ва техник-технологик кашфиётнинг амалиётга татбиқи оқибатлари тегишли назорат остида бўлмагани, бундай ташкилотлар эндиликда бор бўлса ҳамки, ҳамон коррупция ва порахўрлик қарор топган муҳитда самара бермаётгани каби сабаблар билан боғлиқ.

Бир сўз билан айтганда, кризисларнинг глобал характери БМТ ва унга тегишли ЮНЕСКО ташкилотида, қолаверса, Рим клуби хужжатларида акс этган. Бу, масалан, Рим клубида муҳокама қилинган докладларнинг номлариданоқ кўринади. Масалан, улардан бири “Инсоният бошидаги мушкулотлар”, иккинчиси “Инсоният икки йўл орасида” деб аталгани аҳволнинг нақадар жиддийлиги кўрсатади. Шу маънода эндиликда илмий-техника прогресси салбий оқибатларини бартараф этишнинг ўзи ҳам **умумбашарий муаммога** айланди.

Булар эса, ўз навбатида, **иқтисодий, молиявий**⁴⁰ кризислар ва улар билан узвий бўлган турли ижтимоий гуруҳ ва қатламлар орасидаги низоларнинг кескинлашувларни, айрим халқлар ўртасидаги қон тўкилишларни олдини олиб бўлмаётган **сиёсий кризисларга** олиб келмоқда. Хатто кейингиларининг кескинлиги экологик кризисниқидан кам бўлмапти. Чунки, буларнинг ўзи ҳам кенг миқёсли ва чуқур **ижтимоий кризисни** келтириб чиқариши табиий.

Ижтимоий кризисга мисол сифатида постсовет даври Россиясида содир бўлаётган ижтимоий кризиснингкичик бир лавҳасини кўрайлик: “Кўчаларда тириклай чириб ва ўлиб кетаётган гадойлар, майиб, мажруҳлар, ўз она-оналари томонидан тақдир ҳукмига топширилган, садақа сўраб юрган болалар, фарзандлари томонидан ташлаб кетилган қариялар, давлат ва жамиятдан ўз ҳақ ҳуқуқларини ундириб олишга уринаётган Чернобл аварияси оқибатларини бартараф қилиш учун сафарбар этилган кишилар, бутун ижтимоий организмни бошқарув аппарати, ҳуқуқ ҳимоялаш ва куч ишлатиш структуралари билан биргаликда еб битиришга киришган

⁴⁰ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий иқрози, Ўзбекистон шароитида кини бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б.56.

коррупциянинг чекланмаган бебошлиги, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, эндиликда давлат даромад солиғи ундирилиши кўзда тутилаётган бузуқхоналар, табиий муҳит вайронгарчилигининг тобора кучайиб кетаётгани, пенсионерларнинг қашшоқлиги, армиядаги “дедовщина” шармандагарчилиги, “скинхедлар” томонидан болаларнинг ўлгудек саваланишлари, жинояткор шахсларнинг террорчилик ишлари, Мамай кўрғонининг ахлатхонага айланиши...”⁴¹.

Бу мисолни ҳозир Россияда сотилаётган ва безарар ичимликлардан ҳисобланган турли сортдаги пиволарга бироз миқдорда марихуана ёки амфетамин қўшилаётгани каби биз билган ва билмаган яширин жиноятлар билан тўлдириш мумкин. Қолаверса, бизнинг ўз худудимизда ҳам одамларни кул қилиб чет элларга сотиш, гиёҳвандлик ва унинг “бизнеси”, уюшган жиноятчилик, порахўрлик каби жинойи фактлар юзага чиқаётгани, авлодлар (ота оналар ва фарзандлар), туманлар, оила аъзолари орасида келишмовчиликлар ва ажрашувлар мавжудлиги ҳам сир эмас.

Ушбу манзара постсовет даври кишисида жавобгарлик, масъулият ҳисси мутлақо қолмаганидан, унинг бузилган нафсини жиловлайдиган тизгин ҳам йўқолиб битаёзганидан, бу шароитда ким нима хоҳласа шуни қила бошлаганидан, бир гап билан айтганда, одамлар **ахлоқий кризисни** ҳам бошдан кечираётганларидан далолат беради. Ваҳоланки, мазкур ахвол фақат Собиқ Иттифоқ даври моддиюнчи маънавиятнинг, яъни моддий эҳтиёжларни қондиришни биринчи ўринга қўйиб келган дунёқараш мафкурасининг сарқитларигина натижаси эмас, балки кўп даражада постсовет фуқароларининг **информацион очикжамият** шароитига кириб келгани, айниқса энг янги информацион технологиялардан таралаётган умумжаҳон маънавий иллатларининг маънавий бўшлиққа кириб келаётгани оқибати ҳамдир. Зеро, бу технологиялардан таралаётган ахборотнинг жуда катта қисми ҳозирги Ғарб маънавий инқирозини ўзида гавдалантираётган инсоний **қадриятлар тизими кризисининг ва** ундан келиб чиқаётган **субъектив кризисларнинг** маҳсулидир. Шу маънода Ғарбдан бошланган маънавий “касаллик ҳамма ёққа тарқалиб кетмоқда”⁴² дейиш мумкин.

Таниқли рус маданият арбоби, актёр Алексей Баталов мазкур шароитнинг шахс, оила маънавиятида қандай аксланиётганини ва бу ахвол хатто собиқ Иттифоқ давридагидан ҳам ёмонлашганини чуқур дард билан ҳис этаркан, шундай дейди: “Мени бугунги кун кишилари пулнинг қулига айланиб қолаётгани қаттиқ ҳавотирга соламоқда. Одамлар кўз ўнгимизда жуда тез ўзгармоқдалар. Наҳотки, набира ўз бувисини квартирадан сиқиб чиқарса...Мен ҳарқандай шароитда ҳам одам ўз Инсонлигини сақлаб қола олган муҳитда ўсиб улғайган эдим. Агар атрофимда шундай одамлар бўлмаганида, балки бошқача бўлармидим...”⁴³ Ваҳоланки, бу санъаткор бутун

⁴¹ Порус В.Н. Обжить катастрофу. Своевременные заметки о духовной культуре России// Вопросы фмлософии. 2005, № 11, 26- 27 - б.

⁴² Субботин А.А., Субботин А.С., Следует ли дожидаться конца истории? // «Академия Тринитаризма», М., Эл № 77-6567, публ.14638, 16.11.2007. succeder@list.ru

⁴³Баталов А. Свыше даются нам испытания // Аргументы и факты. 2008. №47.5- б.

манзаранинг ўзигагина намоён бўлган кичик бир лавҳаси ҳақида шунчалик аянч билан фикр юритмоқда. Бунда машҳур актёрнинг собиқ шўролардан олдинги маънавий меросдан баҳраманд бўлганлар авлод таъсирида ҳам яшаган авлодга мансублигини ҳам ҳисобга олиш керак албатта. Унинг учун хаттоки ўзига намоён бўлган мана шу кичик ҳол ҳам катта ёвузликдир.

Юқорида санаб ўтилган кризислар орасида **оила кризиси** алоҳида диққатга сазовор. Рус файласуфларининг оила муаммоларига бағишданган илмий ишларда⁴⁴ Россияда бугунги кунда бу муаммо нафақат ечилиши, балки адекват тарзда тушунилиши қийин бўлган, оқибатини тасаввур этиб бўлмайдиган кенг кўламли фожиага – оиланинг парчаланиб кетиши, яъни оила кризиси муаммосига дуч келганини⁴⁵ кўрсатмоқда. Оиланинг парчаланиши эса бу “**жамият тўлиқ маънавий деградацияга (инқирозга)** учраётганини, бу охир-оқибатда Россиянинг ўзини ҳам мавжуд бўлиши учун жиддий хавф туғилганини кўрсатади.⁴⁶

Бу жараёнлар замирида чет эл маданиятининг оила илдизларига болта урадиган индивидуализм ва гедонизм каби сохта оммавий қадриятларининг жамият маънавий ҳаётига стихияли равишда катта тезлик билан оқиб кираётгани факти ҳам ётади.

Юқоридаги фикрлар ва фактлар муносабати билан Биринчи Президентимиз И.А. Каримовнинг ёшларни очик ахбор олиш даврида ҳукм сураётган умумбашарий маънавий кризисдан асраш муаммосига алоҳида эътибор қаратгани диққатга сазовор: “...кейинги йилларда кўплаб намоёиш этилаётган **жангарилик фильмларини** олайлик, - дейди У. - Бу фильмларни кўпчилик, айниқса, ёшлар мароқ билан кўради, чунки одамзот табиатан мана шундай тўполонларни томоша қилишга мойил... Афсус билан таъкидлашимиз лозим: тарих тажрибаси шундан далолат берадики, инсон табиатидаги инсонийликдан кўра ваҳшийлик, **ур-йиқит инстинктлари,** **яъни хатти-ҳаракатларини кўзгатиб юбориш осонроқ.** Онги шаклланиб улгурмаган аксарият ёш томошабинлар бундай фильмлардан кўпинча турли ёвузлик, йиртқичлик, шафқатсизликларни ўрганади, холос. Натижада уларнинг дийдаси қотади, қалбидан тошбағирлик, зўравонлик, ахлоқсизлик каби иллатлар жой олганини ўзи ҳам сезмай қолади. Хатто шундай томоша ва фильмларнинг қаҳрамонларига кўр-кўрона тақлид қилишни истайдиган

⁴⁴Қаранг, масалан, Коряковцева О.А. Социально-педагогическое сопровождение молодой семьи: Автореферат дис.канд. пед. наук. – Кострома, 2002; Разов П.В. Социальное регулирование межличностных конфликтов в семье офицера Вооруженных сил Российской Федерации (социологический анализ): Автореферат дис.канд. социол. Наук. – М., 2007.; Соловьева И.Ю. Стабильность семьи как социально-философская проблема: Автореферат дис.канд. филос. наук. – Воронеж, 2004.; Анисина С.С. Социокультурные архетипы семьи и брака: Автореферат дис. канд. филос. наук. – Тюмень, 2002.; Орлова Н.Х. Семья как объект социально-философского исследования: Автореферат дис.канд. филос. наук. – СПб., 2000.; Бокша Е.А. Духовные угрозы функционированию семьи в современном Российском обществе (социально-философский анализ). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата философских наук. Москва – 2008 ва б.

⁴⁵ Бокша Е.А. Духовные угрозы функционированию семьи в современном Российском обществе (социально-философский анализ). Автореф. дис на соискание ученой степени кандидата философских наук. Москва – 2008. 4-б.

⁴⁶Қаранг: Народ начинается с семьи. Патриарх Алексей встревожен угрозой моральной деградации общества и призвал объединить силы ради спасения нации //Труд. – 2005. – № 241. 4 –б.

йигит-қизлар ҳам топилади. Чунки улар бундай уйдирма талқинлар таъсирида қўл ураётган иши қандай аянчли оқибатларга олиб келишини тушуниб етмайди.”⁴⁷

3.2. Глобал инқирозларни сабаб ва оқибатларини бартараф этиш.

Бизнингча, ҳозирги **иқтисодий**, айниқса **молиявий (финанс) кризисларда** ва улар билан узвий бўлган турли сиёсий кучлар орасида низоларнинг кескинлашувида, айрим халқлар ўртасидаги қон тўкилишларда ўз ифодасини топаётган **сиёсий кризисларда ҳам** намоён бўлмоқда. Хатто кейингиларининг кескинлиги экологик кризисниқидан кам бўлмапти. Ғарб олимлари мазкур ҳолатни айрим давлатлар, уларнинг сиёсий раҳбарлари, ёки дипломатларнинг хатолари деб кўрсатмоқдалар. Лекин бугунги кунда кўпчилик олимлар, сиёсатчилар, дипломатлар, тадбиркор-бизнесменлар ва ҳ.к ларнинг бутун эътибори масаланинг туб моҳиятига эмас, унинг ташқи шаклига қаратилган. Улар мазкур хаосдан (тартибсизликдан, сирли қоронғулик қаъридан) қандай тартибланиш келиб чиқишини англашга ҳаракат қилмоқдалар. Ваҳоланки, пойдеворига юксак маънавий қўйилмаган тартибланишдан ижобий натижа чиқмаслиги аниқроқ. Шундай вазиятда 2008 йилда жаҳон миқёсида бошланган молиявий-иқтисодий инқирознинг Ўзбекистонга таъсирини бартараф этиш йўллари ва чоралари бўйича ўз вақтида ишлаб чиқилган дастурнинг аҳамияти катталигига алоҳида эътибор бериш⁴⁸ ва айни пайтда сиёсий хушёрликни ҳам эсдан чиқармаслик жоиз.

Зеро, Ғарб цивилизацияси пешволарининг, айниқса АҚШнинг ўз кризисларидан чиқиш учун танлаган йўли нафақат ижтимоий ҳаётнинг бюрократлаштирилгани, полициялаштирилгани, жаҳон бозорининг ўзларига бўйсундирилгани, глобаллашувни ўзларидан бошқа жамиятларни иқтисодий ва маънавий заифлаштириш қуролига айлантирилгани билан, балки жаҳон миқёсида бузғунчи ғояларни ошқора тарқатилгани, ва, айниқса, халқаро террорчилик уруғини сочилгани билан ҳам аянчлидир. Ғарбнинг Деррида, Бодрияр, Жижек, Бак-Морс, Гройс каби таниқли мутафаккирлари хулосаларига кўра глобаллашаётган дунё терроризмдан мустақил эмас, аксинча, террорчилик айнан унинг маҳсулидир. Эндиликда халқаро террорчилик ҳозирги давр “илғор” инсонияти **маънавий қиёфасини** борича, ошқор кўрсатмоқда. “Террорчилик ҳам экзотик ҳодиса бўлмай қолди, - деб ёзади бу ҳақида Субботин Александр Алексеевич ва Субботин Алексей Савельевич, - у ижтимоий онгнинг ҳамиша безовталиқда яшаш муҳитга айланди.”⁴⁹ Бодриярнинг таъкидлашича эса, АҚШ кўпдан буён “бутун дунёга террорча тасаввурларни сингдириб келмоқда”.

Шуларни назарда тутаркан, “Моҳиятан террорча тизим бўлгани учун ўрнатилаётган бу янги тартибот узоқ вақтдан буён муваффақият билан

⁴⁷ Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд, – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б. 74-75.

⁴⁸ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.- Ўзбекистон – 2009.

⁴⁹ Субботин Александр Алексеевич, Субботин Алексей Савельевич. Следует ли дожидаться конца истории? Калининград. 2007.// <http://spkurdyumov.narod.ru/Philos.htm> Mailto: succeder@list.ru

зўравонликни дунёга экспорт қилиш билан шуғулланиб келди, -“⁵⁰ деб ёзади рус файласуфи М.Рыклин. - 11 сентябрь веќеаси эса глобаллашаётган дунёда бу сиёсат бумеранг қонунига кўра ўз хўжайинига, яъни АҚШнинг ўзига қарши ҳам ишлаши мумкинлигини кўрсатиб берди.⁵¹ Рус сиёсатшуноси Сергей Батчиков эса “Янги террорча тартиботга қарши қаратилган бу террорни глобаллашув туфайли репрессия қилинган ва камситилганлар нафратининг ифодаси,”⁵² деб характерлади. Юқоридагилар глобаллашув сиёсати миллатлараро, мамлакатлараро, халқлараро зиддиятларни кескинлаштириш йўли эканини кўрсатади.

Бу эса Ғарб, хусусан, АҚШ раҳбарлиги остида амалга ошаётган глобаллашув хаосни вужудга келтирса ҳамки, аммо уни ўзи истаган тартибга солиб бера оладиган аттракторларни яратиш кўлидан келмаслигини кўрсатиб берди. Шунинг учун бу тизим, Ж.-П.Кантеннинг⁵³ тўғри таъкидлашича, содир бўлаётган ҳодисаларга тўғри диагноз қўйишга қодир эмас.Ваҳоланки бу, кўпчилик файласуфлар ва сиёсатшунослар тўғри кўрсатаётганларидек, бутун дунёда Ғарбни қаноатлантирадиган янги тартиботни ўрнатишдангина иборат бўлган оддий бир стратегиянинг амалга оширилиши ҳам эмас, балки бутун Ғарб цивилизацияси энди мисли кўрилмаган ахлоқий инқирозга ҳам учраганининг ифодаловчи жараённинг ифодаси ҳамдир. Зеро, Ғарб пешволари ва мафкурачилари ўз цивилизацияларига тегишли эволюцион зиддиятларини қисман бўлса ҳам бартараф этиш ва ўз тузумларининг умрини узайтириш мақсадида “**олтин миллиард**” деб номланган фашистона дастурни⁵⁴ ҳам ишлаб чиққани ҳам маълум бўлди. Бу дастур асосига демографик кризис муаммоси қўйилган бўлиб, унда фақат шу “олтин миллиард”га кирадиган танланган, сара одамларнигина сақлаб қолишга ҳаракат қилиш, бошқаларнинг эса “биологик клон”ларга айланиши, ёки ўз-ўзидан ё атайлаб қирилиши назарда тутилади.⁵⁵

Албатта “олтин миллиард” деган тушунча ҳеч қайси расмий ҳужжатларда учрамайди, у бир мажозий тушунча холос. Лекин, ҳозирги давр кўпчилик рус олим, сиёсатчи ва мутафаккирлари, масалан С.Г.Кара-Мурза, М.И.Беляев, Сергей Батчиков, П.Хомяков ва бошқа кўпчиликнинг мутахассис олимлар, файласуф ва сиёсатчилар фикрларига кўра бу тушунчанинг ишлатилишида асос йўқ эмас. Масалан, турли ижтимоий тизимлар тарихини махсус ўрганиш бўйича ихтисослашган С.Г.Кара-Мурзанинг тушунтиришича, кейинги вақтларда бу тушунчанинг жуда кенг тарқалаётгани ва у Европа ҳамда дунёнинг бошқа ривожланаётган “биринчи мамлакатлари”нинг “Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт” ташкилотига кирган 24 мамлакат халқи назарда тутилаётгани ҳисобга олинса, шундай

⁵⁰ Рыклин М. Деконструкция и деструкция. Беседы с философами. М.: Логос. 2002.

⁵²БатчиковС. Глобализация: управляемый хаос. Агентство политич. новостей<http://www.apn.ru/publications/article19369.htm> 7 апрел. 2009.

⁵³ Кантен Ж.-П. Мутация-2000. // Новая технократическая волна на Западе. М.: Прогресс. 1986.

⁵⁴Кузьмич.А. Россия и рынок (В свете советского и международного права). // Воскресенье, 1990, N 4, а также в книге А.Кузьмич. Заговор мирового правительства (Россия и "золотой миллиард"). М. 2000.

⁵⁵Беляев М.И.Концепция русского национального государства. - М.,2006.

концепция мавжудлиги ҳақидаги фикрларда асос мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. “Ушбу концепцияни қабул қилиш ё қилмаслик ахлолоқий ва хатто диний нуқтаи назарга боғлиқ, - дейди У. – Лекин бу гоё христианликка (шу жумладан, исломга ва айниқса буддизмга) мутлақо зиддир.”⁵⁶ Бир сўз билан айтганда, ХХI аср бўсағасида Ғарбда радикал мальтусчилик концепцияси қайта туғилди.

Россия сиёсатчиларидан ва зиёлиларидан бир қисми 90 йилларда янги либерализм ва европамарказчилик мафкураси таъсирида ушбу утопияни қабул қилган ва унинг тарғиботчиларига ҳам айланган эди.”⁵⁷ Россия сиёсий агентлиги янгиликларида ўз изланиш натижаларини эълон қилган С.Батчиков ҳам “90 йилларда неолиберал глобаллаштириш ташвиқотига берилган рус сиёсатчилар ва зиёлиларининг бир қисми етакчи Ғарб социологларининг бу борадаги фактларни айтмай келишганида айблайди.”⁵⁸

Лекин, умуман олганда, БМТ маълумотларига кўра ҳам Ерда бор хомашё миқдори ва энергия ресурслари (оптимал ишлатилса) фақат 1 млрд киши учун етарли. Ваҳоланки, 2000 йил ва ундан кейин аҳоли сони 8 млрд. дан ошиши кутилади. Бундан табиий равишда ўша “олтин миллиард”нинг АҚШ, Япония, ИХМларига кирувчилардан ташкил топиши, асосий хомашё ва энергия манбаларининг эгалари бўлган қолган мамлакатларнинг аҳолиси эса юқоридагиларнинг колонияларига айланиши ҳақидаги хулоса келиб чиқади. Ғарб мутахассис олимлари шуларни назарда тутиб ва қолган 7 млрд. аҳолини тизгинда тутиб туриш мумкин эмаслигини ҳисобга олиб, ХХ асрнинг 90 йилларида давлатларни “интернационаллаштириш ва уларни бир бири билан боғлаш” деб номланган янги назарияни ишлаб чиқдилар. Бу назария моҳиятан капитални, товарларни ва ишчи кучини, охир оқибатда эса бутун хомашёни ҳам ягона марказ томонидан тақсимланиши йўлга қўйиладиган ва бу ишда ТНКнинг халқаро қуролли кучлари “тартиб ва барқарорлик” ўрнатадиган жаҳон марказини яратишни кўзда тутди. Унинг амалий дастури эса Ернинг табиий ва энергетик ресурслари устидан назорат қилишни жаҳоннинг саноат-молиявий элитаси кўлига топширишни кўзда тутди, давлатларнинг ўз табиий бойликларига бўлган суверенитетини бекор қилади, яъни дипломатлар хомашёларнинг миллий “уйлар”га тарқалиб кетиши хавфини олиш мақсадини олдинга суради.

“Олтин миллиард” дастурининг асосига қўйилган демографик кризис муаммоси академик С.П.Капица⁵⁹ томонидан ҳам назарий жиҳатдан ўрганилганди. Унинг инсоният популяциясининг ўсиши қонунини тадқиқ этиб, чиқарган хулосасига кўра 2030 йилга қадар планета аҳолиси ё ўсишдан тўхташи керак, ёки унинг депопуляцияси (популяция сифатида халок

⁵⁶Кара-Мурза С.Концепция "золотого миллиарда" и Новый мировой порядок.//http://burkina-faso.narod.ru/kara/oro_2.htm

⁵⁷Ўша ерда.

⁵⁸ Қаранг: Батчиков С. Глобализация: управляемый хаос. // <http://www.apn.ru/publications/article19369.htm>.

⁵⁹Қаранг: Теоретическая демография как основа математической истории.http://www.keldysh.ru/papers/2000/prep73/prep2000_73.html

бўлиши) муқаррар.⁶⁰ Ваҳоланки, булар, ўз навбатида, очарчилик, пандемиялар (кенг кўламли эпидемиялар), урушга олиб келувчи конфликтларга ва ш.к. олиб келиши кутилади. Шунинг учун Рим клуби ёрдамида “олтин миллиард” дастури ишлаб чиқилгани ҳақидаги фикрларда асос бор. Албатта, бу янги стратегия, гарчи, хатто у четлаб ўтилиши мумкин бўлмаган зарурат экани илмий асослаб берилган тақдирда ҳам, у “олтин миллиард” доирасига кирмайдиганлар томонидан қабул қилинишини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Узоқни кўра биладиган кўпчилик Ғарб сиёсатчилари бу катта кўпчиликнинг реакцияси бошқача бўлишини – жаҳон цивилизациясининг парчаланиши, халок бўлиши эҳтимоли жуда катта бўлишини башорат қилмоқдалар.⁶¹ Бу эса **глобал цивилизацион халокат** даври келганини билдиради.

Аслида бу сўнгги хулоса янгилик эмас. Зеро барча динларда бундай давр келиши башорат қилинган ва у “охир замон” ҳақидаги эсхатологик таълимотларда ўз ифодасини топган. Шунинг учун бунда асл муаммо ким сақланиш ҳуқуқи ва имкониятларига эга бўлиши ёки эга бўлмаслиги кераклигида эмас, балки охиратга қандай маънавий қиёфа билан боришда эканини кимлардир ҳамон фаҳмлай олмай турганидадир.

Лекин, эндиликда Ғарб файласуфлари ва руҳшунослари орасида ҳам мазкур кризисдан қутулиш йўли сифатида ёшларнинг онгида революция содир этиш, уларнинг **дунёқарашини инсонпарварлаштириш** зарурлиги йўлини кўрсатаётганлар ҳам бор. Масалан, ушбу муаммога турли томондан ёндошувлар Тимоти Лири, Роберт Уилсон, Станислав Гроф кабилар томонидан олдинга сурилган.⁶² Биз ҳам айни шу хулоса тарафдоримиз. Аммо бу ниятлар қачон ва қандай амалга ошиши ҳозирча номаълум. Чунки, ХУ11 асрлардан буён шаклланиб, ривожланиб, амалиётда қўлланиб келинган дунёқарашнинг туб ўзгариши қийин.

3.3. Глобал инқирозларни сабаб ва оқибатларини бартараф этишда ғоявий – мафкуравий ёндашувларнинг аҳамияти.

Технооптимизм. Аммо қайд этилган қарашлар 60-йилларнинг бошларига келиб технократик кайфиятларнинг янги тўлқини билан четга суриб қўйилди ва қарийб икки ўн йиллик мобайнида оммавий онгга ўз таъсирини йўқотди. Бунга урушдан кейинги даврда жаҳоннинг деярли барча иқтисодий ривожланган мамлакатларини қамраб олган саноат юксалиши сабаб бўлди. 50-60-йилларда ижтимоий тараққиёт истиқболлари Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам аксарият мамлакатлар учун порлоқ бўлиб туюлар эди. Ижтимоий онгда *ҳар қандай дунёвий ва ҳатто коинот муаммоларини фан ва техника ёрдамида ҳал қилиш мумкин* деган иллюзияни яратган **технооптимистик кайфиятлар** кучайди. Бундай қарашлар «истеъмол жамияти»ни ижтимоий ривожланиш мақсади деб эълон қилган кўп сонли назарияларда ўз аксини топди. Айни шу даврда *«индустриал», «постиндустриал», «технотрон», «информацион»*

⁶⁰Лесков Л.В. Вестник Московского университета. Серия 7. Философия. №3, 2001.40-61-б.

⁶¹Hantington S. The Clash of Civilizations and the emaking of New World Order. N. Y., 1996.

⁶² Қаранг: Журнал «Политический класс», № 9, сентябрь, 2006 й.

жамиятларнинг турли концепцияларини яратиш устида фаол иш олиб борилди.

1957 йилда таниқли иқтисодчи ва социолог *Ж.Гелбрейт* «Сербгарчилик жамияти» китобини эълон қилди ва унинг асосий ғояларини кейинчалик ўзининг «Янги индустриал жамият» деб номланган бошқа асарида ривожлантирди. Унинг асарларида инсон фан ва техника соҳасида эришаётган ютуқларга юксак ва фақат ижобий баҳо берилади, мазкур ютуқлар таъсирида жамият иқтисодий ва ижтимоий тузилмаларида чуқур ўзгаришлар юз бераётганига эътибор қаратилади.

Таниқли француз файласуфи *Р.Арон* асарларида, шунингдек, унинг 1956-1959 йилларда Сорбонна университетида ўқилган маърузаларида, америкалик сиёсатшунос *У.Ростоунинг* 1960 йилда чоп этилган ва ўз даврида шов-шувга сабаб бўлган «Иқтисодий ўсиш босқичлари. Нокоммунистик манифест» китобида «индустриал жамият» назарияси янада тўлароқ асослаб берилди.

Бу олимлар фикрига кўра, фан-техника инқилоби таъсирида «одатдаги» аграр жамият ўрнини саноат жиҳатидан тараққий этган «индустриал» жамият эгаллайди ва бу ерда бозор шароитида оммавий ишлаб чиқариш биринчи ўринга чиқади. Саноатнинг ривожланиш ва техника ютуқларидан фойдаланиш даражаси бундай жамият прогрессивлигининг бош мезонларига айланади.

Жамият ҳаётининг барча жабҳаларига компьютерларнинг кенг жорий этилиши янги назариялар, чунончи: «постиндустриал», «информацион» (*Д.Белл, Г.Кан, Ж.Фурастье, А.Турен*), «технотрон» (*З.Бжезинский, Ж.Ж.Серван-Шрайбер*), «ўта индустриал», «компьютер» (*А.Тоффлер*) жамияти назариялари юзага келишига сабаб бўлди. Уларда ижтимоий тараққиётнинг асосий мезони сифатида техника ютуқлари, аниқроғи фақатгина улар эмас, балки фан ва таълимнинг ривожланиши амал қилади. Компьютер техникаси негизида яратилган янги технологияларнинг амалга жорий этилиши тараққиётнинг муҳим мезони ҳисобланади.

Америкалик таниқли файласуф ва социолог *Д.Белл* бўлғуси ижтимоий қурилиш шакл-шамойилларини белгилар экан, ҳали Интернет пайдо бўлишидан анча олдин шундай деган эди: «Шунга ишончим комилки, ахборот ва назарий билим постиндустриал жамиятнинг стратегик ресурсларидир. Бундан ташқари, ўзининг янги ролида улар ҳозирги тарихнинг туб бурилиш нуқталаридир».

Д.Белл биринчи бурилиш нуқтаси сифатида ҳозирги жамиятда «умумий билим» сифатида асосий ишлаб чиқарувчи кучга айланган фан хусусиятининг ўзгаришини қайд этади. Иккинчи бурилиш нуқтаси янги технологиялар пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиб, улар, саноат инқилоби даври технологияларидан фарқли ўлароқ, ўта мослашувчан ва осонгина қайта ихтисослаштирилиши мумкин. У «Ҳозирги технология бетакрор ва айни вақтда ранг-баранг натижаларга эришиш учун кўп сонли муқобил йўллар очади, бунда моддий неъматлар ишлаб чиқариш мислсиз даражада ўсади. Булар – имкониятлар, ҳамма гап уларни рўёбга чиқаришда», деб қайд этган

эди.

Технопессимизм. Кўриб чиқилаётган назарияларнинг айрим тарафдорлари фан-техника инқилобининг салбий оқибатларига, хусусан атроф муҳитнинг ифлосланиши муаммоларига маълум даражада эътибор берган бўлсалар-да, лекин, умуман олганда, уларнинг ҳеч бири бундан 1980-йилларнинг ўрталаригача жиддий ташвишга тушмади. Чунки, фан-техника тараққиёти ҳамма нарсага қодир эканлигига ишонч ҳаддан ташқари катта эди.

Айни вақтда 1960-йилларнинг охирларидан экологик қийинчиликлардан ташқари аксарият давлатлар ва ҳатто китъаларга таҳдид солган бошқа муаммолар: *аҳолининг назоратсиз ўсиши, турли мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражасининг нотекислиги, хом ашё ресурслари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш* ва бошқалар тобора бўртиброк намоён бўла бошлади. Тез орада улар фан ва фалсафа диққат марказидан ўрин олиб, қизгин баҳс ва мунозаралар предметига айланди.

Кўрсатилган муаммоларни фалсафий таҳлил қилиш борасидаги дастлабки уринишларнинг ўзиёқ технократик тенденцияларга зид бўлган, кейинчалик «технологик пессимизм» деб номланган қарашларни намоён этди. Асосий эътибор инсон фаолиятининг салбий оқибатлари ва атроф муҳит муаммоларига қаратилган, уларни ечиш имкониятлари салбий тусда кўрилган ҳолда, бундай қарашлар «**экопессимизм**» деб аталади.

Кўпгина таниқли олимлар ва файласуфлар, хусусан *Г.Маркузе, Т.Роззак, П.Гудмен* ва бошқалар ўз ўтмишдошларини шафқатсиз сциентизмда⁶³, инсонни фан ва техника қулига айлантиришга уринишда айблаб, фан-техника тараққиётига қарши чиқдилар. Фан-техника тараққиётига ва умуман ижтимоий тараққиётга қарши норозиликнинг янги тўлқини юзага кела бошлади. Бу тўлқин таъсирида пайдо бўлган ғоялар «аксилестеъмол» жамиятини асослашга ҳаракат қилар ва «ўртача одам»ни озгинага қаноат қилиш лозимлигига ишонтиришга қаратилган эди. Глобал муаммолар пайдо бўлишининг айбдорини топишга уриниш жараёнида асосий айб «замонавий технология»га қўйилди. Нафақат фан ютуқлари, балки тараққиёт ғояси ҳам шубҳа остига олинди. Ўз даврида *Ж.Ж.Руссо* илгари сурган «табиат бағрига қайтиш»га чорловлар пайдо бўлди, иқтисодий ривожланишни эришилган даражада «тўхтатиш» таклиф қилинди.

Рим клуби. Юқорида қайд этилган қарашлардаги туб бурилиш асосан Рим клуби фаолияти таъсирида юз берди. 1968 йил Римда ўзининг биринчи мажлисига йиғилган олимлар, файласуфлар ва жамоат арбобларининг бу нуфузли халқаро ташкилоти ҳозирги даврнинг энг муҳим умуминсоний муаммолари бўйича маърузалар тайёрлаш ва эълон қилишни ўз олдига вазифа қилиб қўйди. Бу ташкилотнинг 1972 йилда эълон қилинган «Ўсиш чегаралари» деб номланган биринчи маърузасиёқ жуда катта шов-шувга сабаб бўлди, чунки инсоният ўзи англамаган ҳолда «порохли бочка устида ўтириб, гугурт ўйнаётгани»ни кўрсатиб берди. Рим клубининг асосчиси ва

⁶³Сциентизм (ингл. *science* – фан) – фаннинг жамият ҳаётидаги ролини мутлақлаштирувчи концепция

биринчи Биринчи Президенти *АуреллиПеччеи* мазкур тадқиқотга ёзган сўзбошисида шундай деб қайд этган эди: «Эндиликда она-Еримиз ҳар қандай ўсиш суръатларига дош беришга, инсоннинг ҳар қандай эркаликларини кўтаришга қодир эканлигига соғлом фикрлайдиган одамларнинг бирортаси ҳам ишонмайди. Ўсиш чегаралари борлиги равшан, лекин уларнинг қандайлиги ва қаердалигини ҳали аниқлаш лозим».

Мазкур маъруза муаллифлари шундай аниқлаш билан шуғулландилар. Олинган натижаларнинг мухтасар мазмуни шундан иборат эдики, сайёрамиз ҳажмининг чегаралари муқаррар тарзда инсон экспансиясининг чегараларини ҳам назарда тутди; моддий ўсиш чексиз даражада давом этиши мумкин эмас; ижтимоий ривожланишнинг ҳақиқий чегаралари моддий омиллар билан эмас, балки экологик, биологик ва ҳатто маданий омиллар билан белгиланади. Улар жаҳон ривожланиши асосий тенденцияларининг компьютер моделини тузиб, мазкур тенденциялар сақланган ҳолда учинчи минг йиллик бошидаёқ инсоният воқеалар устидан назоратни бутунлай йўқотиши ва натижада ҳалокатга юз тутиши мумкин, деган тўхтамга келдилар. Бундан ишлаб чиқаришнинг ўсишини тўхтатиш, тобора кўпайиб бораётган аҳоли сонини эса тегишли ижтимоий сиёсат ёрдамида барқарорлаштириш лозим, деган хулосага келинди.

Маъруза жаҳоннинг кўплаб тилларига ўгирилди ва дунё бўйлаб кенг тарқалди, ишлаб чиқаришнинг ўсишини тўхтатиш ғояси тарафдорлари ва муҳолифлари ўртасида қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Сўнгра навбатдаги маърузалар мажмуи (бугунги кунда улар йигирматадан ошиб кетди) пайдо бўлди. Бу маърузалар умуминсоний муаммоларнинг кўпгина жиҳатларини ёритиб берди ва уларга нафақат олимлар ва файласуфлар, балки сиёсатчилар, жамоат арбоблари, умуман жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратди.

Назорат саволлар:

1. Глобал инқирозларнинг сабаб ва оқибатлари ҳақида нималарни биласиз?
2. Глобал инқирозларни бартараф этиш мумкинми? Мумкин бўлса қандай?
3. Глобал инқирозларни сабаб ва оқибатларини бартараф этишда ғоявий – мафкуравий ёндашувларнинг аҳамияти нималар деб ҳисоблайсиз?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аббосхўжаев О., Умарова Н., Қўчқоров Р. Мафкура полигонларидаги олишувлар. -Т.: Академиа, 2007.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. - Т.: Молия, 2003.
3. Жўраев Т. Миллий давлатчилик ва хавфсизлик. Т.: “Академия”, 2007.
4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар) - Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008.
5. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. - Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт - матбаа ижодий уйи, 2009.
6. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. - Т.: Академиа, 2007.

7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Т.: Ўзбекистон, 2000.
8. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. 2-нашр -Т.: “Ўзбекистон”, 2015.
9. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. - Т.: “Мухаррир” 2009.
10. Очилдиев А.С. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси: - Т.: Ижод дунёси нашриёт уйи, 2002.
11. Панарин И.Н. Информационная война и геополитика. - М.: Поколение, 2006.
12. Тўраев Ш. Маънавий таҳдидлар: фалсафий таҳлил. - Т.: “Мухаррир”, 2010.
13. Тўраев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. - Т.: Маънавият, 2008.
14. Куронов М. Мафкуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси. -Т.: “Академия” 2008.

Электрон таълим ресурслари

1. www.ziyonet.uz
2. www.edu.uz
3. www.infocom.uz
4. www.nuuz.uz
5. www.bimm.uz

4-МАВЗУ: ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ, МАЪНАВИЙ-АҲЛОҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ.

РЕЖА:

4.1. *Жамият ижтимоий иқтисодий муносабатларининг глобаллашуви.*

4.2. *Жамият маънавий-ахлоқий муносабатларининг глобаллашуви.*

4.3. *Ўзбекистонда глобаллашув жараёнининг оқибатларини бартараф этишда миллий гояннинг роли .*

Таянч иборалар: ижтимоий глобаллашув, иқтисодий глобаллашув, маънавий ва ахлоқий глобаллашув, маънавият, қадрият, ўзликни англаш, глобаллашунинг гоёвий таҳлили, глобаллашувнинг оқибатлари, Глобаллашув ва миллий гоё

4.1. Жамият ижтимоий иқтисодий муносабатларининг глобаллашуви.

Глобаллашув – жаҳон хўжалиги ривожланишининг объектив жараёни бўлиб, жуда кўп ижобий хусусиятларга эгадир: булар асосан турли мамлакатлар хўжалигининг ўзаро алоқаси, инвестициялар, хорижий сармояларни жалб қилиш, илм – фан техника технология ютуқлари алмашувини тезлашишни ҳамда давлатларни илмий техникавий тараққиётига кўмаклашув билан тасдиқланади. Глобаллашув — бутунжаҳон иқтисодий сиёсий, маданий интегратсия ва унификатсия (бир бирга яқинлашув) жараёнидир. Асосий хусусиятлари халқаро меҳнат тақсимоти, капитал, ишчи кучи ва ишлаб чиқариш ресурсларининг эркин ҳаракати, қонунчилик, иқтисодий ва технологик жараёнларни стандартлаштириш, шунингдек, турли мамлакатларнинг маданиятини кўшилиши ва яқинлашувидир. Бу объектив жараён бўлиб жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олувчи тизимли хусусиятга эга. Глобаллашувга қарши ҳаракатлар ҳам мавжуд бўлиб, улар глобаллашув натижасида юзага келадиган ва келадиган муаммоларни оқибати салбий деб эътироф этишади. Бундай ташкилот, уюшма, ҳаракатларга Грөөн, АнтиДаос каби бир неча антиглобилистларни киритиш мумкин.

Жаҳон хўжалиги ва халқаро меҳнат тақсимотидаги асосий ривожланиш тенденциялари ҳақида чуқур билимга эга бўлмасдан туриб иқтисодий хавфсизлик муаммосини тадқиқот қилиш мумкин эмас.

Маҳсулотларнинг эркинлашуви ва байналминаллашуви чегараларда йирик компанияларни ташкил этилишига ва трансмиллий корпоратсияларнинг тобора иқтисоддан бақувват ва ривожланишига сабаб бўлмоқда. Капиталларнинг алмашинуви эса халқаро корпоратсиялар

тараққиётида алоҳида восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Трансмиллий корпоратсиялар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар халқаро меҳнат тақсимооти ва унинг ривожланишида фаол рол ўйнайди. ТМК халқаро маҳсулот тизимида дунёнинг кўплаб мамлакатларида маҳсулот ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатувчи шўъба компаниялар ташкил этишни амалга оширади.

Глобал режаларнинг юзага келиш тамойили сифатида эса глобаллашув халқаро иқтисодий алоқалар борасида янги қулайлик ва имкониятлар яратиш билан бир қаторда турли-туман таҳдид ва зиддиятларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Биринчидан, глобал боғлиқлик тамойиллари кучайган сайин жаҳон хўжалик тизимининг ривожланишидаги номутаносиблик тобора ошиб бормоқда. Ривожланган мамлакатлар ва ривожланаётган давлатлардаги ижтимоий-иқтисодий тараққий этиш кўрсаткичлари ўртасидаги тафовут янада ортиб бормоқда.

Иккинчидан, мамлакатлар иқтисодий ривожланиши интенсивлиги турли-туман йўналишлар, мезонлар бўйича хилма-хил тарзда намоён бўлмоқда.

Учинчидан, эркин иқтисодиётни барпо этишда хўжалик юритишнинг жаҳон қоидаларини унификатсиялашга уринилмоқда. Лекин бунда халқаро ташкилотларнинг ҳаракатлари муваффақиятсиз чиқмоқда дейиш қийин. Чунки, ҳар бир давлат иқтисодиётини тартибга солиш, уни эркинлаштириш ва ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришда ўзига хос восита ва услубларни қўлламоқда.

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики глобаллашув жараёнлари қуйидагиларни ўзига жалб қилади:

- Минтақа мамлакатлари ўрастидаги интегратсия жараёнларини жадаллаштиради;

- хўжалик юритишни тўлиқ эркинлаштирмаган давлатлар иқтисодиётининг очиклигини таъминлайди, протекционистик тизимга чек қўяди;

- барча бозорларда талаб ва таклифнинг тўсиқларсиз қатнашувини таъминлайди;

- молиявий ва савдо оператсиялари чегараларини универсаллаштиради;

- бозорларни тартибга солиш ва назорат қилишни бир меъёрга келтиради, яъни унификатсия қилади;

- капитал жойлаштириш, инвеститсия жараёнлари ва умумжаҳон тўлов-ҳисоб тизимларини стандартлаштиради.

Макроиқтисодий даражадаги глобаллашув давлатлар ва интегратсия уюшмаларининг иқтисодий фаолликка тортиб, савдо ва инвеститсия тўсиқларини олиб ташлайди, эркин савдо ҳудудларини ташкил қилиш асосида пайдо бўлади. Глобаллашув жараёнлари давлатлараро хўжалик юритиш учун иқтисодий, ҳуқуқий, ахборот ва сиёсий миқёсдаги ўзаро келишувларни ҳам қамраб олади.

Микроиқтисодий даражадаги глобаллашув компаниялар фаолиятининг ички бозордан ташқарида кенгайиши натижасида пайдо бўлади. Кўпгина йирик ТМК лар глобал миқёсда ҳаракат қилади. ТМКлар глобаллашув жараёнининг субъекти бўлиб, глобаллашувнинг асосини, яъни уни ҳаракатга келтирувчи асосий кучидир.

Глобаллашув жаҳон ҳамжамиятини турли соҳаларда ҳаракатларини фаоллаштириб, инсоният учун умумий муаммоларни, энг аввало экологик муаммоларни ҳал этиш учун жиддий асос яратади. Хуллас, кўпчилик мутахассислар, глобаллашувнинг пировард натижаси жаҳондаги мамлакатларда фаровонликнинг ошишига олиб келади, деб умид қиладилар.

Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув жараёнлар ривожланган мамлакатларда ҳайрихоҳлик билан, ривожланаётган мамлакатларда эса хавотир билан қабул қилинмоқда. Бунинг сабаби шундаки, глобаллашув жараёнининг афзалликлари барча мамлакатларга тенг тақсимланмайди. Шунинг учун ҳам глобаллашувдан ким фойда кўради, деган савол турли мунозараларга сабаб бўлмоқда. Замонавий глобаллашув жараёнлари энг аввало саноати ривожланган мамлакатлар мавқеини мустаҳкамлаб, уларга кўшимча афзалликлар беради. Халқаро меҳнат тақсимоли доирасида глобаллашув жараёнининг кенгайиши иқтисодий кам ривожланган мамлакатлар мавқеи салбий ўзгаришига сабаб бўлиб, уларни глобаллашув жараёни субъектларига эмас, балки объектларига айлантириши мумкин. Демак, глобаллашув жараёнларининг алоҳида мамлакатлар иқтисодиётига ижобий таъсир даражаси ушбу мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрнига боғлиқ. Амалда афзалликларнинг асосий қисми бой давлатларга ёки индивидларга тегади.

Глобаллашув шароитида марказлаштирувчи кучларнинг марказлашиши билан боғлиқ бўлган бузғунчилик таъсири юзага чиқиши мумкинки, бу мамлакат ичидаги анъанавий алоқалар узилишига, ижтимоий муаммолар кучайишига, мазкур жамият учун бегона бўлган салбий оқибатлар туфайли барча мамлакатларда юзага келадиган муаммолар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: глобаллашувдан келадиган афзалликларнинг миллий иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари ўртасида бир хил тақсимланмаслиги; миллий иқтисодиётда саноатлаштиришнинг секинлашуви ва бошқалар.

Глобаллашув жараёни билан ёнма-ён ҳудудлаштириш жараёнлари ҳам ривож топиб бормоқда. Европа иттифоқи (ЕИ), Шимолий Америка эркин савдо ассотсиатсияси (ШАЕСА), Осиё Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти (ОТИХ), Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ), ШХТ, БРИКС каби интегратсиялашган тузилмалар вужудга келдилар. Шундай қилиб жаҳон иқтисодиётида икки ёнма-ён жараён – глобаллашув ва ҳудудийлаштириш жараёнлари бораяпти. Улар бир-бирларини тўлдириб, сайёрамизни ягона иқтисодий кенгликка айлантirmoқда.

Иқтисодий глобаллашув жараёнининг салбий ва ижобий томонлари. Глобаллашувнинг ижобий тарафларини баҳолаш мушкулдир: инсониятнинг имкониятлари ортиб бормоқда, унинг ҳаётининг барча жабҳалари ҳисобга олинмоқда, ўзаро уйғунлашув шароитлари туғилмоқда.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви умуминсоний муаммоларни ҳал этишнинг жиддий асосларини яратмоқда. Глобаллашув жараёнларининг ижобий томонлари сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин:

1. Глобаллашув меҳнатнинг ихтисослашуви ва халқаро тақсимотининг чуқурлашувига кўмак беради. Бу шароитларда восита ва ресурслар самарали тақсимланади, аҳоли ўртача турмуш тарзининг ортишига ва аҳоли ҳаётий истиқболларининг кенгайишига олиб келади.

2. Глобаллашув жараёнларининг муҳим устуворликларидан ишлаб чиқариш кўламида иқтисод қилиш бўлиб, бу харажатларнинг қисқариши ва нархларнинг пасайишига, натижада барқарор иқтисодий ўсишга олиб келади.

3. Глобаллашувнинг устуворликлари шунингдек, барча тарафларни қониқтирувчи ўзаро манфаатдор асосда эркин савдодан ютиш билан боғлиқдир.

4. Глобаллашув рақобатни кучайтирган ҳолда, янги технологияларнинг ривожланиши ва уларнинг бошқа давлатларда тарқалишини рағбатлантиради. Бунда тўғридан-тўғри инвеститсиялар ўсиш суръатлари жаҳон савдоси ўсиш суръатларидан бир неча баробар устун бўлади, бу эса миллий иқтисодиётларга бевосита таъсир этувчи саноат технологиялари кўлланилиши, ТМК вужудга келишининг муҳим омили ҳисобланади.

5. Ишлаб чиқаришни глобал миқёсда ратсионализатсия қилиш ва илғор технологияларни тарқатиш, ҳамда жаҳон миқёсида инноватсияларни доимий тадбиқ этиш учун рақобат босими натижасида глобализатсия меҳнат унумдорлигининг ошишига олиб келиши мумкин.

6. Глобаллашув давлатларга катта ҳажмдаги молиявий ресурсларни жамлаш имкониятини беради, чунки сармоядорлар кенг молиявий имкониятларни кўплаб бозорларга жалб этадилар.

7. Глобаллашув умуминсоний муаммоларни ҳал этишнинг жиддий асосларини яратади, аввало экологик муаммолар бўлиб, у жаҳон ҳамжамиятининг умумий ҳатти-ҳаракатлари, ресурсларнинг жамланиши, турли соҳалардаги ҳатти-таракатларнинг мувофиқлаштирилишини талаб этади.

Умуман олганда кўплаб мутахассисларнинг умид қилишича, глобализатсия пировард натижада дунёдаги умумий иқтисодий ҳолатнинг ўсишига олиб келади.

Глобаллашув жараёнлари ривожланган мамлакатларда кўллаб-қувватланади, аммо ривожланаётган ва қолоқ давлатларда қаршиликка учрайди. Демак глобаллашув жараёнлари ким учун фойдалилиги ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Ишлаб чиқариш неъматларининг адолатсиз тақсимланиши минтақавий, миллий ва халқаро даражада низоларни келтириб чиқаради. Даромадларнинг мутаносиблашуви эмас, уларнинг қутблашуви юзага келади. Бу жараёнларда ривожланаётган давлатлар бой давлатлар қаторига кираверади, ночор мамлактлар эса улардан ортда қолаверади. “Миллий иқтисодиётларнинг жаҳон тизимига интегратсиялашуви тенгсизликни йўқотиш ва юмшатиш ўрнига, аксинча уни кучайтиради ва кўп ҳолларда уни кескинлаштиради.”

Глобаллашув жараёнлари натижасида барча мамлакатларда юзага келиши мумкин бўлган потенсиал салбий оқибатлар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- миллий иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари бўйича халқаро савдо, ишлаб чиқариш натижаларини номутаносиб тақсимланиши;
- миллий иқтисодиётларнинг ноиндустриаллашуви;
- алоҳида давлат иқтисодиёти назорати суверен ҳукуматлардан бошқа кучли давлатлар, ТМК ёки халқаро ташкилотларнинг қўлига ўтиб кетиши;
- молиявий соҳанинг эҳтимолий беқарорлиги, миллий иқтисодиётнинг жаҳон даражасидаги боғлиқлиги сабабли потенсиал минтақавий ёки глобал беқарорлиги. Алоҳида давлатдаги маҳаллий иқтисодий силжишлар ёки инқирозлар минтақавий ёки глобал оқибатларга олиб келиши мумкин.

Глобаллашувнинг оғриқли оқибатларини ўзларида кам ривожланган давлатлар ҳис қиладилар. Уларнинг асосий қисми халқаро миқёсда ҳам ашё етказиб берувчи ва кўп меҳнат талаб қилувчи соҳаларни юритувчи давлатлар сифатида иштирок этиб, ҳар жиҳатдан етакчи давлатларга боғлиқ бўлиб қоладилар, даромадалари эса кам ва беқарор жаҳон бозори конъюнктурасига боғлиқ бўлиб қолади. Бундай давлатларга глобализатсия жараёнлари юқорида санаб ўтилган муаммолардан ташқари қуйидагиларни ҳам пайдо қилади:

- ривожланган мамлакатлардан технологик жиҳатдан тобелик ва ортда қолишнинг ортиши;
- ижтимоий-иқтисодий номутаносибликнинг ортиши;
- аҳоли асосий қатламнинг қашшоқланиши;
- кам ривожланган давлатларнинг жаҳон хўжалиги тизими барқарорлиги ва меъёрий ишлашига боғлиқлигининг ортиши;
- ТМК томонидан давлатнинг миллий иқтисодий ривожланишга қаратилган сиёсатини чеклаши;

4.2. Жамият маънавий-ахлоқий муносабатларининг глобаллашуви.

Маънавият жамият тараққиёти, миллат камолоти ва шахс баркамоллигини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Чунки, маънавият ривожлангандагина жамиятда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик вужудга келади, ҳамда мамлакат ва миллат тараққий этади. Бу ўз навбатида шахснинг баркамол ривожланиши учун зарур бўлган замин бўлиб хизмат қилади. Буни чуқур ҳис қилган ва ўз қалбидан ўтказган Биринчи Президентимиз И.А.Каримов мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин она заминимизда демократик жамиятни қуришнинг назарий контсепсиясини ишлаб чиқар экан, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни қайта қуришни миллий-маънавий тикланиш билан уйғун ҳолатда бўлиши кераклигини ҳам илмий асослаб берди. У ўзининг ҳажми жиҳатдан кичик бўлса ҳам, аммо мамлакатимизда янги жамият қуришнинг илмий-назарий асосларини акс эттирилиши жиҳатдан мукаммал, фундаментал дастур бўлган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлоли ва тараққиёти» номли асарида

мустақилликдан кейин Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий соҳасидаги стратегик вазифаларини ҳам белгилаб берди. Унда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни қайта қуриш соҳасида илгари сурилган барча ғоялар ўтган даврда ўзининг ифодасини топди ва жамиятимиз тубдан янги босқичга кўтарилди.

И.А.Каримов асарида мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизларини белгилаб берар экан, «Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади» – деб кўрсатади ва қуйидагиларни белгилаб беради.

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик.

Асарда ана шу негизларнинг моҳияти ҳам очиб берилган. Жумладан, И.А.Каримов шундай ёзади: «Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи – халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир.

Халқимиз адолат, тинчлик, аҳил-қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб – асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтириш учун зарур шарт-шароитлар яратишдир».

Халқимизнинг маънавий илдизлари чуқур эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу масалага алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлаётганимизга асосий сабаб шуки, маънавий меросимизни қайта тиклаш ғоясини ижодий ривожлантирилади ва унинг миллатимиз маънавий тараққиёти учун асосий йўналиш бўлишини асослаб беради.

И.А.Каримов халқимизнинг буюк фазилатлари ҳақида тўхталиб инсонпарварликнинг ўзбекларга хос қирраларини кўрсатиб беришга эътиборни қаратади. Жумладан, «Инсонпарварлик бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. Шафқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига ётдир». Худди мана шу фазилатларимизнинг моҳиятини талабаларга етказиш таълим жараёнининг диққат марказида бўлиши зарур. Чунки миллий маънавиятимизнинг асосий манбалари ана шунга бориб тақалади. Бугунги ёшларимиз бунинг моҳиятига етиб боришлари зарурдир.

Асарда маънавиятнинг халқимизнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдаги роли ҳам асослаб берилган. Жумладан, Биринчи Президентимиз И.А.Каримов шундай ёзади: «Халқимизнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимизнинг қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан етилган».

И.А.Каримов ўз асарида мамлакатимизда миллий маънавиятни тиклаш ва ривожлантириш давлат сиёсатида устивор вазифа эканлигига эътиборни

қаратиб қуйидаги концептуал ғояни илгари суради. У шундай ёзади: «Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак дейдиганлар ҳақ бўлмаса керак. Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамият, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди...»

Президентимиз томонидан илгари сурилган бу концептуал ғоянинг назарий ва амалий аҳамияти шундаки: биринчидан, бу билан муаллиф собиқ шўролар даврида маънавиятни ривожлантиришга учинчи даражали омил сифатида қаралишининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий инқирозининг сабабларини ҳам кўрсатиб беради. Иккинчидан, маънавиятни ривожлантирмасдан, шахснинг маънавий-руҳиятини ўзгартирмасдан туриб жамиятда кўзланган мақсадни амалга ошириш мумкин эмаслигига асосий эътиборни қаратган.

Президентимизнинг яна бир муҳим концептуал ғояси маънавият шахснинг энг муҳим мезони ва шунинг билан бирга уни камолотга элтувчи, ўз-ўзини англатувчи ва ўз имкониятларини юзага чиқартирувчи улкан омил эканлигини илмий асослаганлигидир.

И.А.Каримовнинг миллий-маънавий тикланишга бағишланган концепсиясида ватанпарварликнинг шахс маънавиятининг ажралмас қисми эканлигини асослаб бериш алоҳида ўринни эгаллайди. Ҳақиқатан ҳам ўз Ватанини севмаган, унинг ҳар қарич ери учун масъуллигини ҳис этмаган ҳар бир инсон маънавий жиҳатдан қашшоқ ҳисобланади. Бундай фазилатлар миллий тараққиётнинг муҳим заминларидан бири ҳисобланади. Аксинча бўлсачи? Агар диққат билан эътибор берадиган бўлсак Ливия, Сурия, Украинада рўй берган ижтимоий-сиёсий воқеалар ривожини, қонли инқирозлар нега юз берди?

Президентимиз мазкур асардаги миллий-маънавий тикланиш вазифасини амалга оширишга бағишланган концепсияларини ўзининг бошқа асарларида ижодий ривожлантирган, янги мазмун билан бойитган, тараққиётимизнинг янги босқичида юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш эҳтиёжларига мос равишда унинг янги йўналишларини белгилаб берган.

Президентимизнинг асарларида илгари сурилган концептуал ғояларни умумлаштирадиган бўлсак, улар қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

- маънавий мерос ва диний қадриятларни чуқур ўзлаштириш, миллатимизнинг ўз-ўзини англашига эришиш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини изчиллик билан мустаҳкамлаш;

- мустақиллик шароитида миллий ғоя ва миллий мафқурани шакллантириш ҳамда уни халқимиз дунёқарашига айланишига эришиш;

- таълим тизимини ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини амалга ошириш асосида баркамол авлодни шакллантириш, соғлом авлод дастурини амалга ошириш асосида жисмонан бақувват, руҳи, фикри соғлом, иймон-еътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур ватанпарвар авлодимизни шакллантириш;

- миллий-маънавий салоҳиятимизнинг жаҳон сивилизациясидаги ўрнини тиклаш ва бугунги кунда маънавият, маърифат, фан, техника, технология

ютуқларини чуқур ўзлаштириш асосида ҳозирги замон умумжаҳон маънавияти тизими ривожига ҳисса қўшиш;

- ёшлар маънавиятини миллий истиқлол ғоялари билан бойитиб бориш, улар онгида мафкуравий иммунитетни кучайтириш;

- инсониятнинг асрлар давомида яратган ва умумжаҳон мулкига айланган барча бойликларини миллий-маънавий салоҳиятимизнинг ажралмас қисмига айлантириш кабилардир. Маърузачи Президент асарларида илгари сурилган ана шу концептуал ғояларни асарлар бўйича мукамал баён қилиб бериши зарур бўлади.

Аждодларимиздан қолган мерос ҳар бир миллатнинг нафақат ўтмиши, шунинг билан бирга истиқболи учун ҳам куч, фидойилик ва илҳом манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Президентимиз «Ҳозирги Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон сивилизатсияси бешикларидан бири бўлганлигини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу-фузолар, олиму-уломолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан.

Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган.

Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний, ахлоқий, илмий қарашларини ўзида мужассам этган бу нодир қўлёмаларни жиддий ўрганиш даври келди» - деб таъкидлайди. Унинг «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Инсон учун тарихдан жудо бўлиш ҳаётдан жудо бўлиш демакдир» – деган ғояларида ҳар бир ватандошимизнинг, айниқса ёшларимизнинг маънавий меросимизни чуқур ўрганиш зарурлиги миллий маънавий тикланишимизнинг бош вазифаси эканлигини тушуниб етишга қаратилгандир.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов миллий мафкуранинг миллий маънавий тикланиш ва мамлакатимизда демократик жамият қуришдаги аҳамияти ва ролини илмий асослашга катта эътибор қаратади. Миллий мафкура-миллатни бирлаштиради, мафкурасиз одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотади.

Миллий мафкура воситасида эл-юрт бирлашади ўз олдида буюк мақсадлар қўяди ва уларни адо этишга қодир бўлади»-деб таъкидлайди. Президентимиз ўз навбатида миллий ғоянинг вазифаларини аниқ белгилаб беради: «... миллий ғоя биринчи навбатда ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишлик олийжаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур» лигини белгилаб беради. Мамлакатимиз бугунги кунда тоталитар тузум ҳукумронлигидан озод бўлиб демократик жамиятни қуриш сари дадил қадам ташламоқда. Табиийки, жамият бир босқичдан иккинчисига ўтиш, яна боз устига зўровонлик асосида қурилган жамиятдан маърифатли инсон манфатлари, шахс эркинлиги ва камолотига хизмат қилувчи демократик жамиятга ўтиш осон кечмайди, чунки эски тузум иллатлари ҳали сақланиб туради. Ўз умрини узайтириш учун жон жаҳди билан қаршилиқ кўрсатади, янги жамият эса қисқа муҳлатда қурилмайди,

балки маълум вақтни, унда яшаётган барча инсонларнинг фидойилик билан меҳнат қилишларини талаб этади. Худди мана шу жараёнда юзага келган муаммоларни ҳал қилиш учун юксак маънавий эътиқод ва сабр-тоқат билан одамларни уюштириш, улар дунёқарашида янги жамият таффақурини шакллантириш муҳим вазифа даражасига кўтарилади.

Мамлакатимизда ана шу буюк муаммоларни ҳал этиш жараёнлари кетмоқда. Уларни маваффақиятли ҳал этишда эртанги кунимиз давомчилари бўлган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказишимиз зарур. Шунинг учун ҳам президентимиз оғир иқтисодий муаммоларни ҳал этиш жараёнлари мураккаб ҳолатда кечаётганлига қарамасдан кадрлар тайёрлаш дастурини ишлаб чиқиш, уни қабул қилиш ва ҳаётга тадбиқ этиш масаласини асосий вазифа сифатида белгилаб берди ҳамда уни амалга оширишда раҳбарлик қилмоқда. У Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги маърузасида бу дастурнинг аҳамиятини шундай таъкидлади: «Лўнда қилиб айтганда, бугунги кунда олдимизга кўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгилиниши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислохатларимиз, режаларимизнинг самарали тақдири – буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли, мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз».

Президентимизнинг миллий-маънавий тикланишни амалга оширишга хизмат қилувчи яна бир концептуал ғояси соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш заруриятини илмий асосланганлигидир. Унинг соғлом авлод концепсиясида шахснинг жисмонан, руҳан бақувват бўлиши, юксак билим, маънавият, тафаккур ва фидойи ватанпарвар бўлиши каби талабларга жавоб берадиган авлодни назарда тутилади. Шунинг учун ҳам у «...фарзандлари соғлом юрт кудратли бўлади, кудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади» – деган ғояни илгари суради.

Миллий-маънавий тикланишимизда ёшларимиз маънавиятини юксак даражага кўтариш, уларнинг ҳозирги замон фан, техника ва технология ютуқларини чуқур ўзлаштиришлари катта омил эканлиги Президентимиз томонидан илмий асосланган.

Ҳақиқатдан ҳам жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибалари кўрсатиб турибдики, қайси мамлакат ёшлари замонавий фан, техника ва технология ютуқларини қанчалик мукамал эгалласа, мамлакат тараққиётига кўшадиган ҳиссалари шунчалик самарали бўлади, маънавият юксалади ва мамлакатнинг ҳозирги замон жаҳон сивилизатсия тизимига кириб бориши тезлашади. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов ишлаб чиққан миллий-маънавий тикланиш концепсиясида инсониятнинг асрлар давомида яратган ва умумжаҳон мулкига айланган барча бойликларини миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисмига айлантириш ҳам асосий ўринни эгаллайди. Жумладан, у «Фидокор» газетаси муҳбири берган саволларига берган жавобларида дунё халқлари маънавий мулкига айланган файласуфларнинг асарлари ҳалигача ўзбек тилида ёшларимизга етиб бормаганлигини қаттиқ танқид қилиб шундай таъкидлайди: «Дунё тан олган


кўп улуғ файласуфларнинг асарлари ҳанузгача ўзбек тилида нашр этилмагани туфайли аксарият зиёлилар, хусусан, ёшларимиз уларнинг ғоявий қарашлари билан яхши таниш эмас Сократ ва Платон, Нитше ва Фрейд каби олимларнинг ҳозирги замон чет эл файласуфларининг китобларини ҳам тушунарли қилиб, изоҳ ва шарҳлар билан ўзбек тилида чоп этиш наҳотки мумкин бўлмаса?». Юқорида келтирилганлардан кўришиб турибдики, Президентимиз миллий-маънавий ривожланишимизни жаҳон халқларининг илғор маънавият тафаккури тараққиёти билан уйғун равишда ривожлантириш вазифасини кун тартибига қўймоқда. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган миллий-маънавий тикланишнинг илмий-назарий концепсияси жуда катта амалий аҳамиятга эгадир. Бу мустақиллик йилларида маънавий тараққиётимизда қўлга киритилган ютуқлар мисолида ўз тасдиғини топди. Мустақиллик туфайли бошланган тарихий тараққиёт йўлидан оғишмай олға ривожланиб бораётган Ўзбекистон Республикаси олдида эндиликда бир қанча муҳим вазифа ва муаммолар турибди. Ана шулардан бири миллий мафқурани яратиш, уни халқ орасида жадал кенг ёйишдан иборат.

Ўзбекистон ўзининг мустақил тараққиёт йўлига қадам қўйган дастлабки кунларида - эски мафқурадан бутунлай воз кечилаётган, янги мафқура эса ҳали ишлаб чиқилмаган, илмий асослаб берилмаган кезларда, маънавият соҳасида бўшлиқ пайдо бўлди. Шунинг учун ҳам янги миллий ғоя, миллий мафқурани яратиш зарурати кун тартибига асосий масала бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентимиз И.А.Каримов Республика Олий Кенгаши ўн иккинчи сессиясида сўзлаган нутқида: «Олдимизда турган энг муҳим масала, бу миллий мафқурани яратиш ва ҳаётимизга тадбиқ этишдир», - деган эди.

Шуни айтиш кеаракки, ҳеч қандай жамият ва миллат мафқурасиз яшай олмайди. Дунёдаги ҳар бир жамиятнинг ўзига хос, ўзига мос келадиган, унинг учун хизмат қиладиган, туб мақсадлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган мафқураси бўлади. Одамлар қайси бир жамиятда яшашидан қатъий назар нимагадир ишониши, эътиқод қилиши, қандайдир бир ғояга, таълимотга асосланиб иш кўриши, фаолият кўрсатиши керак.

Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон –этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир.



Глобаллашув шароитида маънавият, маърифат ва мафкура соҳасидаги фаолиятимиз халқимизнинг бой маданий меросини тиклаш, буюк аждодларимизнинг ҳурмати жойига қўйиш, миллий онг ва миллий ғурурни юксалтириш, тинчлик ва миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлаш ишларига қаратилган бўлиши лозим. Айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат вакиллари ҳам ўз-ўзини англашлари, мустақил Ўзбекистон олға сураётган ва барча миллатларнинг эҳтиёж ва талабларига мос тадбирларни қўллаб-қувватлашлари зарур. Миллат сифатида ўз-ўзимизни англашимиз бошқа миллатлардан ажралиб қолишимизга олиб келмаслиги керак. Балки ўзликимизни англаш бошқа миллатлар билан ҳамкорликимизни мустаҳкамловчи етакчи омил ролини ўйнамоғи лозим.

Ушбу шарт-шароитлар, олдимизда турган вазифалар, мақсадлар глобаллашув шароитида ёшларда огоҳлик ва даҳлдорлик туйғуларини янада мустаҳкамлашни долзарб масалага айлантирмоқда. Бу салоҳият миллий ўз-ўзини англашнинг барча муҳим белгиларини қамраб олади. Миллатларнинг ўз-ўзини англаши қанчалик мустаҳкам бўлса, унинг ўз муаммоларини ҳал қилиш имконияти ҳам кенгайиб боради. Ўз-ўзини англаган миллатнинг миллий бирлиги ҳам мустаҳкам бўлади. Миллий бирлик ўз навбатида миллат абадийлигининг барқарор муҳим шarti ҳисобланади. Шунинг учун мустақиллик шароитида ўзбек халқининг ўз-ўзини англашини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтариладир.

Глобаллашувнинг фақатгина энг асосий жиҳатлари ва йўналишларини ҳам қамраб олиш қийин. Шунинг учун мазкур бўлимда глобаллашув миллий маънавиятга ўтказаетган ва ўтказиши мумкин бўлган таъсир ҳақида фикр юритамиз, холос.

Маънавиятни ҳам бир уйга тўпланган бойликка қиёсласак, ташқаридан кираётган шамол уй ичидаги нарсаларни остин-устин қилиб ташлашини ҳеч бир хонадон соҳиби истамайди. Худди шу каби биз ҳам ёт ғоялар, оқимлар ва мафкуралар маънавиятимизга вайронкор таъсир ўтказишига қарши ҳимоя чоралари кўришимиз табиий. Четдан ўтказиладиган мафкуравий таъсирга қарши ҳимоя чоралари кўришдан аввал қандай таъсирларни маъқуллаш лозиму, қандайларини рад этиш кераклигини аниқлаб олиш лозим. Ҳозирги кунда бирорта ҳам миллий маънавият йўқки, у бошқа халқлар маънавиятидан тўла ихоталанган бўлса. Ҳатто, Австралия чакалакзорлари, Африка саванналари ва Жанубий Америка чангалзорларида турмуш кечираётган қабилалар ҳам қўшни қабилалар ва замонавий тамаддун таъсирини ўзида ҳис қилиб туради. Қолаверса тарихни таҳлил қилиш бошқа халқлар маънавиятидан баҳраманд бўлган халқлар маънавияти юксакликларга кўтариладиган гувоҳлик беради. Марказий Осиё халқлари маданияти ва маънавияти ҳам Шарқ ва Ғарбни туташтирган карвон йўлларида жойлашгани сабабли ҳам Шарқ, ҳам Ғарб маданиятидан баҳраманд бўлган. Муҳими шундаки, халқимиз Ғарб ва Шарқ маънавиятидан баҳраманд бўлиб уларнинг ижобий томонларини ўзлаштирибгина қолмай, уларга ижодий ёндашиб янги чўққиларга кўтаришди. Бу фикрнинг тасдиғини маънавиятнинг таркибий қисмлари бўлган илмий билимлар, диний эътиқод, санъат мисолида ҳам

кўриш мумкин. Фақат Ватанимиз эмас, умумжаҳон маданияти тарихидан мустаҳкам ўрин эгаллаган алломаларимиз ижоди ҳам шу фикрни тасдиқлайди. Масалан, ана шундай аждодларимиздан бири Абу Райҳон Беруний Хитой ва Ҳиндистон, Юнонистон ва Рим фалсафасини, табиий фанларини чуқур ўзлаштирган эди. Ҳиндистонда бўлган пайтида у ҳинд фани ва маданиятини ўрганар экан, қадимги манбаларни ўрганиш учун қадимги ҳинд тили-санскритни билиш лозимлигини англайди. У санскритни ўрганишга киришади ва қисқа фурсатда уни чуқур ўзлаштиради. Энди қадимги ҳинд маданияти ва фанини асл манбалардан ўргана бошлайди. У шунингдек, юнон ва Рим маданияти ва фанини ўрганиш учун юнон ва латин ҳамда қадимги яҳудий тилларини ўзлаштирган эди.

Жаҳон маданияти тарихида чуқур из қолдирган Абу Наср Форобий ҳам ўнлаб тилларни билган ва ўнлаб халқлар маданияти ва маънавиятини чуқур ўрганган. Бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳим жиҳати шундаки, ўша буюк аждодларимиз жаҳон халқлари маънавиятини ўрганибгина қолмай, уларни чуқур таҳлил қилишди, тегишли жойларини ривожлантириб оламшумул кашфиётларни очишди.

Аждодларимиз тарихи жаҳон халқлари маънавиятига ҳурмат билан караш, керакли жойларини ўрганиб, ижодий ривожлантириш орқалигина маънавият чўққисига эришиш мумкинлигидан гувоҳлик беради. Бизга таъсир ўтказаётган ёки таъсир ўтказмоқчи бўлаётган ғояларнинг қай бирини қабул қилиш ва қай бирини рад этиш лозимлигини аниқлаш учун жиддий таҳлил лозим. Ана шундай таҳлилни ўтказиш учун эса баъзан эринчоқлигимиз, баъзан укувсизлигимиз халақит бермоқда. Бунинг оқибатида эса қабул қилиш бўлган ғояларни рад этиш ва рад этиш лозим бўлган ғояларни қабул қилиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Шундай ғоялар борки, улар очик чеҳра билан эшигимизни тақиллатиб, кириб келади. Шундай ғоялар ҳам борки, улар «ўғри» каби туйнук қидиради. Эшик қоқиб келадиган ғоялар миллий маънавиятни бойитишга, ривожлантиришга хизмат қилади. Бу умуминсоний эзгу-ғоялардир. Чунки, миллий маънавиятлар ўзаро таъсир жараёнида ривожланади. Ҳар қандай халқ маънавияти ривожига назар ташланса унинг бошқа халқлар удум ва анъаналарини қанчалик ўзлаштириб ва ривожлантириб борганини кўриш мумкин.

Ўзбек миллий маънавияти ҳам узоқ ва яқиндаги кўшниларнинг илғор анъаналарини ўзлаштириш натижасида бойиб борди. Маънавиятимизнинг ривожланиш тарихини кузатсак, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин. XX аср бошларидаги ўзбек маданияти ва маънавияти ва унинг аср охиридаги ҳолати ўртасида анча жиддий тафовут бор. Бу тафовутни адабиёт, санъат, фан, ҳатто оддий юриш-туриш ва кийим-кечак, турмуш соҳаларида ҳам кузатиш мумкин.

XX аср бошида ўзбек адабиётида драматургия жанри хали шаклланмаган эди. Демак миллий театр санъати тўғрисида сўз ҳам юритиш мумкин эмас эди. Мунаввар қори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Бехбудий, Фитрат сингари маърифатпарварларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли драматургия шакллана бошлади ва кейинроқ театр санъати вужудга келди.

Ўша пайтларда театр санъатини ўзбек миллати учун ёт, бегона ғоя деб эълон қилганлар оз эмас эди. Драматургия ва театрни рад қилиш фақат даҳанаки танқид билан чегараланмаган. Санъатнинг бу турларини Ўзбекистонга олиб киришга ҳаракат қилаётган инсонларни мазах қилиш, масхаралаш, ҳатто сазойи қилиш ўзларини миллий маънавият ҳимоячилари, деювчилар томонидан амалга оширилган эди. Ҳамма нарса учун олий ҳакам ҳисобланадиган вақт эса, театр санъати миллий руҳиятимиз ва маънавиятимизга ёт, деювчиларнинг ўзлари миллий маънавият ривожига ғов бўлганини кўрсатди. Ҳозирги кунда ҳар миллион кишига ҳисоблаганда театрлар сони бўйича Ўзбекистон дунёдаги энг илғор ўринлардан бирини эгаллайди ва театр миллий маънавиятимизнинг узвий қисмига айланган.

Миллий кийимлар ҳам миллий кадриятлардан бири ҳисобланади. XX аср давомида ана шу кадриятимизнинг ҳам тадрижини кузатсак, ғаройиб ҳодисаларнинг гувоҳи бўламиз. Ўтган аср бошларида маҳаллий эркакларнинг қишки кийими телпак ёки этикдан иборат эди. Ёзги кийим эса дўппи, кўйлак ёки яктак, оқ лозим ва шиппак ёки кафшдан иборат эди.

Спорт соҳасидаги атамаларни глобаллашув жараёнига ҳам тадбиқ қиладиган бўлсак, вайронкор ғоялардан ҳимояланишнинг энг самарали йўли уларга қарши ҳужумга ўтишдир. Яъни, биз ёт ғоялардан ҳимояланиш билангина шуғулланмай, ўз ғояларимиз, анъаналаримиз, турмуш тарзимизни дунёга ёйиш учун ҳаракат ҳам қилишимиз зарур.

Тарихимиз илм-фан, дин, санъат соҳасида юртимизда етишиб чиққан алломалар бутун дунёга донг таратганидан, демакки бутун дунё маънавиятига катта таъсир ўтказганидан гувоҳлик беради. Абу Наср Форобий жаҳон фалсафаси ривожига сезиларди хисса қўшган бўлса, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Замахшарий, Хоразмий, Мирзо Улуғбек сингари алломаларимиз жаҳон фанини янги поғоналарга кўтаришди. Исмоил Бухорий, ат Термизий, Мотуридий, Абдуҳолиқ Гиждувоний, Баҳовуддий Нақшбандий, Аҳмад Яссавийлар эса, Ҳадис, калом, фикҳ илмлари ва тасаввуфда порлоқ юлдузлар ҳисобланишади. Амир Темур ва Мирзо Бобурнинг ҳарбий санъати нақадар юксаклигини бутун жаҳон эътироф этади.

Шўролар даврида миллий кадриятларимизни дунёга ёйиш уёқда турсин ўз юртимизда кадрлаш учун ҳам йўл берилмади, кўпчилик кадриятларимиз эса топталди. Мустақилликка эришганимиздан кейин ўша топталган кадриятларимизни тиклаш имконига эга бўлдик. Бундан ташқари миллий кадриятларимизни тарғиб қилиш имконига ҳам эга бўлдик. Ўзбек миллий курашини дунёга ёйиш бўйича қилинган ишлар, дунёнинг кўпчилик мамлакатларида ўзбек кураши федератсияларининг тузилиши бунинг яққол мисоли. Дунё бугун Ўзбекистонни миллий-маданий мероси, бой тарихи, тили, маданияти, урф-одат ва анъаналарининг умуминсоний ғоялар билан мужассамлиги, санъат ва архитектура, фан ва маданият соҳасида эришаётган ютуқлари орқали ҳам кашф этмоқда. Демак, биз глобаллашув жараёнида пассив қабул қилуви томонгина бўлмай, фаол тарғиб қилувчиларга ҳам айланишимиз мумкин.

4.3. Ўзбекистонда глобаллашув жараёнининг оқибатларини бартараф этишда миллий ғоянинг роли.

Мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, мавжуд муаммоларни холисона таҳлил қилиш, тегишли хулоса ҳамда сабоқлар чиқариш - миллий ғоя ва мафқуранинг зарурлиги ва аҳамиятининг тобора ортиб боришини кўрсатмоқда. Мамлакатимиз Биринчи Президенти И.А.Каримов миллий мафқурани шакллантириш зарурати ҳақида мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ фикр юритиши тасодифий ҳол эмас эди. Негаки, «Миллий мустақил давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан хукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар». Ўзбекистонинг ҳозирги даври, бундан кейинги тараққиёти ва истиқболи ҳамда мустақиллигининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий-маънавий заминларини яратиш ва мустаҳкамлаш учун мафқура сув ва ҳаводек зарур. Буни ҳаётнинг ўзи очиқ-равшан кўрсатиб турибди.

Ҳаётини кузатишлар, баъзан зиёлиларимиз ўртасида ҳам бизга миллий ғоя, миллий мафқура нима учун, ким учун керак, унинг маъно-моҳияти нимадан иборат, деган муҳим масалага яна бир бор ойдинлик киритиш зарурати мавжуд. Бунда, яъни миллий ғояда Ўзбекистон халқининг мамлакатимиз ривожига белгилаб олган асосий мақсад ва муддаоларининг ифодаси мужассамлашган.

Биринчидан, ўзининг келажагини кўрмоқчи ва қурмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ёхуд жамият, албатта ўз миллий ғоя ва мафқурасига суяниши ва таяниши зарурлиги билан боғлиқ.

Республикаимиз Биринчи Президент И.А.Каримов таъбири билан айтганда, «давлат тизими, уни бошқариш ва олиб борилаётган сиёсат аввало аниқ ва равшан ифодаланган мафқура асосига қурилмоғи лозим. Яъни, олдин давлат қурилиши ва ундан кейин мафқура пайдо бўлиши ўзи ғайритабиий ҳол. Буни яхши англаб олишимиз лозим. Яъни, олдин ғоя пайдо бўлади, ундан кейин ғоя асосида мафқура, мафқура асосида эса тизим, сиёсат пайдо бўлади». Демак, ўз миллий ғоясига таянмаган жамият инқирозга дучор бўлиши, ўз йўлини йўқотиб қўйиши муқаррар.

Иккинчидан, миллий ғоя Ўзбекистон халқининг асосий мақсад ва муддаоларининг ифодаси сифатида шунинг учун ҳам зарурки, одамлар онгини, тафаккурини ўзгартирмасдан туриб, кўзланган олий мақсад – озод ва обод жамиятни, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этиб бўлмайди. Бунинг учун эса, одамлар муайян ғояга ишониши ва таяниши зарур. Бу жараён ўз-ўзидан ҳаракатга келмайди, албатта. Негаки, кенг халқ оммасини бирон бир ғоянинг илғор ва инсонпарвар эканига ишонтирмоқ учун, аввало, мазкур ғоянинг тўғри, ҳаётини ва илғор эканлигига ишонтириш зарур. Ишонтирмоқ учун унинг илмий ва ҳаётини олиб бериш алоҳида эътибор қаратиш билан бирга миллий ғоянинг ўзи мамлакатимиз халқининг асосий мақсад ва муддаолари ҳамда манфаатларини ифодалаш керак.

Учинчидан, миллий ғоянинг зарурлиги миллатнинг ўзлигини тўла англаш жараёни билан боғлиқ. Негаки, миллат ўзлигини тўла англамас экан, бирон-бир буюк ўзгаришлар қилиб бўлмайди. Миллий ўз-ўзини англаш у ёки бу миллатни ўзга миллатлардан ажралиб кетишига эмас, балки ўзлигини англаган миллатларнинг маърифатлашган ҳамкорликларининг мустаҳкамланиб боришига хизмат қилади. Ана шундай ўта мураккаб вазиятда миллий ўзликни англашда миллий ғояга асосий таянч куч, илмий-назарий ва амалий дастур сифатида ҳар бир инсоннинг руҳи, кайфияти, хиссий кечинмаларига кириб бориш орқали унинг қалби ҳамда онгига таъсир кўрсатади. Бу миллий ғоянинг халқ ҳаётига яқин, унга бевосита дахлдор эканлигини таъкидлаш лозимдир.

Тўртинчидан, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда миллий ғоянинг зарурлиги яна бир муҳим ҳолат билан яъни бугун бизнинг тарихий ўзгаришлар даврида тоталитар тузумдан эркин демократик бозор муносабатларига асосланган демократик тузумга ўтиш шароитида яшаётганлигимиздан келиб чиқмоқда. Бу даврнинг ўзига хос хусусиятларини чуқур таҳлил қилган мамлакатимиз Республикамиз Биринчи Президент И.А.Каримов шундай хулосага келади: «Бу ўтиш даври ўзига хос, жуда катта ғов ва тўсиқларга дуч келиши, каттиқ курашлар орқали кечиши барчамиз учун аён бўлмоғи даркор. Халқимиз ва жамиятимизни мана шу даврда янги уфқлар сари бошлаш, даъват қилишда мақсадларимиз аниқ бўлиши керак. Бундай мақсадларга эса аввало чуқур ўйланган ва пухта ишланган мафкура асосида етишиш мумкин». Демак, миллий ғоя мустақилликни мустаҳкамлаш ғоясининг ўзаги бўлган - танлаган тараққиёт йўлимизнинг тўғри адолатли ва ҳаққоний эканлигига, у мана шу заминда истиқомат қиладиган ҳар бир инсоннинг ҳаётий манфаатларига мос тушишига кенг оммани ишонтириш орқали уларни бунёдкорлик ишларига сафарбар этиш учун хизмат қилади

Биз эртанги кунга-келажакка томон кўзни юмиб, тахминларга асоаланиб, таваккалчасига иш тутиб бора олмаймиз. Кишилар ҳозирданок биз қайси йўлдан борамиз, ижтимоий- иқтисодий, сиёсий муносабатларнинг қандай шаклини яратамиз, ўз тарихий тажрибамизнинг, жаҳон тараққиёти сабоқларининг қайси жиҳатларидан фойдаланамиз, келажакда Ўзбекистонни қандай қилиб буюк давлатга айлантирамиз, мустақиллик муаммоларни ҳал этиш учун нималарга эътиборимизни қаратишимиз керак, деган ўнлаб, юзлаб саволларга жавоб топмоқлари зарур. Агар халқимизни, миллатимизни қизиқтириб келётган барча саволларга ҳозирданок аниқ, илмий асосланган жавоблар, муҳим йўл-йўриқлар бўлмаса, одамлар бунга қатъий ишонтирилмаса, амалий фаолиятимизда хато кетидан хатоликларга йўл кўяверамиз. Бу кутилмаган оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Ана шундай кўнгилсиз ҳодисалар рўй бермаслиги учун халқ оммасини умумий мақсад сари яқдиллик билан ҳақракатга даъват этадиган янги мафкура яратилмоғи керак.

Мафкура аҳамияти яна шундан иборатки, у жамиятимизнинг ривожланиши, олға томон ҳаракат қилишини осонлаштиради, миллатни, барча фуқароларни умумий мақсад йўлида бирлаштиради.

Миллий мафкура бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ҳис-туйғусини, миллий ғурур ва ифтихорини, куч-қудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган буюк ғоявий кучдир.

Миллий ғоя ва мафкуранинг зарурлиги энг аввало, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун зарурдир. Унинг зарурати қуйидаги мақсадларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

- олдимизга қўйган олижаноб мақсад-муддаоларимизга, яъни озода ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш;

- эски мафкуравий асоратлардан батамом халос бўлиш;

- ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик;

- узоқ даврлар мобайнида одамлар онгида ҳукмрон бўлган бегона ва ёт ғояларнинг янада қайтадан тикланишига йўл қўймаслик;

- халқимиз табиатига зид бўлган ўзга ғоялардан, айниқса ёш авлодни ҳимоя қилиш;

- ҳар қандай тажовузкор ғояларга қарши тура оладиган, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш заруратининг мустақилликни мустаҳкамлашдаги ўрнини англаш орқали ҳаракат дастурига эга бўлиш;

- мустақил давлатимизнинг ҳар бир фуқаросида Ватан тақдири учун маъсуллик туйғуси бўлиши учун ҳам зарур.

Мустақилликнинг тақдири, Ўзбекистоннинг келажаги, биринчи навбатда ва асосан, одамларга, уларнинг амалий фаолиятига, ахлоқий баркамоллигига, ғоявий-сиёсий етуклик даражасига, миллий ўзлигини қанчалик чуқур ва мукамал англаб олишларига бевосита боғлиқ. Мафкурасиз оммани жамият тараққиётини, мустақиллик билан боғлиқ бўлган улкан вазифаларни бажаришга сафарбар этиш мумкин эмас. Инсоннинг фаолияти унинг илғор мафкурага қатъий амал ва эътиқод қилишига боғлиқ.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов жамият мафкурасини қандай тушунасиз, деган саволга қуйидагича жавоб берди: «Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айтилиши мумкин шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишига қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан».

Президентимиз таъкидлаганидек, миллий ғоя, миллий мафкура қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: 1) миллий ўзлгимизни, анъаналаримизни, халқимизнинг орзу-умидларини, жамиятимиз олдида турган мақсад ва вазифаларини қамраб олиши керак; 2) жамиятимизда истиқомат қилувчи барча кишиларнинг ягона миллий байроқ атрофида бирлаштириб, уларни буюк мақсадлар сари чорлайдиган ғоя бўлиши керак; 3) миллатчилик, бошқа халқларни менсимаслик кайфиятидан ҳоли бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб ўрин, ҳурмат ва иззат қозонишида пойдевор ва раҳнамо бўлиши даркор; 4) кишиларни, авваломбор ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялашга мададкор бўлиши зарур; 5) Ватанимизнинг ўтмиши, бугунги кун ва келажагини боғлайдиган жаҳон ҳамжамиятига, умумбашарий ютуқларга

элтувчи ғоя бўлиши керак.

Назорат саволлар:

1. Жамият ҳаётининг барча жабҳаларидаги муносабатларининг глобаллашуви реал мисоллар асосида тушунтириб беринг?
2. Жамият маънавий ахлоқий муносабатларининг глобаллашуви ва ғоявий мафкуравий таҳлилининг аҳамияти?
3. Ўзбекистонда глобал жараёнларнинг оқибати?
4. Глобал муаммоларни бартараф этишда миллий ғоянинг ўрни ва аҳамиятини асосланг?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аббосхўжаев О., Умарова Н., Қўчқоров Р. Мафкура полигонларидаги олишувлар. -Т.: Akademiya, 2007.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. - Т.: Молия, 2003.
3. Жўраев Т. Миллий давлатчилик ва хавфсизлик. Т.: “Академия”, 2007.
4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар) - Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008.
5. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. - Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт - матбаа ижодий уйи, 2009.
6. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. - Т.: Akademiya, 2007.
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Т.: Ўзбекистон, 2000.
8. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. 2-нашр -Т.: “Ўзбекистон”, 2015.
9. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. - Т.: “Мухаррир” 2009.
10. Очилдиев А.С. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси: - Т.: Ижод дунёси нашриёт уйи, 2002.
11. Панарин И.Н. Информационная война и геополитика. - М.: Поколение, 2006.
12. Тўраев Ш. Маънавий таҳдидлар: фалсафий таҳлил. - Т.: “Мухаррир”, 2010.
13. Тўраев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. - Т.: Маънавият, 2008.
14. Қуронов М. Мафкуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси. -Т.: “Академия” 2008.
15. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. - Т. “Тошкент” Ўзбекистон нашриёти - 2017.

5-МАВЗУ: ГЛОБАЛ МУАММОЛАРНИНГ ЕЧИМИДА ҒОЯВИЙ – МАҒКУРАВИЙ МУРОСА ВА БАҒРИКЕНГЛИК (ТОЛЕРАНТЛИК)НИНГ АҲАМИЯТИ.

РЕЖА:

5.1. Глобал муаммоларнинг ечимида ғоявий – мағкуравий муроса ва бағрикенглик(толерантлик)нинг аҳамияти.

5.2. Ҳозирги замонда ғоявий-мағкуравий жараёнлар ва уларнинг асосий йўналишлари.

Таянч иборалар: Глобаллашув, муроса, толерантлик, мағкуравий жараёнлар, глобал жараёнларнинг асосий йўналишлари.

5.1. Глобал муаммоларнинг ечимида ғоявий – мағкуравий муроса ва бағрикенглик(толерантлик)нинг аҳамияти.

Ғоявий-мағкуравий муроса тушунчасининг мазмунини ва шарт-шароитларини тушуниб олиш учун мағкуравий ранг барангликнинг ўзига хослигидан келиб чиқиш керак. Муайян синф, ижтимоий қатлам ёки гуруҳнинг объектив иқтисодий манфаатларининг ғоявий-мағкуравий ифодаси ҳар хил бўлиши мумкин. Қисман фарқ қилувчи бундай мағкураларнинг ҳал қилувчи томонлари умумий бўлади. Улар бир-бирларини тўлдириши, бойитиши мумкин. Иккинчидан, ғоявий-мағкуравий қарашларнинг айрим шакллари асосий мақсад ва вазифалари бошқа-бошқа бўлганлигидан улар ўзаро тўқнашмасликлари мумкин. Масалан, диний мағкура дунёвийликка йўналган синфий, гуруҳий мағкураларга моҳиятан зид эмас. Маълум шароитда ўзаро ҳамкорликда ривожланишлари мумкин. Учинчидан, ғоявий-мағкуравий қарашлар объектив иқтисодий манфаатлардан фарқ қилиб, ижодкорнинг шахсий, индивидуал хусусиятлари билан ҳам боғлиқдир, ғоявий-мағкуравий қарашлар бошқа омиллар таъсирида ўзига хос хусусиятлар касб этиши мумкин. Булардан ғоявий-мағкуравий муросанинг ҳам ўзига хослиги келиб чиқади.

Ғоявий-мағкуравий жиҳатдан муросага келиш турли йўналишларда амалга ошиши мумкин. Ғоявий-мағкуравий қарашларнинг назарий жиҳатдан ривожланганлик ва мантиқий асосланганлик даражаси, муайян манфаатларни тўлароқ ва чуқурроқ ифода қилиши уларда муроса имкониятларини ҳам кенгайтириши мумкин. Келажакда жуда кўп имкониятларга эга бўлиб, ғояларнинг такомиллашуви бу имкониятлардан энг реал ва оқилона йўналишларини танлаб олишга ёрдам беради. Турли манфаатларни ўзаро яқинлаштирадиган йўллар турли мағкураларнинг ҳам яқинлашувини таъминлайди. Бундай шароитда муросага келиш ҳамкорлик, биргаликда фаолият, ҳатто бирлашиб кетиш имкониятларига йўл очади.

Ғоявий-мағкуравий муросанинг иккинчи шакли шундайки, бунда

қарашлар мазмунан турли йўналишларга эга бўлиб, асосий дунёқараш масалаларида қарама-қарши туради. Уларнинг мақсадлари, вазифалари бошқа-бошқа. Унда туб масалаларда ҳеч қандай мурося бўлмайди. Аммо ўз мақсадларига эришув воситаларида муросяга имкон берувчи томонлар бўлади. Масалан, диний ғоялар дунёвий ҳаётни вақтинча, абадий дунёга ўтишининг воситаси деб билса-да, ҳалол, меҳнатсевар, инсонпарвар, халқпарвар бўлишни, кишилар ҳаётини яхшилаш йўлларини маъқуллайди. Ана шу кесишган нуқталарда нафақат мурося бағрикенгликни, балки ҳамкорликни англатади. Диний таълимот, диний фалсафа ахлоқий муносабатлар, инсоний фазилатлар ҳақидаги қарашларда умуминсоний ғояларни илгари суради.

Муросанинг учинчи йўналиши ўзаро муҳолифатдаги ғоявий-мафкуравий қарашлар ўртасидадир. Уларда умумий мақсад бир. Аммо уни амалга ошириш воситаларида катта тафовутлар мавжуд. Бунда умумий мақсадни, келажакни назарий таҳлил қилиш доирасидагина ғоявий-мафкуравий мурося бўлиши мумкин. Бошқа масалаларда эса ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш, чидаш шаклидаги мурося амалга ошади.

Мустақил Ўзбекистонда турли ғоявий-мафкуравий қарашлар шаклланаётган ҳозирги шароитда миллий мафкура бирлаштирувчи рол ўйнашини юқорида айтиб ўтган эдик. Миллий мафкуранинг асосий ғоялари (Ватан равнақи, ҳамжихатлик, комил инсон, тинчлик ва бағрикенглик) уларни амалга ошириш тамойиллари Конституциямизда мустаҳкамланган бўлиб, ҳеч бир бунёдкор мафкура манфаатларига зид бўлиши мумкин эмас.

Демак, хилма-хил ғоявий-мафкуравий қарашлар миллий мафкура атрофидагина муросяга келади. Бироқ миллий мафкура турли ғоявий-мафкуравий қарашларнинг такомиллашувига, ривожланишига асло тўсқинлик қилмайди, аксинча қарашлар хилма-хиллигини тақозо қилади. Турли мафкуравий қарашлар етарли ривожланмаган ҳозирги шароитда хусусий мафкуралар тараққиётига туртки беради. Хусусий мафкуралар шаклланиб, такомиллаша боргани сари ўзига хослик, ранг-баранглик касб эта бошлайди, миллий мафкурани амалга оширишининг ўзига хос шакли сифатида конкретлашади ва бошқа хусусий мафкуралар билан курашга киришади. Бу ғоявий-мафкуравий кураш ўз навбатида миллий мафкурани турли томонлама ёритиб, мазмунан бойитади.

Шуни айтиш керакки, ғоявий-мафкуравий мурося ижтимоий ва сиёсий муросядан фарқ қилиб, қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Сиёсий амалий фаолиятда муросяга келиш ғоявий-мафкуравий келишув асосида ёки мафкуравий мурося бўлмасдан, маълум вазиятларда вақтинча сиёсий муросяга келиш мумкин. Чунки муҳолифатдаги кучлар ҳам Конституцияга бўйсунушга, қонунларга амал қилишга, ҳокимиятдаги кучларнинг сиёсатини, ҳатти-ҳаракатларини қабул қилишга ва қарши амалий фаолият кўрсатмаслик учун мурося қилади. Сиёсий фаолиятда вазиятни ҳисобга олиб, чекиниш, мақсадларининг айримларидан вақтинча воз кечиш, рақиб қарашларини, қадамларини қабул қилиш, сиёсий фаолиятни тўхтатиб туриш каби мурося имкониятлари бор. Аммо ғоявий-мафкуравий курашларда чекиниш,

манёврлар қилиш ва юқорида таъкидланган мураса шакллари йўқ. Ғоявий курашни тўхтатиб ҳам бўлмайди.

Ғоявий-мафкуравий қарашлар сиёсий фаолиятга нисбатан бирламчи бўлиб, унинг асосида ётади. Шунингдек, у реал, объектив ижтимоий-иқтисодий манфаатларнинг ҳам айнан маънавий нусхаси эмас. Биринчидан, ғоя объектив манфаатларни қай даражада англаш билан боғлиқ. Иккинчидан, ғоя бирмунча олдинда юриб, келажакда яратиладиган ижтимоий мавқени ифодалаши мумкин. У ижодийлиги билан фарқ қилади.

Булардан маълум бўладики, ғоявий-мафкуравий қарашларда мурасага келишнинг ўзига хос механизмлари бор. Ўзаро қарама-қарши ғоявий-мафкуравий қарашларга чидам ва ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ижодий, холисона мунозара қилиш, амалий (ижтимоий, сиёсий) кураш даражасига ўтишга йўл қўймаслик чораларини кўриш ғоявий-мафкуравий мураса шакллари сифатида майдонга чиқади.

Миллий манфаат муайян давлат бўлиб уюшган фуқароларнинг миллатидан, динидан, қайси ижтимоий қатламга мансублигидан ва бошқа белгиларидан қатъи назар барчаси учун фойдали бўлган, ижтимоий мавқеларини сақлашга ва мустаҳкамлашга ёрдам берадиган фаолият мақсадини англашга йўналган эҳтиёж ва муносабатлардир. Жамиятнинг табиати шундайки, унда бирор бирликни ташкил қилган ҳар қандай жамоа шу бирлик учун умумий бўлган иштилишларсиз, эҳтиёжларсиз мавжуд бўла олмайди. Ягона миллий манфаатлар бўлмаса барқарор мустақил давлат ҳам бўлиши мумкин эмас, давлат зарурати миллий манфаатлардан келиб чиқади.

Миллий манфаат ягона тақдир. Умумий истиқбол имкониятларидан келиб чиқиб жамиятдаги барча фуқароларнинг манфаатларини, интилишларини уйғунлаштиради. Умумий фаолият мақсадини ва йўлларини белгилайди. У мавжуд ижтимоий гуруҳлар манфаатларини амалга оширишнинг объектив шароити сифатида ҳам майдонга чиқади. У турли хусусий манфаатларнинг оддий йиғиндиси бўлмай, мазмунан улардан фарқ қилади. Миллий манфаатлар ифодалайдиган мазмун умумийлиги туфайли янги сифат касб этади. Шунингдек, у давлат манфаатлари билан ҳам ҳар доимо айнан бир бўлмаслиги мумкин. Чунки хусусий манфаатлар каби давлат манфаатлари ҳам ўзининг конкретлиги, нисбатан у ёки бу гуруҳнинг манфаатларига кўпроқ мос келиши билан ажралиб туриши мумкин. Миллий манфаатлар эса барча фуқаролар ва уларнинг бирликлари учун доимо бир хилдир. Аммо бундай миллий манфаатлар ўзгармасдир, деган хулоса келиб чиқмайди. У ижтимоий тараққиётнинг ички ва ташқи имкониятларидан келиб чиқиб амалга оширишнинг муҳим йўналишларини белгилайди. Бу имкониятлардаги

Бугунги кунда халқаро терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши кураш дунё мамлакатларини бирлаштирадиган асосий омил бўлиб қолмоқда. XXI аср вабоси бўлган ушбу иллатга қарши жаҳон ҳамжамиятининг мурасасиз курашини Ўзбекистон тўла қўллаб-қувватлайди. Ислом Каримов.
(“Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириши ва янгилаши, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишидир” асаридан).

Ўзгаришлар миллий манфаатларнинг намоён бўлишига таъсир кўрсатади.

Миллий манфаатлар ҳам ижтимоий ҳаёт каби мураккаб тузилишга эга. Иқтисодий, маънавий, ижтимоий, сиёсий манфаатларни миллий манфаатларнинг асосий таркибий қисмлари сифатида олиб карасак, улар ўртасида чамбарчас боғлиқлик ва ўзига хос муносабатни кўришимиз мумкин. Миллий иқтисодий манфаатлар бошқа манфаатлар учун асос бўлса-да, ўз навбатида уларнинг фаол таъсиридан холи бўлолмайди. У ёки бу миллий манфаатни амалга оширишдаги ютуқлар бошқа миллий манфаатларни, уларнинг муаммолари ва вазифаларини англашга, ҳаётга жорий қилишга йўл очади. Миллий манфаатларнинг у ёки бу таркибий қисми маълум ижтимоий-сиёсий муносабатлар шароитида долзарб аҳамиятга эга бўлиши, бошқаларини амалга оширишнинг шарти бўлиб қолиши мумкин.

Миллий манфаатлар таркибини унинг мазмунига кўра аниқлайдиган бўлсак, унда умуминсоний, ижтимоий-синфий қадриятларнинг ва индивидлар шахсий манфаатларининг органик бирлигини кўраимиз. Умуминсоний манфаатлар жамият объектив тараққиёти қонуниятларига асосланишни ифодаласа, бошқалари шу манфаатларнинг конкрет ижтимоий-тарихий шароитда ўзига хос ҳолда намоён бўлишини кўрсатади. Умуминсоний манфаатлар индивид ва гуруҳларнинг туб манфаатларини амалга ошириш орқали қарор топиши мумкин. Бу таркибий қисмларнинг органик бирлиги бузилса, оқибатда вужудга келган конфликтлар жамият ҳаётида салбий характер касб этади.

Миллий муносабатлар таркибий қисмларининг органик бирлиги унинг барча ижтимоий қатламлар, синфлар, гуруҳлар ва индивидлар учун умумийлигини кўрсатади, аммо улар манфаатларининг ўзига хос томонлари инкор этилмайди. Миллий манфаатларни тўғри англаб олиш ижтимоий субъектнинг иқтисодий, мафкуравий, сиёсий манфаатларини шакллантиради. Миллий манфаатларнинг ўзи ҳам умуминсоний манфаатлар доирасида мамлакат миқёсида ўзига хослик анлангандагина шаклланиши мумкин. Бундай ҳолда ижтимоий, ғоявий-мафкуравий, сиёсий хилма-хиллик, кураш, конфликтлар мавжуд бўлади, уларнинг ривож ва ҳал қилиниши муайян жамият тарққиётининг ўзига хос йўллари, тенденцияларини белгилайди.

Озод ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти қуришга киришган Ўзбекистон ўзининг барча соҳалардаги манфаатларини аниқ белгилаб олиш имкониятига эга бўлди. Мамлакатимиз халқлари миллий манфаатларининг асосида унинг эзгу мақсади – ривожланган эркин жамият қуриш ётади. Бунинг учун аввало халқимизнинг қадриятларига, тарихий меросига таяниб замонавий тамаддун ютуқларини эгаллаб олиш, жаҳон ҳамжамияти сафига муносиб ҳолда қўшилиш керак эди. Шу мақсадда ички ва ташқи муносабатларда, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ўз миллий манфаатларимизни тўғри белгилаш, англаб олиш мамлакатимиз тақдирини, мустақиллигимиз тақдирини ҳал қилувчи омил бўлди. Ўзбекистон Конституциясида, Республика Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг асарларида, нутқ ва докладларида миллий манфаатимизнинг умумий тамойиллари, йўналишлари тўғри белгилаб берилди.

Бизнинг миллий хусусиятларимиз умуминсоний қадриятлар билан боғланиб кетган. Асрлар давомида халқимиз умумбашарий, умуминсоний қадриятлар такомлига улкан ҳисса қўшган. Турли миллат вакилларига ҳурмат, улар билан баҳамжиҳат яшаш, диний бағрикенглик, дунёвий билимларга интилиш, ўзга халқларнинг илғор тажрибалари ва маданиятини ўрганиш каби хусусиятлар ҳам халқимизда азалдан мужассам. Ислоҳ Каримов. (“Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир” асаридан).

Миллий манфаатларнинг шаклланиши миллий мафқурада ўзининг ғоявий ифодасини топади. Миллий мафқурамизнинг мазмунини ташкил қилувчи унинг асосий ғояларнинг барча синфий, ижтимоий катламлар, диний, миллий ва бошқа гуруҳлар учун бирдай тегишлилиги миллий манфаатлар бирлигининг ифодасидир. Бу ғоялар мамлакатимиз барча фуқароларининг манфаатларига мос келади. Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги,

инсоннинг маънавий юксалиши, миллий тотувлик, диний бағрикенглик ғоялари барча фуқароларнинг шахсий ҳаётларида кўзлаган эзгу мақсадларига эришиш учун шароит яратади, объектив тараққиёт қонунларига мос умумий йўлимизни белгилаб беради. Янги ҳаёт қураётган ҳар қандай жамият олдида турли имкониятлар, ҳар хил тараққиёт йўллари очилади. Улардан халқимиз ҳолатига, истиқболга энг мосини, маъқулини танлаб олиш, миллий манфаатларимизни ана шу тамойил асосида аниқлаш катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Бунда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг назарий, сиёсий фаолияти муҳим бўлди. Юртбошимиз миллий манфаатлар бирлигини тўғри англаб олиш, ўз фаолиятида ундан келиб чиқиш, барча субъектлар учун уларнинг хусусий манфаатларининг ўзига ҳослигидан қатъи назар, мураса зарурлигини, бунга эришишнинг йўлларини кўрсатиб берди.

Ғоя ва мафқура жамият тараққиёти тарихида йўналтирувчи куч сифатида барча ижтимоий жараёнлар билан боғлиқ бўлиб келган. Ғоявий-мафқуравий мурасасизлик халқлар, мамлакатлар, миллатлар, давлатлар учун турли ноҳуш жараёнларнинг, ҳатто уруш ва босқинчиликнинг асосини яратган. Тарихдан хулоса чиқариб, ҳар қандай ижтимоий жараён ғоявий-мафқуравий жараёнлардан бошланади, дейиш мумкин. Айниқса ҳозирги даврда, алоқа ва ахборот воситалари беқиёс кучайган ва тарқалган бир шароитда уларнинг инқилобий аҳамияти билан бирга мамлакатларнинг мустақил тараққиётига таҳдиди ҳам кучайди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек, «бугунги кунда турли эски ва янги мафқураларнинг ўзаро кураши ҳар қачонгидан ҳам кўра шиддатли тус олмоқда. Ранг-баранг, баъзан бир-бирига зид дунёқарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталар ўртасидаги фикр талашувлари гоҳо баҳс-мунозара доирасидан чиқиб, қонли тўқнашувлар, оммавий қирғинларга сабаб бўлмоқда. Одамлар бошига беҳисоб қайғу-кулфатлар солмоқда».⁶⁴

⁶⁴ Каримов И.А. Жамият мафқураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. Биз

Миллий хавфсизлик муайян давлатнинг ўз имконияти, интилишига яраша объектив тараққиёти шароитини таъминлаш жараёни бўлиб, ички ва ташқи таҳдидлардан холиликдир. Ички ва ташқи таҳдидлар ўзаро боғлиқ, кўпинча ягона бутунликни ташкил этади. Ички таҳдид мамлакат ичида ғоявий-мафкуравий, ижтимоий мурасасизликнинг кескинлашишидан, миллий мафкуранинг кишилар онгига, қалбига етарли сингдирилмаганлигидан келиб чиқади, ташқаридан таҳдид солувчи жараёнларнинг кириб келишига имконият яратади, улардан мадад олишга уринади. Миллий хавфсизликка таҳдид солмайдиган даражани таъминловчи мураса амалга ошган жамиятгина барқарор бўлиши, ташқи кучларнинг тажовузкор интилишларига йўл бермаслиги мумкин.

Мустақил Ўзбекистон халқи дастлабки синов йилларидаёқ миллий хавфсизлигимизга нисбатан бўладиган ички ва ташқи таҳдидларга қарши тура олди. Мафкуравий бағрикенгликнинг ижтимоий-сиёсий, қонуний-хуқуқий асослари яратилганлиги бунинг асоси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас».

Маълумки, ҳар қандай ҳодиса сингари ғоявий-мафкуравий жараёнлар ҳам хилма-хиллик, ўзаро таъсир, кураш жараёнида ривожланади, такомиллашади. Ранг-баранг ғоя ва мафкуралар турли манфаатларнинг ифодаси сифатида субъектив борликни туғри ифодалайди, уларнинг биттасини ягона тўғри, илмий деб, бошқаларини

Бинобарин, маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавф-сизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир-оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин. Ислом Каримов. (“Юксак маънавият – энгилмас куч” асаридан).

инкор қилиш мумкин эмас. Улар ўртасидаги ўзаро кураш умумий мақсадга асослансагина миллий хавфсизликка таҳдид солмаслиги, аксинча тараққиётга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Хилма-хил мафкураларнинг умумий мақсадларини, йўлларини, тамойилларини аниқлаб берувчи миллий мафкура, уни муваффақиятли амалга оширишга имкон берадиган ижтимоий-сиёсий, қонуний асослар зарур. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддаси турли ғоя ва мафкураларнинг эркин ривожланишига йўл очса, бошқа бир қанча моддалар миллий хавфсизликни таъминлашга имкон берувчи, мураса қилиш шарт бўлган тамойилларни белгилаб беради. Конституциямизнинг 56-моддасига кўра қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган уюшмаларгина жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади. 58-моддада жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, уларга ижтимоий

хаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб берилиши кафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазкур моддалари фикрларнинг эркин ривожланишига, хилма-хил ғоя ва мафкураларнинг турли синфлар, қатламларнинг субъектив борлиқларини холисона ифодалашлари учун қонуний-ҳуқуқий асос яратиб берди. Турли мафкуралар ўртасидаги кураш табиий бўлиб, қайси ғоя асосли, манфаатли, тараққиётнинг энг маъқул йўлини кўрсата олсагина ғолиб бўлишини қонуний асосга қўйди. «Бугунги кунда ғояни, фикрни таъқиқ билан, маъмурий чоралар билан енгиб бўлмайди, - дейди Биринчи Президентимиз И.Каримов. -Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин».⁶⁵ Ислом Каримовнинг бу мулоҳазаси ҳар қандай ғоявий-мафкуравий қарашларнинг ўзаро муносабатларида асосий тамойилни ифодалаб берган. Зотан фикр ўзининг тўғрилигига ишонтира олмаса, умумий манфаат сари энг оқилона йўл сифатида қабул қилинмаса, бу сифатларни намоён қилган қарашларга йўл бўшатиб бериши керак. Бу ҳар доимо ҳам олдинги ғоянинг бутунлай инкор қилинганини билдирмайди. У ўз йўлида ривожланишда давом этиши, ўзгариши, ривожланиши ва бошқа умумий қарашларни айрим томондан такомиллаштириши, тўлдириши, бойитиши мумкин. Бу муросанинг ўзига хос шакли бўлиб, миллий хавфсизликни мустаҳкамлашнинг муҳим мафкуравий омилидир. Бундай мафкуравий муроса миллий хавфсизликки ички таҳдидларга ўрин қолдирмайди. Ташқи мафкуравий тажовузларга биргаликда курашишни таъминлайди.

Миллий-мафкуравий хавфсизлик ғоявий-мафкуравий муроса ва муросасизликнинг чегарасидир. Ана шу чегара доирасида ғоявий-мафкуравий кураш, рақобат эркин давом этади. Миллий хавфсизликка қарши таҳдидларга эса турли қарашлар биргаликда қарши туради. Муроса ва

Халқимизнинг яна бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмасликка даъват этмоқчиман: Эл-юртимизнинг, шу юртда яшаётган ҳар қайси инсоннинг эсон-омонлиги бизнинг энг катта ютуғумиз ва бойлигимиздир. Бу бойликни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, қадрига етиш – барчамизнинг муқаддас инсоний бурчимиздир. Ислом Каримов. (“Жамиятимиз мафқураси халқни - халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин” асаридан).

муросасизликнинг бу чегараси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасида яққол аниқлаб берилиб, ғоявий-мафкуравий муносабатлар учун сиёсий, ҳуқуқий-қонуний асослар яратилган: «Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг,

⁶⁵ Ислом Каримов. Жамият мафқураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. . Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т.7. -Т.:Ўзбекистон, 1999, -Б. 88.

диний ва миллий руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади».

Миллий хавфсизликка таҳдид солмайдиган ғоявий-мафкуравий мурасасизлик ранг-баранг қарашларнинг бир-бирига ҳаётбахш таъсирини, эркин ривожланишини таъминлайди. Уларнинг мурасасизлиги нисбий характерга эга бўлиб, умумий мақсад (миллий хавфсизлик доирасида) мурасани таъминлайди.

Тараққиётга йўналган ғоявий-мафкуравий қарашлар демократик қонуний-ҳуқуқий асослар яратилган шароитда эркин ривожлана ва мурасага кела олади. Аксинча, тараққиётга, умумий манфаатларга зид, миллий суверенитетга қарши қаратилган ғаразли ғоявий-мафкуравий қарашлар деморатик қонуний ҳуқуқий меъёрларни тан олмайди, уларни четлаб ўтишга ҳаракат қилади. Тажовузкор ва бунёдкор ғоявий қарашлар ўртасида (минтақавий даражада) ҳеч қандай мураса бўлиши мумкин эмас.

Бу мулоҳазалардан кўринадики, ғоявий-мафкуравий соҳада ҳам бир вақтнинг ўзида мураса ва мурасасизлик муносабатлари бўлиши шарт. Мафкуравий мураса ўзгача қарашларнинг ҳам яшашга ҳаққи борлигини тан олиш, у билан ёнма-ён яшашга чидаш, бағрикенг бўлиш демакдир. Шундан кейин умумий мақсадлар даражасида мурасага келинади. Турли қарашларнинг умумий томонлари (умуминсоний, минтақавий, бир давлат доирасида) қанча кўп бўлса, мурасага келиш ҳам шунча кўп томонлама бўлади. Демократик, умуминсоний тамойиллар ғоявий-мафкуравий мурасанинг асосини ташкил қилади. Мурасасизлик ғоявий-мафкуравий муносабатларнинг иккинчи томони бўлиб, ҳар қандай ғоявий-мафкуравий қарашлар ўртасида мурасасизлик унсурлари бўлиши шарт. Акс ҳолда уларнинг тафовути йўқолиб, ягона қарашларга айланиб қолади. Бу билан ғоявий ривожланиш ўзининг муҳим стимулидан ажралиб қолган бўларди. Ғоявий-мафкуравий мурасанинг мутлақо бўлмаслиги эса бир-бирини ҳар қандай ноқонуний йўллар билан йўқ қилишга йўналган қарашлар ўртасидагина бўлиши мумкин. Масалан, амалдаги Конституция ва қонунларга итоат қилмайдиган, мавжуд тартибларни куч билан йўқ қилишга йўналган қарашлар билан мураса қилиш мумкин эмас. Мутлақ мурасасизлик бир-бирини йўқ қилишга йўналган қарашлар ўртасидагина мумкин. Мутлақо мурасага келиб бўлмайдиган вайронкор ғоя, унинг терроризм каби усуллари миллий, минтақавий ва ялпи хавфсизликка таҳдиддир. Шунинг учун турли мазмундаги, йўналишлардаги барча бунёдкор ғоялар вайронкор ғояларга қарши мураса асосида курашишлари керак. Ҳозирги даврда диний-экстремистик қарашлар, терроризмга асос бўлувчи ғоялар мураса қилиб бўлмайдиган, инсониятга, минтақаларга, давлатларга таҳдид солиб турган ҳодисалардир.

5.2. Ҳозирги замонда ғоявий-мафкуравий жараёнлар ва уларнинг асосий йўналишлари.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган

замонавий демократик давлат, фуқаролик жамияти қурилиши, ҳозирги даврда жаҳонда кечаётган умумбашарий жараёнлардаги иштирокига ва уларнинг ғоявий-мафкуравий асосланишига боғлиқдир. Шунга кўра, дунёдаги ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини, уларнинг халқимиз ҳаёти ва тараққиётига таъсир хусусиятларини таҳлил қилиш ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Тарихий тажрибаларга кўра, ҳар қандай йўналишдаги ижтимоий-сиёсий жараён ғоявий-мафкуравий муносабатларнинг характериға мос келади. Айниқса ҳозирги даврда, ахборот коммуникациялари, алоқа инфраструктураси такомиллашиши натижасида жамиятга «ахборот босими» ошган бир шароитда, уларнинг ижобий аҳамиятга эга бўлиши билан бирга, мамлакатларнинг мустақил тараққиётига таҳдиди ҳам кучайди. Биринчи Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек: «бугунги кунда турли эски ва янги мафкураларнинг ўзаро кураши ҳар қачонгидан ҳам кўра шиддатли тус олмоқда. Ранг-баранг, баъзан бир-бирига зид дунёқарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталар ўртасидаги фикр талашувлари гоҳо баҳс-мунозара доирасидан чиқиб, қонли тўқнашувлар, оммавий қирғинларга сабаб бўлмоқда. Одамлар бошига беҳисоб қайғу-кулфатлар солмоқда».⁶⁶

Ҳозирги даврда ғоявий-мафкуравий жараёнлар глобаллашиб, ер юзидаги барча минтақа ва мамлакатларни қамраб олиб, қуйидаги хусусиятларини намоён қилмоқда, яъни: *Биринчидан*, халқаро миқёсда **интеграциялашиши** ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олиб, миллий чегараларни шартли қилиб қўймоқда. *Иккинчидан*, ҳозирги даврда ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг **глобаллашиши** хусусияти объектив жараён бўлиб, жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларига истисносиз таъсир кўрсатиши билан характерланади. *Учинчидан*, жамият тараққиётининг умумий қонуниятлари миллий ривожланишнинг моделларида **дифференциялашиши** жараёнларини намоён қилиб, инсоният тараққиётида умумий қонуниятларни миллий даражада конкретлаштирмоқда. *Тўртинчидан*, халқаро ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий муносабатларнинг техник-технологик, интеллектуал асослари, алоқа коммуникация воситалари ривожланиши натижасида ғоявий-мафкуравий муносабатларнинг **интенсивлашуви** билан характерланади.

XX асрнинг охири - XXI аср бошларида дунёда ана шу жараёнлар билан боғлиқ жиддий ўзгаришлар рўй бера бошлади. Илгари оддий фуқаролар, ҳатто мутахассислар тасаввур этолмаган ҳодисалар содир бўлиши туфайли дунёнинг сиёсий қиёфаси ўзгариб, барча давлатларда ижтимоий-иқтисодий, маънавий-мафкуравий соҳаларда янги сифат ўзгаришларига сабаб бўлди. Хусусан, алоқа воситаларининг ривожланиши, уларнинг компьютерлаштирилиши, электрон почта, интернет, космик телерадиоалоқа тизимларининг техник-технологик воситалари кучайиб кетиши билан ахборот алмашуви, бинобарин ғоявий таъсир ўтказиш имкониятлари ҳам

⁶⁶Каримов И. А. Жамият мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. -Т.:Ўзбекистон, 1999, -Б. 85.

тобора кенгаймоқда.

Ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг глобаллашувида бир-бирдан тубдан фарқ қиладиган икки йўналиш, тенденция намоён бўлмоқда. Биринчидан, инсоният цивилизацияси тарихида эришган ҳар қандай моддий ва маънавий қадриятларнинг умуминсоний жиҳатлари тарихий макон доирасидан чиқиб, байналминаллашиб, универсаллашиб бормоқда. Бошқача айтганда, миллийлик ва умуминсонийлик тамойилининг интеграциялашув жараёни кечмоқда. Иккинчидан, миллатлар ва давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий ривожланишидаги беқарорлик, улар манфаатларидаги ўзига хосликни мутлақлаштириш инсониятга, шу жумладан, ўз миллатининг келажагига хавф туғдирадиган салбий ҳодисаларнинг мафкуралашган ҳолда глобаллашувига олиб келмоқда. Бу халқаро терроризм, экстремизм, фундаментализм ва наркобизнес ҳодисаларида намоён бўлмоқда. Бирон-бир ҳудуд ёки мамлакатда пайдо бўлаётган ғоялар тез фурсатда бутун жаҳонга ёйилмоқда.

Бундай ҳолатнинг асослари ҳам, пайдо бўлиш сабаблари ҳам кўп. Аммо, энг муҳими 70 йилдан ортиқроқ ҳукм сурган икки зиддиятли, бир-бирига қарама-қарши қутбларнинг барҳам топиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. «Тоталитар тузум емирилгандан кейин, - деган эди И.Каримов, - дунёнинг қутбларга бўлиниши барҳам топди. Лекин шу туфайли у хавфсизроқ, барқарорроқ, собитқадамроқ бўлиб қолдими?»⁶⁷. Дарҳақиқат, масаланинг шу тарзда қўйилишида жуда катта мантиқ бор. Зеро, XX аср охирида «рўй берган улкан ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, икки қутбли дунёнинг барҳам топиши натижасида нисбий мувозанатнинг бузилиши жаҳоннинг мафкуравий манзарасини ўзгартириб юборди»². Чунончи, ҳозирги кунга келиб:

1. Алоҳида олинган мамлакатлар, давлатлар иттифоқи ёки ҳарбий блоклар ўртасидаги урушлар хавф нисбатан камайди

2. СССР деб аталган империя ва жаҳон социалистик лагерининг барҳам топиши оқибатида дунёда икки қутбли ғоявий-мафкуравий муносабатлар ўрнига кўп қутбли ҳолат вужудга келди.

1. Дунё харитасининг ўзгариши билан сиёсий иқлим мўтадиллашуви ғоят нисбий характер касб этди, яъни анъанавий зиддиятлар ўрнига янги – ноанъанавий зиддиятлар вужудга келди ва улар тобора кескинлашмоқда.

2. Глобал муаммоларни ҳал қилишда сиёсий муносабатларнинг интеграциялашуви тенденцияси қонуният мақомига эга бўлиб, турли давлатлар, халқлар, миллатларнинг ривожланиш истиқболлари шу қонуниятга боғлиқлиги англаб етилмоқда. Қурол кучи билан бўладиган урушлар ўрнини мафкуравий агрессия ва тажовузлар эгалламоқда.

XX асрнинг охирларида инсоният цивилизациясига янги жиддий хавфлар вужудга келди. Халқаро терроризм, глобал наркобизнес, жаҳон коррупцияси, фундаментализм, экстремизм каби ҳодисалар ҳам интеграция,

⁶⁷Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. Ўзбекистон буюк келажақ сари. –Т.:Ўзбекистон, 1999. Б. 419.

²Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.:Ўзбекистон, 2001. –Б. 22.

глобализация, универсаллашув ва интенсивлашув жараёнларини бошдан кечирмоқда. Хусусан, инсониятнинг ўтмиш тарихи шундан далолат берадики, урушлар - ижтимоий тараққиётнинг кушандаси, ривожланишнинг тўсиғидир.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ўтган 5 минг йил мобайнида инсоният ҳаммаси бўлиб 292 йил урушларсиз, тинчликда яшаган. Қолган вақтда 14 мингдан ортиқ урушлар бўлган ва улар 3 млрд. 64 миллион кишининг ёстиғини қуритган. Ушбу урушларга кетган маблағларни олтин баҳосида ҳисоблаганда қалинлиги 10 метр, эни 161 км. га тўғри келадиган ва ер шарини тўла айланиб чиқишга етадиган олтин камар яшаш мумкин эди¹.

XX асрда рўй берган жаҳон урушларининг биринчиси 10 млн., иккинчиси эса 60 млн. дан ортиқроқ кишининг ҳалок бўлишига, миллионлаб кишиларнинг бошпанасиз қолишига, минглаб шаҳар ва қишлоқларнинг вайрон бўлишига, пировард натижада эса инсоният ҳаётида улкан йўқотишларга сабаб бўлди.

Социалистик «лагер»нинг барҳам топиши билан учинчи жаҳон уруши хавфи тамомила йўқолди, деган сиёсий хулоса, ҳозирча ўзининг қатъий исботини топган эмас. Бироқ, ҳозирги даврга келиб, халқаро ижтимоий-сиёсий, ғоявий-мафкуравий муносабатларнинг юқорида кўрсатилган жараёнлари қуйидаги умумий хулосаларга асос бўлиши мумкин:

- тинчлик умуминсоний ғоя ва қадрият эканлиги тўғрисидаги ижтимоий фикр глобал аҳамият касб этмоқда;

- оламшумул муаммоларни ҳал этишда, баҳсли вазиятлар ечимида музоқаралар ва дипломатик мурося ягона маъқул усул эканлиги тан олина бошланди;

- ҳар бир давлатнинг миллий манфаати жаҳон ҳамжамияти манфаати билан уйғунлашгандагина маълум ютуққа эришиш мумкинлиги аниқ бўлиб қолмоқда.

Бошқача айтганда, ҳозирги кунга келиб дунёнинг сиёсий қиёфаси ўзгарди. Глобал муаммолар кескинлашувининг олдини олиш учун аниқ шарт-шароит ва имкониятлари пайдо бўлди. Илгари бир-бири билан ғоявий-мафкуравий нуқтаи назардан душманчилик кайфиятидаги давлатлар ўртасида ўзаро ишонч, бир-бирини ҳурмат қилиш, миллий манфаатларига тажовуз қилишдан тийилиш, хуллас дунёда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда интегратив фаолият зарурлиги англаб етилиб, унинг универсал усуллари ва воситаларини қидиришда ҳамфикрлик юзага келмоқда.

Аммо, шу билан бирга, ҳозирги пайтда ғоявий-мафкурвий агрессия, тазйиқларнинг кучайиши яққол кўзга ташланмоқда. Айниқса, маънавий-мафкуравий тажовузларнинг янги-янги йўналишлари вужудга келиб, улар глобаллашиб бормоқда. Бу тажовузлар маълум миллат (ёки улар гуруҳи)нинг ижтимоий барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсий ва конституцион тузумни заифлаштириш ва бузишга йўналтирилган, фуқаро ва жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи ғоявий-назарий қарашлар ҳамда унга

¹ Шайхова Х., Назаров Қ. Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот. –Т.:Ўзбекистон, 1992. –Б. 11.

асосланган амалиёт тарзида намоён бўлмоқда.

Мафкуравий тажовузларнинг ҳозирги кундаги миқёси ва кескинлиги шу даражада ортиб кетдики, уни бир давлат миқёсида, алоҳида олинган бир мамлакат даражасида ҳал этиш амалда мумкин бўлмай қолди. Айниқса, бузғунчи ғоялар, диний экстремизм, ахлоқсизлик ғояларини сингдириш мафкуравий тажовузнинг асосини ташкил этмоқда. Бундай мафкуравий тажовузларнинг мақсади, аҳолининг маълум қатламларида, айниқса ёшлар ўртасида парокандаликни келтириб чиқариш, уларда расмий давлат ва конституцион тузумга нисбатан норозилик кайфиятини ўйғотишдан иборатдир.

Албатта, мафкуравий глобаллашув шароитида эзгу, бунёдкор ғояларнинг умумийлашув жараёни ҳам юзага келади. Демократия, гуманизм, тинчлик, барқарорлик, мустақиллик ва озодлик, қонуннинг устуворлиги, инсон эркинликлари каби ғоялар бундай глобаллашув шароитида умумбашарий қадриятга айланиб бормоқда. Эзгу, бунёдкор ғояларнинг универсиаллашуви, уларнинг умумбашарий қадриятларга мутаносиблигигина инсонларни вайронкор ғоялардан сақлаб қолиши мумкин.

Ҳозирги кундаги мафкуравий интеграция жараёнларида жиддий интенсифлашувни кузатиш мумкин. Дунёнинг тез ўзгариб бориши мафкуравий жараёнларни ўзгартириб юбораётгани сингари, мафкуравий жараёнлардаги сифат ўзгаришлари жаҳонни ўзгартиришга ҳам ўз таъсирни ўтказмоқда. Дарҳақиқат, шундай. «Бирон-бир ҳудуд ёки мамлакатда пайдо бўлаётган ғоялар тез фурсатда бутун жаҳонга ёйилмоқда. Натижада, одамзот маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларига хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли мафкуравий марказларнинг босимини домий равишда сезиб яшамоқда»¹.

Дунёнинг ниҳоятда ўзгариб бераётган ҳозирги сиёсий-маънавий, ғоявий-мафкуравий қиёфасини тасаввур этиш жуда мураккаб. Бунинг жиддий сабабларидан бири, унинг тез ўзгарувчанлигидир. Жараённинг тез ўзгариши эса, ўз навбатида, унинг мазмун-моҳиятини тўғри таҳлил этишга, холис хулосалар чиқаришга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Умуман, мафкуравий жараёнлар тез ўзгарувчанликдан ташқаримиллий тараққиётга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиш кучига эга. Мафкуравий жараён, энг аввало, ижтимоий, сиёсий, маънавий вазиятни комплекс-системали таҳлил этиш орқалигина ўрганилиши мумкин. Умуман, ҳар қандай мафкуравий жараёнга конкрет умуминсоний манфаатлар нуқтаи назаридан ёндошилса, тўғри илмийхулоса чиқариш мумкин.

Масалан, XIX асрнинг иккинчи ярмидаги мафкуравий жараён иқтисодиётда янги технологияларни ривожлантиришга имкон берган сиёсий вазият билан ҳамоҳангдир. Шунингдек, дунё сиёсий харитасининг 1917-1991 йиллардаги ўзига хос мафкуравий хусусиятлари даврда мафкуравий вазият социализм ва капитализм кураши асносида баҳоланди. Ижтимоий

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.:Ўзбекистон, 2001. –Б. 23.

тараққийнинг ҳозирги босқичидаги мафкуравий жараён эса, буюк давлатчилий шовинизми, диний экстремизм, тажовузкорлик ва миллатчилик ғояларини ўзида акс эттирувчи сиёсий йўналишларни вужудга келтирмоқда.

Мафкуравий жараёнларнинг замонавий хусусиятлари миллат тараққийига турлича таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, бундай таъсирнинг салбий жиҳатларини чуқурроқ ўрганиш жуда зарурдир. Умуман, дунёдаги барча давлатларда ҳам ғоявий-мафкуравий муаммолар мавжуд. Ҳар бир давлатнинг халқаро сиёсий мавқеи, миллатнинг ривожланиш даражалариана шу муаммоларни ҳал этишга тайёрлиги билан белгиланади.

Халқаро миқёсдаги ғоявий-мафкуравий муносабат муаммоларини ҳал этиш имконияти, кўп жиҳатдан, у ёки бу мамлакатнинг глобаллашаётган мафкуравий жараёнларга мослашув имкониятлари билан боғлиқдир. Таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг жаҳон мафкуравий жараёнларига мослашув имкониятлари кенгайди. Бу, қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон жаҳондаги барча мамлакатларга очиқ давлат сифатида намоён бўлди;

- мамлакатимиз ўз сиёсатида миллий манфаатларини ҳимоя қилишга устувор аҳамият берсада, бироқ, бошқа давлатлар манфаатларини ҳам ҳимоя қилиш йўлини тутмоқда;

- Ўзбекистон халқаро сиёсатида бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик сиёсати тамойилига асосланмоқда;

- Ўзбекистон ҳукумати жаҳон мафкуравий жараёнларида умуминсоний, умумбашарий қадриятларни, ғояларни амалга оширишдан иборат глобал ҳамда локал сиёсатда фаол иштирок этмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг жаҳон мафкуравий жараёнларига мослашувида ўзига хос қийинчилик ва муаммолар ҳам мавжудлигини эсдан чиқармаслик лозим. Зеро, мафкуравий муаммолар инсоният ижтимоий-сиёсий тараққийтатарихи бошланган 6 минг йил илгари бўлгани каби, ҳозир ҳам сақланиб қолмоқда.

Мамлакатимизнинг жаҳон мафкуравий жараёнларига мослашишига ҳалақит қилаётган сабабларни иккига бўлиш мумкин. Буларнинг биринчиси ташқи сабаблар бўлиб, уларга мамлакатимиз фуқароларининг ҳозирги дунё, ундаги ўзгаришлар тўғрисида мукамал билим ва тасаввурларнинг йўқлиги таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, айрим фуқароларимизда ҳозир дунёда мавжуд бўлган турли диний-сиёсий оқимлар, ташкилотлар, уюшмалар хусусида объектив маълумотларга эга эмаслиги мазкур жараёнга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистоннинг жаҳон мафкуравий жараёнларига мослашишга ҳалақит қилаётган иккинчи сабаб: ташқаридан мамлакатимиздаги ғоявий-мафкуравий барқарорликка путур етказиш, “мафкуравий бўшлиқ”ни тўлдириш, фуқароларда мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш- буларнинг бари ҳозирги кунда Ўзбекистон олдида турган жиддий мафкуравий муаммолар ҳисобланади.

Ижтимоий тараққийт глобаллашувининг бир сифат босқичидан.

Мамлакатмизнинг ички сиёсатида инсон, унинг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқаролар учун муносиб турмуш шароити яратиш бериш, озчиликнинг кўпчилик иродасига бўйсунishi, шу билан бирга, озчилик фикрининг ҳам кўпчилик томонидан ҳурмат қилиниши каби демократик тамойиллар алоҳида ўрин эгаллайди. Мамлакатимизнинг ташқи сиёсатида барча давлатлар билан тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш, уларнинг ички ишларига аралашмаслик, умуминсоний қадриятларга содиқлик, тинчлик ва хавфсизликни асраб-авайлаш, халқаро ҳуқуқ меъёрларнинг устуворлиги каби тамойилларга амал қилади¹.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати унинг сиёсий нуфузини ортишига олиб келмоқда. Шунингдек, мамлакатимиз ташқи сиёсатининг ўзига хос ғоявий-мафкуравий асослари ишлаб чиқилди. Хусусан, бу нарса мамлакат Конституциясининг 17-моддасида ўз аксини топган. Унда қайд этилишича, Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Буларнинг бариси мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига ишончли шерик сифатида кириб боришига имкон яратмоқда. Ўзбекистоннинг жаҳон халқаро тинчлиги ва хавфсизлигига мос бўлиб тушган тинчликсевар ташқи сиёсати унинг жаҳонда мустақил давлат сифатида тан олинishi таъминлади. Бугун мамлакатимиз мустақиллигини дунёдаги 165 нуфузли давлат тан олди, уларнинг 120 таси билан дипломатик, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар ўрнатилди. Тошкентда 40 та мамлакатнинг элчихонаси очилди, 19 давлатнинг элчиси Ўзбекистонда ўриндошлиқ йўли билан ишлаб турибди, 88 та хорижий ваколатхона, 24 та ҳукуматлараро ва 13 та ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Буни ҳам Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилишининг глобаллашуви тарзида олиб қарашга асос бўлади.

Хўш, бундай ҳамкорлик қандай натижалар бермоқда? Энг аввало, Ўзбекистоннинг бошқа хориж давлатлари билан ўзаро алоқалари яхшиланиши, улар ўртасида ғоявий-мафкуравий интеграция кучайишига олиб келмоқда. Бундай интеграция туфайли давлатларнинг бир-бири тўғрисидаги тасаввурлари ортиб, билимлари кучаймоқда. Локал ва глобал муаммоларни ҳал этишда имкониятлар кенгаймоқда. Бу имкониятлар, айниқса ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, коммуникация ҳамда техник-технологик соҳа интеграциясига олиб келмоқда.

Қайд этиш лозимки, ғоявий-мафкуравий интеграциянинг кучайиши Ўзбекистон фуқароларида совет мустабид тизими даврида шаклланган

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.:Ўзбекистон, 2001. –Б. 39.

комформ дунёқарашни сингдиришда, иқтисодий ва мафкуравий-маънавий боқимандалик кайфиятини бекор этишда муҳим рол ўйнамоқда. Бундай интеграция, айниқса мустақилликгача биз учун бегона бўлган демократик жамиятда яшаш кўникмасини ҳосил қилишда ёрдам бермоқда.

Хуллас, ҳар бир давлат ва жамият ўзига хос ривожланиш моделларига эга бўлиб, улар бир-биридан шакли, мазмуни жиҳатдан фарқ қилса ҳам, умумий ривожланиш қонуниятларини истисно қилмайди. Яъни, бир томондан, бундай умумийлик, инсониятнинг эзгу мақсадлари доирасида уюшиш, жипслашиш манфаатларини ифодалайди. Иккинчи томондан, миллий тараққиётдаги ўзига хослик муайян давлатнинг сиёсий тузими, иқтисодий ҳаёти, маданий турмуши, ғоявий-мафкуравий муҳити таъсирида шаклланади. «Содда қилиб айтганда, - деган эди Ислом Каримов, - муайян давлат ва жамият тараққиётининг ҳар бир босқичи ҳаётнинг ўзи ўртага қўяётган шарт ва талабларнинг ҳисобга олинишини тақазо этади.

Айтиш мумкинки, тараққиётнинг ҳар бир босқичи - бу янги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлидаги янги вазифалар демакдир.

Бу - ҳаёт қонунияти, биз уни инкор этолмаймиз ва инкор этишга ҳаққимиз ҳам йўқ»⁶⁸

Дарҳақиқат, ҳар қандай жамиятнинг, давлатнинг муайян тарихий даврдаги ижтимоий-сиёсий тараққиёти мафкуралар ворислиги тамойилига асосланса ҳам, конкрет миллий хусусиятлари мавжуд. Бошқача айтганда, миллий тарихий тараққиётнинг мавжудлиги, унинг ғоявий-мафкуравий мазмунида намоён бўлади. Шунингдек, тарихий тараққиёт ва ғоя ҳамда мафкураларнинг миллат манфаатлари асосида уйғунлашуви, уни реал кучга айлантиради, яъни «миллий ғоя халқнинг миллий манфаатларидан келиб чиқади ва уни ўзида ифода этади»⁶⁹

Ҳозирги шароитда миллий мафкурамизнинг юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаравонлиги ғоялари шаклланиб, улар ўзбек халқи тарихий тараққиёти давомида синовлардан ўтган. Бу ғоялар мазмун-моҳияти жиҳатдан бир-бирини тўлдирадиган ҳамда мантиқий изчил, гуманистик характерини намоён қилади. Шу ўринда, бу ғоя ва мафкуралар мамлакатдаги муайян ҳукмрон сиёсий кучларнинг вақтинчалик мақсадларига, мавсумбозлик тадбирларига хизмат қилса, уларнинг ижтимоий-сиёсий нуфузини йўқотишини алоҳида таъкидлаш керак.

Конкрет тарихий шароитларга хос бўлган ижтимоий эҳтиёжларнинг жамият ғоявий-мафкуравий муҳити билан ўзаро алоқадорлиги асосида сиёсий муносабатлар тизимининг шаклланишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, миллий мафкуранинг таркибига кирувчи ғояларнинг объектив характерини, тарихий илдизларини очиб беришга хизмат қилади.

Тарихан шаклланган ҳар қандай ғоя муайян ижтимоий гуруҳлар

⁶⁸Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Биз танлаган йўли – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик қўли. Т.11. -Т.: Ўзбекистон, -Б. 18.

⁶⁹И. Каримов. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз.Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз Т.7. -Т.:Ўзбекистон, 1999. –Б. 297.

манфаатларини ифода этувчи ғоялар тизимининг таркибига киради. Шунинг учун ҳам ўтмишда яшаб ўтган аждодларимизнинг муайян манфаатларини ифодалаган, уларни келажакка сафарбар этган ғоялари ҳам ўша даврнинг стратегик мақсадларини ифода этувчи ижтимоий ҳодиса сифатида дунёга келган.

Миллий тараққиётнинг устувор ғояларни амалга оширишда мамлакат ташқарисидаги ва ичидаги ижтимоий-сиёсий вазият ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ҳар қандай мафкура жамиятдаги ижтимоий гуруҳнинг муайян сиёсий манфаатларини ўзида мужассамлаштирувчи сиёсий онги сифатида жамоатчилик фикри, хоҳиш-истакларини ифодалаб, халқнинг руҳиятига мос келади ҳамда мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарор тараққиётнинг маънавий асоси, кафолати бўлиб хизмат қилади.

Назорат саволлар:

1. Глобал муаммоларни ечимида ғоявий мафкуравий мураса ва толерантликнинг аҳамияти?
2. Ҳозирги замонда ғоявий мафкуравий жараёнлар изоҳланг?
3. Мафкуравий жараёнларнинг асосий йўналишлари?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аббосхўжаев О., Умарова Н., Қўчқоров Р. Мафкура полигонларидаги олишувлар. -Т.: Академиа, 2007.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. - Т.: Молия, 2003.
3. Жўраев Т. Миллий давлатчилик ва хавфсизлик. Т.: “Академия”, 2007.
4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар) - Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008.
5. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. - Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт - матбаа ижодий уйи, 2009.
6. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. - Т.: Академиа, 2007.
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Т.: Ўзбекистон, 2000.
8. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. 2-нашр -Т.: “Ўзбекистон”, 2015.
9. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. - Т.: “Мухаррир” 2009.
10. Очилдиев А.С. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси: - Т.: Ижод дунёси нашриёт уйи, 2002.
11. Панарин И.Н. Информационная война и геополитика. - М.: Поколение, 2006.
12. Тўраев Ш. Маънавий таҳдидлар: фалсафий таҳлил. - Т.: “Мухаррир”, 2010.
13. Тўраев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. - Т.: Маънавият, 2008.
14. Қуронов М. Мафкуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси. -Т.: “Академия” 2008.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-МАВЗУ: ҲОЗИРГИ ЗАМОН ГЛОБАЛ МУАММОЛАРИНИНГ ТАСНИФИ.

1. Глобаллашув тушунчаси ва унинг моҳияти.
2. Ҳозирги замон глобал муаммолари.
3. Глобал муаммоларни миллий ғоя контекстида таҳлили.

Ишдан мақсад: янги тушунчаларни таҳлилини амалга ошириш орқали мустақил изоҳлашга ва уларни чуқур ангашга эришиш.

Масаланинг қўйилиши: амалий машғулотда “Глобаллашув” ва “Глобала муаммолар” тушунчаларини мустақамлашга қаратилган топшириқ сифатида айнан шу мавзуда чоп этилган материаллар таҳлили амалга оширилади.

Ишни бажариш учун намуна: Глобаллашувга берилган таърифлар ва глобал муаммоларнинг таснифини ақлий хужум услубида муҳокамаси ташкил этилади.

Назорат саволлари:

- 1) “Глобаллашув” деганда нимани тушунасиз?
- 2) Глобал муаммолар деганда нимани тушунаси?
- 3) Глобал муаммоларни таснифланг?

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Аббосхўжаев О., Умарова Н., Қўчқоров Р. Мафкура полигонларидаги олишувлар. - Т.: Академиа, 2007.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. - Т.: Молия, 2003.
3. Жўраев Т. Миллий давлатчилик ва хавфсизлик. Т.: “Академия”, 2007.
4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар) - Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008.
5. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. - Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт - матбаа ижодий уйи, 2009.
6. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. - Т.: Академиа, 2007.
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Т.: Ўзбекистон, 2000.
8. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. 2-нашр -Т.: “Ўзбекистон”, 2015.
9. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. - Т.: “Мухаррир” 2009.
10. Очилдиев А.С. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси: - Т.: Ижод дунёси нашриёт уйи, 2002.
11. Панарин И.Н. Информационная война и геополитика. - М.: Поколение, 2006.

12. Тўраев Ш. Маънавий таҳдидлар: фалсафий таҳлил. - Т.: “Мухаррир”, 2010.
13. Тўраев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. - Т.: Маънавият, 2008.
14. Қуронов М. Мафкуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси. -Т.: “Академия” 2008.

Электрон таълим ресурслари

1. www.ziyonet.uz
2. www.edu.uz
3. www.infocom.uz
4. www.nuuz.uz
5. www.bimm.uz

2-МАВЗУ:ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗЛАР МОҲИЯТИ.

1. Глобал инқирозлар ва уларнинг моҳияти.
2. Глобал инқирозларни инсониятга, миллатларга, халқларга ва мамлакатларга таҳдиди.
3. Глобал инқирозларнинг таҳдидини англашда миллий ғоянинг ўрни.

Ишдан мақсад:назарий олинган билимларни амалиётда қай тарзда акс этишини мисоллар орқали ўрганиш.

Масаланинг қўйилиши:Амалий машғулот давомида Глобал инқирозларнинг таҳдидини англашда миллий ғоянинг ўрнини таҳлилини амалга ошириш топшириғи берилади.

Ишни бажариш учун намуна: Олинган маълумотлар “бумеранг” услубида муҳокама этилади.

Назорат саволлари:

- 1) Глобал инқирозлар деганда нимани тушунасиз?
- 2) Глобал инқирозларнинг таҳдиди?
- 3) Глобал инқирозларни англашда миллий ғоянинг вазифалари ва аҳамияти?

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Аббосхўжаев О., Умарова Н., Қўчқоров Р. Мафкура полигонларидаги олишувлар. -Т.: Akademiya, 2007.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. - Т.: Молия, 2003.
3. Жўраев Т. Миллий давлатчилик ва хавфсизлик. Т.: “Академия”, 2007.
4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар) - Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008.
5. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. - Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт - матбаа ижодий уйи, 2009.
6. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. - Т.: Akademiya, 2007.
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Т.: Ўзбекистон, 2000.

8. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. 2-нашр -Т.: “Ўзбекистон”, 2015.
9. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. - Т.: “Мухаррир” 2009.
10. Очилдиев А.С. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси: - Т.: Ижод дунёси нашриёт уйи, 2002.
11. Панарин И.Н. Информационная война и геополитика. - М.: Поколение, 2006.
12. Тўраев Ш. Маънавий таҳдидлар: фалсафий таҳлил. - Т.: “Мухаррир”, 2010.
13. Тўраев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. - Т.: Маънавият, 2008.
14. Куронов М. Мафкуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси. -Т.: “Академия” 2008.

Электрон таълим ресурслари

1. www.ziyonet.uz
2. www.edu.uz
3. www.infocom.uz
4. www.nuuz.uz
5. www.bimm.uz

3-МАВЗУ: ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗЛАРНИНГ САБАБЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ

1. Глобал инқирозларнинг сабаблари ва оқибатлари.
2. Глобал инқирозларни сабаб ва оқибатларини бартараф этиш.
3. Глобал инқирозларни сабаб ва оқибатларини бартараф этишда ғоявий – мафкуравий ёндашувларнинг аҳамияти.

Ишдан мақсад: назарий олинган билимлар асосида амалиётда ҳар бир футурологик концепция ФСМУ методи орқали таҳлил этиш.

Масаланинг қўйилиши: гуруҳларга бўлинган ҳолда, Глобал инқирозларни сабаб ва оқибатларини бартараф этишда ғоявий – мафкуравий ёндашувларнинг аҳамияти таҳлил этилади. Гуруҳдаги фаолият натижаси сифатида ҳар бир футурологик концепция ФСМУ методи орқали таҳлил этилади, мисоллар билан бойитилади, ва якуний лойиҳа сифатида тақдим этилади.

Ишни бажариш учун намуна: Глобал инқирозларни сабаб ва оқибатларини ФСМУ орқали таҳлил қилинг.



Назорат саволлари:

- 1) Глобал инқироз ҳақида нималарни биласиз?
- 2) Глобал инқирозларнинг сабаб ва оқибатларини тушунтириб беринг?
- 3) Глобал инқирозларнинг сабаб ва оқибатларини бартараф этишда оптимистик, пессимистик, скептик ва фаталистик назарияларни қиёсий таҳлил қилинг?
- 4) Глобал инқирозларни сабаб ва оқибатларини бартараф этишда ғоявий – мафкуравий ёндашувларнинг аҳамияти тушунтириб беринг?

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Аббосхўжаев О., Умарова Н., Қўчқоров Р. Мафкура полигонларидаги олишувлар. -Т.: Академиа, 2007.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. - Т.: Молия, 2003.
3. Жўраев Т. Миллий давлатчилик ва хавфсизлик. Т.: “Академия”, 2007.
4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар) - Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008.
5. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. - Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт - матбаа ижодий уйи, 2009.
6. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. - Т.: Академиа, 2007.
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Т.: Ўзбекистон, 2000.
8. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. 2-нашр -Т.: “Ўзбекистон”, 2015.
9. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. - Т.: “Мухаррир” 2009.
10. Очилдиев А.С. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси: - Т.: Ижод дунёси нашриёт уйи, 2002.
11. Панарин И.Н. Информационная война и геополитика. - М.: Поколение, 2006.
12. Тўраев Ш. Маънавий таҳдидлар: фалсафий таҳлил. - Т.: “Мухаррир”, 2010.
13. Тўраев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. - Т.: Маънавият, 2008.
14. Қуронов М. Мафкуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси. -Т.: “Академия” 2008.

Электрон таълим ресурслари

1. www.ziyonet.uz
2. www.edu.uz
3. www.infocom.uz
4. www.nuuz.uz
5. www.bimm.uz

4-МАВЗУ: ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ, МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ.

1. Жамият ижтимоий-иқтисодий муносабатларининг глобаллашуви.
2. Жамият маънавий-ахлоқий муносабатларининг глобаллашуви.
3. Ўзбекистонда глобаллашув жараёнининг оқибатларини бартараф этишда миллий ғоянинг роли.

Ишдан мақсад: назарий олинган билимлар асосида амалиётда мисоларни таҳлил этиш.

Масаланинг қўйилиши: амалий машғулот давомида Ўзбекистонда глобаллашув жараёнининг оқибатларини бартараф этишда миллий ғоянинг ролитаҳлил этилади.

Ишни бажариш учун намуна: гуруҳларда ишлаш жараёнида ҳар бир мисол бўйича SWOT таҳлилнинг натижаси тақдим этилади.

Назорат саволлари:

- 1) Жамият ижтимоий-иқтисодий муносабатларининг глобаллашувини аниқ мисоллар асосида таҳлил қилинг?
- 2) Жамият маънавий-ахлоқий муносабатларининг глобаллашуви деганда нимани тушанасиз?
- 3) Жамият ҳаётидаги муносабатларнинг глобаллашувида ғоявий – мафкуравий таҳлилнинг аҳамияти?
- 4) Ўзбекистонда глобаллашув жараёнининг оқибатларини бартараф этишда миллий ғоянинг ўрнини ажратиб кўрсатинг?

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Аббосхўжаев О., Умарова Н., Қўчқоров Р. Мафкура полигонларидаги олишувлар. - Т.: Академиа, 2007.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. - Т.: Молия, 2003.
3. Жўраев Т. Миллий давлатчилик ва хавфсизлик. Т.: “Академия”, 2007.
4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар) - Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008.
5. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. - Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт - матбаа ижодий уйи, 2009.
6. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. - Т.: Академиа, 2007.
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Т.: Ўзбекистон, 2000.
8. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. 2-нашр -Т.: “Ўзбекистон”, 2015.
9. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. - Т.: “Муҳаррир” 2009.
10. Очилдиев А.С. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси: - Т.: Ижод дунёси нашриёт уйи, 2002.
11. Панарин И.Н. Информационная война и геополитика. - М.: Поколение, 2006.

12. Тўраев Ш. Маънавий таҳдидлар: фалсафий таҳлил. - Т.: “Мухаррир”, 2010.
13. Тўраев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. - Т.: Маънавият, 2008.
14. Қуронов М. Мафкуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси. -Т.: “Академия” 2008.

Электрон таълим ресурслари

1. www.ziyonet.uz
2. www.edu.uz
3. www.infocom.uz
4. www.nuuz.uz
5. www.bimm.uz

5-МАВЗУ: ГЛОБАЛ МУАММОЛАРНИНГ ЕЧИМИДА ҒОЯВИЙ-МАФКУРАВИЙ МУРОСА ВА БАҒРИКЕНГЛИК (ТОЛЕРАНТЛИК)НИНГ АҲАМИЯТИ.

1. Глобал муаммоларнинг ечимидида ғоявий – мафкуравий мураса ва бағрикенглик(толерантлик)нинг аҳамияти.

2. Ҳозирги замонда ғоявий-мафкуравий жараёнлар ва уларнинг асосий йўналишлари.

Ишдан мақсад: назарий олинган билимлар асосида амалиётда мисоларни таҳлил этиш.

Масаланинг қўйилиши: амалий машғулотда Глобал муаммоларнинг ечимидида ғоявий – мафкуравий мураса ва бағрикенглик(толерантлик)нинг аҳамияти таҳлил этилади.

Ишни бажариш учун намуна: ҳар бир гуруҳ Ҳозирги замонда ғоявий-мафкуравий жараёнлар ва уларнинг асосий йўналишлари бўйича тақдимот таёрлайди.

Назорат саволлари:

- 1) Глобал муаммоларнинг ечимидида мураса ва бағрикенглик(толерантлик)нинг аҳамияти тушунтириб беринг?
- 2) Ҳозирги замонда ғоявий-мафкуравий жараёнлар ҳақида нималарни биласиз?
- 3) Ғоявий-мафкуравий жараёнлар ва уларнинг асосий йўналишлари изоҳланг?

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Аббосхўжаев О., Умарова Н., Қўчқоров Р. Мафкура полигонларидаги олишувлар. -Т.: Академия, 2007.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. - Т.: Молия, 2003.
3. Жўраев Т. Миллий давлатчилик ва хавфсизлик. Т.: “Академия”, 2007.
4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион

технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар) - Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008.

5. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. - Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт - матбаа ижодий уйи, 2009.

6. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. - Т.: Академиya, 2007.

7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Т.: Ўзбекистон, 2000.

8. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. 2-нашр -Т.: “Ўзбекистон”, 2015.

9. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. - Т.: “Мухаррир” 2009.

10. Очилдиев А.С. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси: - Т.: Ижод дунёси нашриёт уйи, 2002.

11. Панарин И.Н. Информационная война и геополитика. - М.: Поколение, 2006.

12. Тўраев Ш. Маънавий таҳдидлар: фалсафий таҳлил. - Т.: “Мухаррир”, 2010.

13. Тўраев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. - Т.: Маънавият, 2008.

14. Қуронов М. Мафкуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси. -Т.: “Академия” 2008.

Электрон таълим ресурслари

1. www.ziyonet.uz
2. www.edu.uz
3. www.infocom.uz
4. www.nuuz.uz
5. www.bimm.uz

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

МИНИ-КЕЙС1.

«Глобаллашув шароитида маънавият»

Жамият ҳаётининг турли соҳаларида кескин намоён бўлиши сиёсатга доир илмий адабиётларида “глобаллашув феномени” деб номланмоқда. “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида бу ҳодиса оддий қилиб “ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви” деб тушунтирилади. Албаатта, бу жараёндан маънавият ҳам четда қолгани йўқ. Башарият тараққиётидаги бундай ўзгаришларни узил-кесил “яхши” ёки “ёмон” деб, салбий ёки ижобий ҳодиса сифатида баҳолаб бўлмайди. Китобда ёзилганидек, “Ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда – эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин”.

Маънавиятни ҳам бир уйга тўпланган бойликка қиёсласак, ташқаридан кираётган шамол уй ичидаги нарсаларни остин-устин қилиб ташлашини ҳеч бир хонадон соҳиби истамайди. Худди шу каби биз ҳам ёт ғоялар, оқимлар ва мафкуралар маънавиятимизга вайронкор таъсир ўтказишига қарши ҳимоя чоралари кўришимиз табиий.

Бугун Глобаллашув даврида маънавиятнинг ўрни қандай деб ҳисоблайсиз?

МИНИ-КЕЙС2.

«Глобаллашув шароитида таълим-тарбия тизими олдидаги вазифаларни белгилаб олиш учун Сизни Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигида ўтказиладиган “Ёш олимлар” конференциясига таклиф этишди»

Тортишиб қолган ёш олимлар ва талабаларнинг бири ижтимоий фан вакили, иккинчиси аниқ фанлардан. Уларнинг ҳар бири ўз глобаллашув даврида маънавият масалаларига ўзича ёндашиб, ўз фикрини ҳақ деб билмоқда. Шунингдек ўз фикрларини илмий нуқтаи назардан ҳам обектив реал мисоллар асосида жўяли асослаб бера олганлари йўқ. Тортишув ҳамон давом этмоқда.

Ҳакам сифатида сўзни нимадан бошлар эдингизу нима билан хулоса қилган бўлардингиз?

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб, тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модуль мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар воситасида маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича модуль бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- амалий машғулотларда берилган топшириқларни бажариш.

Мустақил таълим мавзулари

1. “Глобаллашув” ва “глобаллашув жараёни” тушунчаларининг фалсафий мазмуни
2. Глобаллашувнинг намоён бўлиш шакллари
3. Глобаллашувнинг цивилизациявий ўзгаришларга таъсири
4. Глобаллашувнинг миллат маънавий маданиятига таъсири
5. Глобаллашувнинг Ўзбекистон ижтимоий-маданий ҳаётида акс этиши
6. Глобаллашувнинг ишлаб чиқаришдаги туб ислоҳотларга таъсири.
7. Глобал меҳнат бозори.
8. Глобаллашувнинг локал маданиятнинг шаклланишига глобал таъсири.
9. Глобализациянинг икки ёқлама характери.
10. Аҳоли глобаллашувининг меҳнат бозорининг ўсишига таъсири.
11. Жаҳон иқтисодий тизими глобаллашувининг олий малакали кадрлар миграциясининг шаклланишига таъсири.
12. Ахлоқ ва маданиятнинг глобаллашуви
13. Фан ва таълимнинг глобаллашуви
14. Ҳозирги давр фанининг глобал имкониятлари.
15. Таълим глобаллашувининг зиддиятли характери.
16. Таълимнинг глобаллашуви-мамлакатнинг миллий манфаатларига жиддий ёндашувининг муҳим омили.
17. Таълимнинг глобаллашувида интернет ва масофали ўтишнинг роли.
18. Иқтисодий, экологик хавфсизлик масалаларини ҳал қилишда сиёсий қарорларни қабул қилиш глобал тизими яратилишининг аҳамияти.
19. Глобал муаммоларнинг ечимида ғоявий-мафкуравий мураса ва бағрикенглик (толерантлик)нинг аҳамияти.
20. Ўзбекистонда глобаллашув жараёнининг оқибатларини бартараф этишда миллий ғоянинг роли.
21. Глобал инқирозларнинг моҳияти, уларнинг инсониятга, миллатларга, халқларга ва мамлакатларга таҳдидини англаб етишда миллий ғоянинг ўрни.
22. Ҳозирги замон глобал муаммоларини таснифлаш.
23. Ҳозирги замонда ғоявий- мафкуравий жараёнлар ва уларнинг асосий йўналишлари.
24. Ўзбекистонда глобаллашув жараёнининг оқибатларини бартараф этишда миллий ғоянинг роли.

VII. ГЛОССАРИЙ

ГЛОБАЛИСТИКА — умумсайёравий миқёсдаги ижтимоий-табиий жараёнлар б-н боғлиқ муаммоларни ўрганадиган фан соҳаси. Илмий адабиётда бу жараёнлар б-н боғлиқ муаммолар — глобал муаммолар (мас. аҳоли сонининг ўсиши, озик-овқат тақчиллигининг кучайиши, тикланмайдиган ресурслар захирасининг камайиши, энергетика захираларига эҳтиёжнинг ортиб бориши, сайёрамиз минтақаларининг нотекис ривожланиши, атроф муҳит ҳолатининг ёмонлашуви, маданий ва маънавий қадриятларнинг инқирози ва ҳоказо) деб юритилади. Глобалистика муаммоларини фалсафий ёндашув доирасида тадқиқ этаётган олимлар сайёрамизнинг ва ундаги барча тирик мавжудотларнинг яхлитлиги ва бирлиги ғоясига таяниб, башарият воқелигининг фундаментал тамойилларини яратишга интилоқда. Глобалистика фалсафасида инсоннинг мавжудлиги масаласига икки ёндашув вужудга келган. Илмий-технократик ёндашув вакилари инсон моҳияти ва табиатини утилитар-амалий концепция нуқтаи назаридан талқин этиб, янги сифатларни шакллантириш орқали уни такомиллаштиришни назарда тутди (мас. Рим клуби доирасида амалга оширилаётган тадқиқотлар ва уларнинг натижалари асосида эълон қилинган 30 дан зиёд маърузаларда ана шундай ёндашув ўз ифодасини топган). Иккинчи ёндашув фалсафанинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, инсоннинг тарихий тараққиёт давомида барҳам топган ўзлигига, асл моҳияти ва табиатига қайтиш, унда ўзи, табиат ва жамиятдаги воқеа-ҳодисалар ва жараёнлар учун масъуллик ҳиссини шакллантириш зарурлигини асослашга ҳаракат қилади (бу ёндашув айниқса экзистенциализм фалсафасида яққол ифода-ланган).

Ҳозирги вақтда глобалистика соҳасидаги илмий тадқиқотлар беш йўналишда: 1) технократик глобалистика (бу йўналиш вакиллари назарида, глобал муаммоларнинг пайдо бўлиши ва кескинлашуви илмий-техника инқилоби б-н узвий боғлиқ бўлгани сабабли улар техникани янада такомиллаштириш орқали бартараф этилиши мумкин); 2) постиндустриал глобалистика (бу йўналишда тадқиқот олиб бораётган олимларнинг фикрича, глобал муаммолар жамиятнинг индустриал босқичидан постиндустриал босқичига ўтиши оқибатида юзага келаётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ўзгаришлар б-н бевосита боғлиқ бўлгани боис глобал постин-дустриал жамиятнинг пайдо бўлиши б-н бу муаммолар барҳам топиши мумкин); 3) экологик глобалистика (ушбу йўналиш тарафдорларининг таъкидлашича, замонавий илм-фан ютуқларини сиёсий қарорларни қабул қилишда кенг қўллаш орқали табиат ва жамият ўртасидаги мувозанатни тиклаш ва техник тараққиётнинг антро-поген таъсирини юмшатиш мумкин); 4) экзистенциал-маданий глобалистика (мазкур йўналиш вакиллари глобал муаммоларнинг вужудга келиши ва кескинлашиши сабабларини маданий ва маънавий қадриятларнинг инқирози ва емирилиши б-н боғлашга интилади); 5) тадрижий-детерминистик йўналиш (ушбу йўналиш вакиллариининг таъкидлашича, техник тараққиёт — табиатнинг тадрижий ривожининг бир бўғини бўлгани сабабли, инсоният бу жараёнга оқилона мослаша олиши орқалигина мавжул глобал муаммоларнинг ҳал этилишига эришиш мумкин).

ГЛОБАЛЛАШУВ (лот. Globus — шар, Ер сайёраси маъносини англатади) — XX асрнинг иккинчи ярми — XXI бошида жаҳон тараққиётида шаклланган янги умумсайёравий тартибот, тамаддуний босқич мазмун-моҳияти, давлатлар ва кишилар ўртасида ўзаро алоқаларнинг кенгайиши ва мураккаблашиши, дунё миқёсида ахборот макони, капитал, товар ҳамда ишчи кучи бозоридаги интеграциялашув, атроф муҳитга техноген таъсирнинг кучайиши, оммавий маданият намуналарининг кенг тарқалиши, информацион-мафкуравий ва диний-экстремистик хуружлар хав-фининг ортиб боришини ифода этадиган глобал жараён.

“Глобаллашув” атамаси дастлаб америкалик олим Т. Левиттнинг 1983 йили “Гарвард бизнес ревью” журналида чоп этилган мақоласида тилга олинган эди (у йирик трансмиллий корпорациялар ишлаб чиқарадиган турли-туман маҳсулот бозорларининг бирлашув жараёнини шундай деб атаган эди). 1985 йилда эса таниқли америкалик олим

Р.Робертсон “Globalization” иборасини илмий муомалага киритиб, бу тушунча “одамлар онгида сайёрамизнинг торайиши ҳамда дунёнинг яхлит тарзда англа-ниши”ни акс эттириб, “дунёнинг бирлашуви ва кишилар ўртасидаги ўзаро алоқаларининг кучайишини” ифода этадиган жараён сифатида талқин этади.

Мазкур атаманинг мазмун-моҳияти хусусида баҳс-мунозара ҳамон давом этаётган ҳамда бу борада ягона умумий қараш шаклланмаган, яхлит концепция яратилмаган бўлса-да, гуманитар илмнинг турли соҳаларида, чунончи, ижтимоий фанларда ушбу жараённинг ўзига хос хусусиятлари, намоён бўлиш шакллари ҳар томонлама ўрганилмоқда. Жумладан, иқтисодий фанида — диққат-эътибор асосан молиявий глобаллашув, глобал трансмиллий корпорация-ларнинг (ТМК) шаклланиши, иқтисодийнинг минтақавийлашуви, жаҳон миқёсида савдонинг жадаллашуви каби масалаларга қаратилган. Тарихий асарларда эса глобаллашув жараёни капитализмнинг кўп асрлик тараққиёт босқичларидан бири сифатида талқин этилади. Сиёсатшуносликда трансмиллийлашув жараёни-нинг тезлашуви, дунё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро боқлиқ-ликнинг кучайиши, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар иштирокида янги умумсайёравий тартибнинг шаклланиши тадқиқ этилмоқда. Социология соҳаси мутахассислари маданиятнинг универсаллашуви таъсирида турли мамлакат ва минтақа халқлари турмуш тарзининг яқинлашуви ҳамда бир хиллашувини тасдиқ-лайдиган далилларни изламоқда. Ахлоқшунослар XXI асрда дунёда ягона ахлоқ, этика нормалари қарор топишини башорат қилмоқда. Файласуфлар эса, Кантнинг яхлит абадий дунё ҳамда умумдунёвий ҳукумат ҳақидаги ғоясига таяниб, турли миллат ва халқлар қадриятларининг уйғунлашувини асослашга интилоқда. Кейинги йилларда илмий адабиётда турли фан ютуқларини уйғунлаштириш асосида ҳамда инсониятнинг бирлашуви, ижтимоий воқеликнинг универсаллашуви ҳамда кишилар дунёқарашининг кенгайиши тенденцияларига таяниб, глобаллашув жараёнининг умумий назариясини яратиш борасида интилишлар (мас. А.Валлерстайннинг тизимий ёндашуви ва ҳоказо) кўзга ташланмоқда. Шу б-н биргаликда, глобаллашув жараёнининг турли давлатлар ва халқ-ларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ва маънавий тараққиётига салбий таъсирини илмий тадқиқ этишга эътибор кучайиб бормоқда.

Мавжуд ёндашувларга таянган ҳолда глобаллашув жараёни-нинг қуйидаги умумий жиҳатларига эътибор қаратиш мумкин:

а) глобаллашув — инсоният тамаддуни ривожининг ички эҳтиёжларини ифода этадиган объектив, табиий-тарихий жараён;

б) глобаллашув — ижтимоий алоқаларнинг кенгайиши ва мураккаблашуви оқибатида сайёрамиз миқёсида иқтисодий, техника ва технология, ахборот-коммуникация, сиёсат, ҳуқуқ, бош-қарув ва бошқа соҳалардаги интерграциялашув жараёнларининг кучайиши оқибатида вужудга келган ва ўзига хос тузилма ва институтларга таянган ҳолда фаолият юритадиган мураккаб тизим;

в) глобаллашув жараёнининг тобора кенг кўламда намоён бўлиши жамият ҳаёти, кишилар турмуш тарзи ва менталитетига (янги эҳтиёжларнинг, коммуникация шарт-шароитлари ва шакл-лари, қадриятларнинг пайдо бўлиши, оммавий маданият намуналарини сингдириш орқали) жиддий таъсир кўрсатади;

г) глобаллашувнинг замонавий тамаддун ривожининг юқори босқичи сифатида маданият б-н ўзига хос муносабатлар тизими шаклланади (бир томондан, маданий фаолиятнинг янги шакл ва усуллари, унинг ботиний моҳиятида туб ўзгаришлар рўй берса, иккинчи томондан, маданиятнинг глобаллашув жараёнига таъсири кучаяди).

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда, бир томондан, глобаллашув жараёнининг афзалликларидан (жумладан, иқтисодийнинг барча соҳаларини замонавий техника ва технологиялар асосида жиҳозлаш, инвестицияларни кенг жалб этиш, жаҳон бозорига интеграциялашув ва ҳоказолар) оқилона фойдаланиш, иккинчи томондан, унинг салбий таъсирини (дунёнинг етакчи давлатлари ва трансмиллий корпора-цияларнинг табиий захираларга эгаллик қилишга интилиши, демо-кратияни силжитиш стратегиясининг ишлаб

чиқилиши ва амалга оширилиши, оммавий маданият намуналарининг кенг тарқатилиши, терроризм ва экстремизмнинг глобал тус олиши ва ҳоказолар) бартараф этиш борасида ҳар томонлама ўйланган, изчил сиёсат олиб борилмоқда.

ГЛОБАЛЛАШУВ МУАММОЛАРИ-(франц. global-энг умумий) фанда умумбашарий муаммолар деб ҳам юритилади. Г.м. бутун инсониятга, ер шарига дахлдор бўлган муаммолар бўлиб, ўзининг кўлами ва қамрови жиҳатидан хилма-хилдир. Бу муаммоларга янги жаҳон уруши хавфи, ядро уруши, озон муаммоси, экология муаммоси, Орол муаммоси, “оммавий маънавият”, жиноятчилик, гиёҳвандлик, зўравонлик, ОИТС касаллиги, қашшоқлик, ишсизлик, инфляция, халқаро терроризм, порахўрлик ва б.қалар киради. Г.м.ларни кенг маънода инсон ва табиат ўртасидаги алоқаларнинг бузилиши дейиш мумкин. Дунёнинг умумлашуви, глобаллашуви бир томондан, турли мамлакатларда яшаётган халқларни ўзаро боғланиш, яқинлашув жараёнини тезлаштириш орқали умуминсоний тараққиётга хизмат қилса, иккинчи томондан миллий ўзига хосликнинг барбод бўлишига, мамлакатлар маънавий ҳаётларини бир қолипга солишга, дунёдаги барча миллатлар учун ягона “оммавий маънавият”ни шакллантиришга кучли таъсирини ўтказмоқда. Масалан, компьютер, интернет, телевидение ва б.лар. ““Оммавий маънавият” умуминсоний маънавиятдан тубдан фарқ қилиб, унинг заминида иқтисодий, сиёсий, ҳарбий қудратга эга бўлган, ўз таъсирини жаҳонга ўтказишга қурби етадиган миллат ва халқларнинг маънавияти туради”.(С.Отамуратов. “Глобаллашув ва миллий тарбия”.-Фалсафа ва ҳуқуқ” № 3, 2007. 6-б.) Бундай миллат ва халқларнинг таъсири табиий ҳолатда кечмасдан, балки аниқ мақсад ва манфаатларни кўзлаб олиб бориладиган фаолият натижасида юзага келади.

Г.м. ечимини топиш учун энг аввало табиат б-н инсон ўртасидаги муносабатлар уйғунлигига эришиш лозимдир. Бунинг учун эса бутун дунё халқлари, қайси миллат вакили эканлигидан қатъий назар, умуминсоний маънавият, хусусан умуминсоний ахлоқ тамойиларига амал қилиши, ўз ақл идрокини умумбашарий тараққиёт йўлидаги эзгу ишларга йўналтирмоғи зарур.

ГЕГЕМОНИЗМ – ҳамма соҳада устунлик ва ўз ҳукмига бўйсиндиришни англатувчи тушунча. Г. моҳиятан дунё барқарорлигига йўналтирилган ёки оунга хизмат қилиши керак бўлган жаҳон сиёсатига зид ҳодиса бўлиб, ижтимоий тараққиёт ва жамият аарқарорлиги ва хавфсизлигини издан чиқаради. Баъзи давлатларнинг гегемонликка ҳамма соҳада устунликка ва ўз ҳукмига буйсундиришга даъво б-н чиқиши инсоният тарихининг барча босқичларида ҳар доим ўта салбий оқибатларни келтириб чиқарган. Гегемонлик ҳеч қачон умумбашарий ривожланиш ишига хизмат қилмаган. Лекин ҳозирги нозик даврда унинг салбий таъсири янада яққолроқ сезилмоқда. Бугунги кунда Г. дунё тараққиёти учун жиддий хавф-хатар солаётганига эътибор қаратишнинг сабаби ҳам шунда. Зеро, Г. алоҳида олинган бирон-бир қудратли сиёсий кучнинг манфаатларини устувор даражада биртомонлама таъминлаш мақсадига қаратилгандир. Бу ўз навбатида бошқа томонларнинг манфаатларига зид тушади ва уларнинг бир маромда ривожланишига путур атказди. Бундай адолатсизлик иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан етарли имкониятга эга бўлмаган давлатлар, халқларнинг халқаро жараёнларда тўлақонли иштирок эта олмаслигига сабаб бўладики, натижада табиий равишда бундай мамлакатлар халқларида гегемонликка интилган давлатларга нисбатан нафрат ва норозилик ҳис-туйғуси кучаяди ва бундай ҳолат дунё ҳамжамиятининг барқарор ривожланишига зарар етказди.

ГЕОСИЁСАТ – гс. устувор даражада сиёсий лексиконга тааллуқли бўлиб, давлат ташқи ҳамда ички сиёсати йўналиши, яъни мақсад ва вазифаларига хусусан унинг географик жойлашуви, ҳудудида мавжуд бўлган ресурсларнинг у ёки бу даражада таъсир ўтказиш жараёни б-н боғлиқ ҳолда идрок этилади. Дарҳақиқат, иқтисодни, хўжалик юритишнинг у ёки бу анъанасини, кўп қиррали социал ва маданий муносабатлар тизимини, демакки сиёсий фаолиятни мамлакатнинг географик ҳолатидан, тасарруфидаги табиий ресурслардан айри тасавур қилиб бўлмайди: яъни уларнинг ўзаро ички боғлиқлигини инкор этиш бир томонламалиқдир. Шу нуқтаи назардан сиёсат б-н

географик вазиятнинг муштараклиги объектив ҳолат сифатида бирорта бир эътирозга сабаб бўлмаслиги лозим. Аммо ушбу азалий, ўзгармас уйғунликни, константани талқин қилиш, тарихнинг барча босқичларида, энг муҳим ҳамма сиёсий доираларда мутлоқ тўғри фикр бўлди, илмий аниқлик этикаси қоидаларига риоя қилинди дейиш қийин. Боз устига ушбу қалтис соҳада содир этилган хато, айрим жамиятлар катта талофатлар гирдобига ташланганлигига тарихнинг ўзи гувоҳ.

Географик муҳитнинг сиёсатга, айниқса ташқи ҳамда мудофаа сиёсатига объектив таъсирни асосиз илоҳийлаштирилиши натижасида (нацистлар геосиёсати) миллионлаб бегуноҳ инсонларнинг ёстиғини қуритди. Сиёсат сингари жамият барҳаётлигининг асосий таянчларига ҳам бундай тафаккур жиддий шикаст етказди. Натижада одамлар миясида сиёсатга нисбатан ишонч заифлаштирилди. Аслида таназзул учун сиёсат эмас, аксинча унинг адолатли бўлишига масъул аммо уни ўз тор стратегик бўйсиндирганлар жавобгар эдилар. Дарҳақиқат, сиёсат сингари ҳс. ҳақ. Ҳар бир давлатнинг, қолаверса олам бир бутунлигига бўйсиндирилган бўлиши лозим. Айниқса, бугун XXI асрда маърифий дунё айнан шундай эврилишга чуқур эҳтиёж сезмоқда. Янги аср геосиёсати ўзининг барча, қолаверса “қалашиб ётган” имкониятларини тўла-тўқис инсон равнақи ва хавфсизлигига сафарбар қилиши зарур бўлади. Ҳс. мутлоқ салбий хусусиятларга эга омил сифатида қарашларга чек қўйиши, керак бўлса, аксилинсоний кучлар босимидан уни халос этиб, ўзлигини яна қайта тиклашига дунё ҳамжамяти барча шароитларни яратилиши керак. Инсон тафаккурининг маҳсули ёхуд инсоннинг маънавий юксаклигини таъминлайдиган воситаларнинг барчаси, демакки ҳс. ҳам бугун, яъни XXI асрда ниҳоят ўз айнанлигига қайтиши лозим бўлади. Бу ўз навбатида, инсонларнинг маънавий покланиши, демакки дунёнинг, муносабатларнинг янги сийрат касб этишига хизма қилади.

ГЛОБАЛ (УМУМБАШАРИЙ) МУАММОЛАР (франц. global - энг умумий) – ўз кўлами, қамрови жиҳатидан хилма-хил ва бутун Ер шарига, инсониятга дахлдор бўлган муаммолардир. Г.м., кенг маънода, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлардаги ўзаро алоқаларнинг бузилганлигини англатади. Г.м. ядро уруши, экологик ва маънавий бузилиш муаммоси ва б.ларни ўзида мужассамлаштиради. “Рим клуби” вакиллари: “Сайёрада инсоннинг назоратсиз жойлашиши”, “ижтимоий адолатсизлик”, очлик, тўйиб овқатланмаслик, қашшоқлик, ишсизлик, инфляция, хом-ашё тақчиллиги, саводсизлик, гиёҳвандлик, халқаро терроризм кабиларни ҳам умумбашарий муаммоларнинг кўринишлари деб ҳисобладилар ҳамда уларни ҳал этиш тўғрисида ўз таклифларини бердилар. Г.м. тизимида укологик хавфсизлик ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси бизнинг замонамизда инсониятга катта хавф-хатар манбаи сифатида баҳоланяпти. Г.м. ечимини топиш, умуминсоний маданият, хусусан, умуминсоний маънавий тамойилларга амал қилишни, ҳамжиҳатликни, инсон ақл-идрокини эзгу ишларга йўналтиришни, шу асосда инсон билан табиат ўртасидаги уйғунликни таъминлашга уринишни тақозо этади.

ГЕОСТРАТЕГИК МАҚСАДЛАР – “Макон” тушунчаси оламнинг ҳаракат шаклларида бири сифатида фалсафада айтарлик чалкашлик келтириб чиқараётганича йўқ. Лекин геосиёсатдек дунё барқарорлигига бевосита дахлдор соҳада, маконга нисбатан шу даражада беписандлик юз бермоқдаки, оқибати нима б-н яқунланишини тасаввур қилиш жуда қийин. Даврга монанд геосиёсат фан тармоғи ва амалиёт сифатида ҳам кескин ўзгариши лозим. Маконга, унинг ўзлигига нисбатан худбинликка чек қўйилиши шарт. Янгилик бўлмаса-да, бир нарсани яна бир бор таъкидлаш керак, у ҳам бўлса, маконни, шунчаки тошга айланган физик – географик категория, бир ҳудуд, миллион йиллар давомида барча ўзгаришлар четлаб ўтган геологик унсур ёки одамзод ва ҳайвонот дунёси учун шунчаки бир манзил деб тасаввур қилиш ўта примитивликдир.

Маконнинг холисона, тўғрироғи гуманистик талқини бугунги дунё учун қанчалик зарурлиги ҳақида сўз юритар эканмиз, ўз-ўзидан “геостратегиа” тушунчаси юзага келиб чиқади. Уни “геосиёсат” б-н синонимликда тасаввур этиш, ҳатто “бир нарса” деб ўйлаш мумкин эмас. Бироқ ҳанузгача жиддий илмий ишларда ҳам мана шундай қараш

мавжудлигини афсус б-н қайд этиш лозим. Фикримизча “Геосиёсат” тушунчаси дастлаб ака-ука Хаусхофферлар, бугун эса ота-ўғил Бжезинскийлар талқинида “геостратегия”, қолаверса, “ҳарбий-сиёсий стратегия” тарзида тафаккуримизни забт этди. Ва ундан халос бўлиш жуда оғир кечмоқда. Шу тариқа, геосиёсат ўз фалсафий-маънавий илдизларидан ажралди. Бу ҳам “геосиёсат” ва “геостратегия” тушунчалирининг асоссиз равишда бир хил тасаввур этилиши туфайли содир бўлмоқда. Мана шу жойда илмий тафаккур ўз гуманистик қудратини намоёниш этиши лозимки, унинг натижасида юқоридаги давр парадоксини бугун тушунмасалар балки эртага англашар. Бир замонлар зарарсиздай кўринган бу хато, аниқроғи, “чегарасиз эркинлик” бугун дунё учун жуда қимматга тушиши турган гап. Яъни геосиёсат Г.м.ни, муайян бир маконга геостратегия унсури деб қарашдан воз кечиш дунё учун жуда қимматга тушиши турган гап. Юқоридаги фикрни жамлаган ҳолда Г.м. ер юзидаги барча ҳудудларга ўз иқтисодий, сиёсий ҳамда ҳарбий қудратини янада оширишнинг қулай ва қўшимча ресурси деб қараш, уларга таянган ҳолда империявий, яъни дунёга ҳукмрон бўлишга эришишнинг ифодаси деб қараш тўғри бўлади.

ГЕНОЦИД (юн. *genos* – насл-насаб ва лот. *caedere*–ўлдирияпман, йўқ қиляпман) – одам зоти ва инсониятга қарши қаратилган ҳамда маънавият қонунларига бутунлай зид бўлган энг оғир жиноятлардан бири. Аҳолининг айрим гуруҳларини ирқи, миллати, этник ёки диний белгиларига қараб йўқ қилиш, уларни қасддан батамом ёки қисман қириб ташлашни кўзда тутадиган шарт-шароитларни вужудга келтириш, шунингдек, болалар туғилишини чеклашга қаратилган чоралар кўриш. Г. 18-19 а.ларда баъзи Европа далавлари мустамлакачилик сиёсатида яққол намоён бўлди. Мас., Европаликлар Тасмания ороли одамларини ҳайвонларни овлашгани каби қирғин қилганлар, охириги тасманиялик одам 1843 йилда отиб ўлдирилган. Г. II жаҳон уруши йилларида гитлерчилар томонидан аҳолининг яҳудий қатламларига нисбатан оммавий равишда амалга оширилди. Г.га оид жиноятлар, шунингдек, жиноий гуруҳ Пол Пот ва Иенг Сари ҳукмронлиги даврида Кампучия халқига қарши қўлланилди. Геноцид апартеидга хос бўлган айрим хусусиятларни ўз ичига олади. “Геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазолар тўғрисида” (1948) ги Халқаро конвенция Г.ни содир этишга айбдор деб топилган шахсларга нисбатан халқаро жиноий жавобгарликни белгилайди.

ГЕНОФОНД — генлар захираси; турли ген (ирқ)ларнинг тарқалиши, уларнинг нисбий миқдор ва таркибий сифати; у ёки бу организмларнинг тарқалганлиги. Меросий белгиларни ўрганиш ва аниқлаш инсон генетикаси учун ҳам, жониворлар ҳамда ўсимликлар генетикаси учун ҳам чуқур аҳамиятга эга. Генларнинг кетиб қолиши ёки қириб келиши ҳисобига Г. сезиларли даражада ижобий ёки салбий бўлиши мумкин, бунда унинг мослашиш имконияти даражаси ошади ёки пасаяди. Ҳозирги вақтда Г.ни сақлаш муаммоси дунёнинг барча мамлакатлари учун долзарб масалага айланган. Мамлакатдан кўплаб чиқиб кетиш ва мамлакат ичида бир жойдан бошқа жойга кўчиб ўтиш муносабати билан Г.нинг сезиларли қайта тақсимланиши, шунингдек, мамлакат айрим минтақалари ҳудудидан чиқиб кетиши юз бермоқда. Бундай вазиятда асосан илмий, ижодий, техник зиёлиларнинг, малакали мутахассисларнинг ҳамда ижтимоий қимматга эга инсонларнинг миграцияси Г.нинг қашшоқлашишига олиб келади. Бу ҳол исталган мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва интеллектуал салоҳиятига салбий таъсир этади.

ГУМАНИЗМ (лот. *humanus* – инсонийлик) – инсонга нисбатан юксак маънавият тамойиллари асосида муносабатда бўлиш, инсонпарварлик ғояси ва амалиёти. Ғарб Г.и: 1) Европа маданияти тараққиётидаги муайян тарихий босқич, Уйғониш даврига хос фалсафий-амалий тафаккур тарзи; 2) жамиятга муносабат ва уни идрок этиш тизими тарзида талқин қилинади. XIV-XVI а.лардаги Европа Ренессанси черков ақидаларининг инсон руҳи устидан мутлақ ҳукмронлигига қарши вужудга келган ҳаракат бўлиб, тафаккурда Г. шаклида намоён бўлди. Г. Августин рад этган “инсоний ўлчамларга биноан яшаш”ни ҳимоя қилди, уни Тангри иродасига зид эмас, балки мувофиқ деб баҳолади. Аксарият Европа олимлари Г.нинг “антропоцентризм” (борлик моҳиятининг асосига

инсон иродасини кўйиш) ғоясига таянишини эътироф этадилар. Г. ривожини тадқиқотчилар турли босқичларга ажратадилар: 1) илк Г. – XIV-а.нинг 30-90- й.лари; 2) Г.нинг юксалиши – XIV а.нинг I ярми; 3) бевосита гуманистик талқиндаги неоплатонизмнинг таркиб топиши – XV а.нинг II ярмидан XVI-а. бошларигача; 4) Г. ғоялари мазмунидан чекинишлар ва Г. ҳаракатининг сўниши – XVI-а.нинг 2-ярми. Илк гуманистлар инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларига эътиборни қаратиб, инсонни борлиқ марказига қўйдилар. Бу даврда инсон ҳақидаги илмларга, айниқса, шеърят ва ахлоқ илмига қизиқиш кучайди. Қад. юнон ва Рим алломалари яратган меросни жиддий ўрганиш кенг тус олди. Бу давр мутафаккирлари ердаги моддий ҳаёт инсон учун берилган, уни эзгулик ва адолатнинг табиий қонунларига мувофиқ равишда тартибга солиш ҳам инсоннинг ўз қўлидадир, деган ғояни илгари сурдилар. XV а. II ярмидан бошлаб гуманистлар бевосита неоплатонизм ғояларининг янги талқинини ишлаб чиқишга киришдилар. Неоплатониклар инсоннинг тангрига бўлган муносабатини талқин этишда ибтидоий тасаввурларни енгиб ўтиб, борлиқни яхлит тизим сифатида тушундилар. Табиат ва илоҳий моҳиятнинг ўзаро ички боғлиқлигига эътибор бердилар. Улар ўрта асрларга хос таркидунёчилик кайфиятидан юз ўгириб, ёруғ дунё гўзаллигини илоҳийлаштирдилар. Г. моҳиятидаги эврилишларга ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар ҳам таъсир кўрсатди, охир оқибатда Г. ўз ўрнини янги қарашларга бўшатиб бера бошлади. Кенг маънода Г. инсон шахсини борлиқнинг асосига қўйиб, уни улуғлашга йўналтирилган қарашлар мажмуидир. Шу маънода Г. тушунчаси турли тарихий даврлар ва турли ҳудудларда тарқалган турлича таълимотлар ва дунёқараш тизимларига татбиқан ҳам ишлатилади. Ўзбек тилига кенг маънодаги Г. тушунчаси “инсонпарварлик” деб ўтирилган. “Антик давр гуманизми”, “Шарқ гуманизми” “христиан гуманизми”, “ислом гуманизми” каби тушунчалар фанга анча кейин кириб келди. Г. Бугунги кунда маънавият талаблари ва тамойиллоарини амалга ошириш усули ва воситаси сифатида ҳам намоён бўлмоқда.

ГУМАНИСТИК ЭЪТИҚОД – инсон борлигини, унга хос маънавият, маданият ва маърифатни улуғловчи, бу борада миллийлик б-н умуминсонийликнинг муштарақлигини таъминловчи ишонч, билимлар, ғоя ва қарашлар мажмуи. Г.Э. инсон маънавияти, хулқ-атвори, хатти-ҳаракатини, унинг бутун ҳаётий фаолиятини умуминсоний манфаат томон йўналтириб турувчи, унга куч-қувват ато этувчи кудратдир. Г.э. умуминсоний ахлоқий, ҳуқуқий нормаларга, маънавий тамойилларга таянади. Г.э. ўзида фақат инсон ҳақ-ҳуқуқларининг энг асосий тамойиллари, нормалари ҳақидаги билимларнигина эмас, балки ўша тамойиллар, нормаларга бўлган садоқатни, унга асосланган хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатни ҳам ўзида мужассамлаштиради. Г.э. инсон онги ва фаолияти орасидаги ўзаро алоқадорликни билим, хулқ-атвор, хатти-ҳаракатнинг узвий боғлиқлигини ифодалайди. У инсон амалий фаолиятини бошқариб турувчи маънавий мезон бўлиб, инсоний муносабатларда намоён бўлади. Г.э. нинг шаклланиш жараёни, фуқароларнинг ҳаётдаги позицияси б-н ҳам бевосита боғлиқ. Г.э. мустаҳкамлигини ифодаловчи энг муҳим кўрсаткич умуминсоний қадриятларга садоқат, юксак маънавият талабларига риоя қилиш, уларни муқаррар деб билиш ва уларга содиқликдир.

ГАСТЕРБАЙТЕР. “Гастербайтер” немисча термин бўлиб, “ёлланма ишчи” деган маънони англатади. Гастербайтерлик XX асрнинг 50-йилларида Германияда машҳур “Маршалл режаси” сиёсати даврида пайдо бўлган. II – жаҳон урушидан сўнг жаҳонда икки ҳарбий – сиёсий блок ва икки қарама-қарши кутбий лагер пайдо бўлди. АҚШ ўзининг “Маршалл режаси” ёрдамида Ғарбий Германияни қайта тиклаш сиёсатини олиб борди. Саноатни, қишлоқ хўжалиги ва х.к. соҳаларни ривожлантириш учун жуда катта меҳнат ресурслари керак эди. Бундай ҳолатга нисбатан қоқоқ мамлакатлар, хусусан Туркия давлати жавоб бера олди. У ердан Германияга иш қидириб келган мигрантларга “гастербайтерлар” деган ном қўйилди. XX асрнинг 50-йилларида Ғарбий Германия ишлаб чиқаришида қарийб 2 млн тури “гастербайтер”лари хизмат қилишган. Кўпчилиги кейинчалик Германия фуқаролини қабул қилди. Ҳозирда Германияда 3 млндан зиёд турк диаспораси мавжудлиги қайд этилган Гастербайтерлик ортиқча меҳнат ресурслари бор,

бандлик муаамоси ҳал этилмаган, иқтисодий жиҳатдан ривожланмаган, турмуш даражаси паст мамлакатлар ҳисобига кўпаяди. Иқтисодий қолоқ мамлакатлардан ривожланган мамлакатларга меҳнат ресурслари гоҳида легал, гоҳида нелегал оқиб киради. “Гастербайтерлик” асосан нолегал мигрантлар ҳисобига шаклланади. Жаҳонда Африка мамлакатларидан Ғарбий Европа мамлакатлари – Испания, Португалия, Голландия, Швеция каби мамлакатларга, америкада эса АҚШ ва Канадага Мексика, Гватемала, Боливия, Колумбия, Чили, Перу ва бошқа мамлакатлардан, Марказий Осиё ёки мустақил давлатларидан эса Россия, Жанубий Корея, Қозоғистон, Яқин Шарқ мамлакатларига “гастербайтерлар” оқими нолегал миграция кузатилади.

МАНИПУЛЯЦИЯ (лат.manipulus – қўл ҳаракати).

1. Қўл машки, қўл ҳаракати, шу жумладан қўл маҳоратига таянган фокус намойиш қилиш.

2. Махинация, алдов, товламачилик, қаллоблик.

3. Одамда маълум мотивацион ҳолатлар (шу б-н биргаликда ҳиссиётлар, аттитюдлар, стереотиплар) таъсирининг фаоллаштирилишига олиб келадиган коммуникацион таъсир. Бу таъсир одамни коммуникатор учун исталган (фойдали бўлган) ҳатти-ҳаракатга ундайди. Е.Л.Доценконинг таърифича, манипуляция – психологик таъсир турларидан бири ҳисобланиб, ундан ўзга кишини маълум ҳатти-ҳаракатларни амалга оширишга яширин ҳолда ундаш ёрдамида бир томонлама ютуққа эришиш мақсадида фойдаланилади. Бунда таъсир объекти (адресат) томонидан субъект (актни амалга оширувчи) ўз мақсадларини амалга ошириш воситаси сифатида қаралади. Бошқача айтганда, объект тўлиқ назорат ва бошқарувнинг ҳукмронлиги таъсири остидаги нарса даражасига туширилади. М.нинг оқибатлари ички парокандалик, шахс яхлитлигининг бузилиши, шахсга инқирозли таъсир хавфларини келтириб чиқаради. Америкалик ижтимоий психолог Р.Чалдини М.нинг бир қанча типик вазиятларини ажратиб кўрсатади: масалан, ёрдам сўраш; сотувчининг, рекламанинг харидорга таъсири; сиёсий тарғибот; болаларни тарбиялаш ва ҳ. У, шунингдек, шундай кишилар рўйхатини илгари сурадики, М. улар учун “ишлаб чиқариш воситалари” ҳисобланади: масалан, турли хил фондлар учун маблағ йиғувчилар; кўчада савдо қилувчилар; ишбилармонлар; бизнесменлар; савдо агентлари; реклама ходимлари ва ҳ. Э.Шостромнинг фикрича, М. нисбатан кўпроқ тарқалган ҳодиса ҳисобланади: амалда ҳар қандай одам у ёки бу даражада “манипулятор” дир. У доимий ҳолда атрофдагиларни М. қилади ва шу б-н биргаликда атрофдагилар томонидан М. қилинади. М.нинг энг юксак даражаси ғайридиний ташкилотлар (деструктив культлар) фаолиятида кўзга ташланади. Бунда одамларнинг онги назорат остига олинади. Онгнинг назорати қуйидаги соҳаларни қамраб олиниши б-н эътиборлидир: а) ҳатти-ҳаракатлар назорати (индивидуал жисмоний ҳаётнинг бошқарилиши, ўзга машғулотлар учун бўш вақтнинг қолмаслиги, тобелик ва бўйсинувчанлик малакаларини шакллантириш); б) маълумотларнинг назорати (маълумотларнинг қасддан яширилиши ёки бузиб кўрсатилиши, ғайридиний ташкилотларни танқид қилувчи маълумотларни қабул қилишнинг таъқиқланиши, ғайридиний ташкилот чиқараётган маълумотлар б-н чегараланиш); в) тафаккурнинг назорати (ташкилот ғоясининг мажбурий сингдирилиши, фикрларнинг шу ғоя нуқтаи-назаридан “яхши” ва “ёмон”га ажратилиши, ғоя ва ташкилот раҳбари ҳақида танқидий фикр билдирилишининг таъқиқланиши); г) эмоцияларнинг назорати (шахс ҳиссиётларининг торайтирилиши, уят ва айбдорлик туйғусининг ишлаб чиқилиши ва сингдирилиши, ўз гуноҳлари, заиф томонлари ва хатоларининг анъанавий ва оммавий ҳолда тан олинаши, кўркувдан фойдаланиш). Америкалик психотерапевт С.Хассен онг устидан назорат қилишга эришишнинг учта босқичини ажратиб кўрсатган: 1) шахсни инқирозга учратиш жараёни; 2) ғоявий ишлов бериш жараёни; 3) янги шахсни мустаҳкамлаш жараёни.

ХАЛҚАРО НИЗОЛАР - халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасида расмий ҳисобланган келишмовчилик бўлиб, ҳуқуқ ёки мавжуд юз берган факт масалалари юзасидан келиб

чиқиши мумкин. Халқаро низолар икки томонлама ёки кўп томонлама бўлади. Аниқ давлатлар ва бошқа давлатлар фаолиятининг жавобгарлигида ҳар хил тармоғида у ёки бу халқаро шартномаларни қўллаш ёки тузиш, тушунтириш жараёнидаги муносабатларда вужудга келади. Ҳар қандай давлатлараро келишмовчиликлар халқаро низолар бўлиб ҳисобланмайди. Халқаро низоларнинг мавжудлиги фактини тан олиш бу низони бартараф этиш мажбуриятини келтириб чиқаради. Халқаро амалиётда тез-тез учраб турадиган ҳолатлар, қачонки бир тараф қаттиқ туриб олади, иккинчи тарафга ён босишни хохламайди, бунда халқаро низолар вужудга келган бўлади, айрим давлатлар халқаро низолар фактининг вужудга келганлигини тан олмайди. Бундай ҳолатларда давлат ўзининг тутган ўрни, мавқеини бушаштиришни хохламаганлиги туфайли зарурат сифатида шу ҳолатни сақлайди. Чунки бундай тараф ўзининг тутган ўрнини мутлоқ низосиз деб ҳисоблаб, кўриб чиқмайди. Халқаро низоларни тинчлик йўли б-н кўриб чиқиш принципи асосида тинчлик воситалари ёрдамида ҳал қилинади.

ХАЛҚАРО САНКЦИЯ - халқаро ҳуқуқ нормаларининг таркибий элементи бўлиб, бунда айрим давлатлар томонидан халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя этилмаслиги оқибатида унга нисбатан халқаро ташкилотлар, асосан БМТ томонидан сиёсий, иқтисодий ва хоказо мажбурлов чораларини қўллаш ҳисобланади. БМТ Уставининг VII бўлимида Халқаро санкция еифатида, башарти, тинчликка хавф солиш ҳолатлари бўлганда жамоа чораларини қўллаш киритилган, Амалиётда БМТ томонидан БМТ Уставининг 41-моддасига асосан 1966 ва 1968 йилларда Халқаро санкция Жанубий Родезия давлатининг режимига нисбатан қўлланилган. Халқаро санкция — Эрон, Ливия, собиқ, Югославия, Ироқ ва ҳозирги кунда Афғонистонга нисбатан қўлланилди.

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР - ҳукуматлараро ва ноҳукумат хусиятидаги доимий бирлашган ташкилотлар халқаро битимлар асосида тузилади. Халқаро ташкилотлар давлатлар ҳамкорлигини ҳар томонлама ривожлантиришда ва таъсис ҳужжатларига асосланган ҳолда, асосий мақсади халқаро муаммоларни ҳал қилишга, аниқлашга хизмат қилади. Халқаро ташкилотларнинг пайдо бўлиш жараёни, асосан Иккинчи жаҳон урушидан кейин бошланди. Бунга мисол қилиб БМТ ташкил этилишини келтириш мумкин. Халқаро ташкилот, ўз мазмунига кўра бир катор алоҳида хусусиятларга эгадир, бу институт халқаро муносабатларнинг муҳим соҳаларидан ташкил топган. Халқаро ташкилотлар фаолиятидаги йўналиш ва асосий мақсади, фаолиятининг асосий усули сифатида ҳар томонлама музокараларда қатнашиш ҳуқуқидан мукамал фойдаланиш ва муаммоларни муҳокама тариқасидаги кучга эга бўлган қарорлар қабул қилишдан иборат. Халқаро ташкилот, ҳукуматлараро ва ноҳукумат халқаро ташкилотлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлардан фарқ қилади.

ХАЛҚАРО ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ - деганда давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг фаолиятидаги мақсади тинчликнинг бУзилишига йўл қўймаслик ва халқаро хавфсизликка таҳдид қилишнинг олдини олишдан иборат бўлиб, жумладан, халқаро ҳуқуқнинг асосий принципига айниқса куч ишлатиш ва таҳдид солишни ман этишга асосланади. Халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш фаолияти давлатлараро сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа халқаро ҳаётга тааллуқли бўлган тармоқларни янада ривожлантириш ва ўрнатишдан иборат. Бундан ташқари, халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлашнинг махсус нормативли, ташкилий ва моддий хусусиятга эга бўлган қафолатлари мавжуддир. Халқаро низоларда ва тинчлик йўли б-н барқарорлаштиришда ва мавжуд жамоа хавфсизликни қўллаб-қувватлашда ташкилий қафолатлар ташкил этилади. Моддий қафолатларга қуроллаштирилишнинг чекланиши ва қуролсизлантириш каби чоралар қиради. Халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлашда махсус ваколатга БМТ эгадир. У Низомининг I-моддасига асосан халқаро тинчликни ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш ва шу мақсадда унинг олдини олишда эффектли жамоа чораларини қўллашда тинчлик йўл б-н ҳал қилиш мақсадини кўзлайди.

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ - маълум тарихий даврда

халқаро ҳаётнинг асосий ва муҳим масалалари бўйича халқаро муносабат субъектларининг хатти-ҳаракатлари акс эттирилган, умум тан олинган қоидалардан иборат. Халқаро ҳуқуқнинг ҳар қандай субъекти бу тамойилларни эътироф этганлигини эълон қилинганлигидан қатъи назар, уларга риоя қилиши лозим. Асосий тамойилларнинг мажбурий характери шуни билдирадики, давлат ўзининг ташқи сиёсатида нафақат қаттиқ риоя этиши, балки халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари б-н муносабатда бўлганда, бевосита ўзининг ички қонунларини ҳам янада такомиллаштириши лозим. 1992 йили 2 мартда Ўзбекистон Республикаси БМТга аъзо бўлиб кирганда, Ўзбекистон учун бу кириш номига расмий бўлди. 1990 йил 20 июндаги Мустақиллик Декларацияси халқаро ҳуқуқ қоидаларига биноан бир томонлама эълон қилинган эди. БМТ Уставига ва халқаро ҳуқуқнинг тамойиллари тўғрисидаги Декларацияда куйидаги етти асосий тамойиллар белгиланган: Халқаро муносабатларда куч ишлатиш ёки қўллаш, кўркитишни рад қилиш; Халқаро низоларни тинчлик йўли б-н ҳал этиш; Бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик; БМТ Уставига асосан бошқа давлатлар б-н ҳамкорликда бўлиш; Давлатларнинг суверенитетига ҳурмат б-н қараш; халқларнинг тенг ҳуқуқдиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаши; БМТ Уставига асосан аъзоликка қабул қилинган давлатлар ўз мажбуриятларини виждонан бажаришлари зарурлиги. 1966 йили Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Пактнинг кучга кириши муносабати б-н асосий тамойил руйхатига саққизинчи тамойил - Инсон ҳуқуқига ҳурмат қўшилди.

ХАЛҚЛАР ҲУҚУҚИ - халқаро ҳуқуқ субъекти ҳисобланган халқлар (давлатлар)нинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солувчи халқаро ҳуқуқий нормаларнинг шаклланаётган тизими айрим ҳолларда "халқаро ҳуқуқдаги халқлар ҳуқуқи" деб ҳам номланади. Янги тизимдаги бу ҳуқуқнинг вужудга келиши жаҳондаги этник ўзликни англаш б-н боғлиқ. Халқлар ҳуқуқининг жаҳон эътироф этган ҳужжати 1999 йилга қадар ишлаб чиқилмаган, бу ҳуқуқлар бир қатор минтақаларо декларацияларда ўз аксини топди: 1983 йил - АСЕАН давлатлари ва халқларининг асосий мажбуриятлари акс этган декларация, 1986 йил - ривожланиш ҳуқуқини мустаҳкамловчи БМТ Декларацияси, 1988 йил — халқлар ва индивидларнинг инсонийлик ҳуқуқи мустаҳкамланган Осиё - Тинч океани декларацияси, 1988 йил Халқлар ва инсонлар ҳуқуқи тўғрисидаги Тунис декларацияси, шунингдек, давлатларо ҳужжат ҳисобланган 1981 йил Халқлар ва инсонлар ҳуқуқини мустаҳкамловчи Африка хартияси, геноцид, расизм, иркий камситишни тақиқдаш тўғрисидаги конвенциялар. Халқлар ҳуқуқи тизимига: халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўз табиий бойликлари ва ресурсларига эркин эгаллик қилиш, ҳудудий ҳуқуқи, тинчлик ҳуқуқи, яшаш ҳуқуқи, миллатлар халқаро хавфсизлиги ҳуқуқи, дунёвий ва миллий муаммоларни ҳал этишда қатнашиш ҳуқуқи, эркинлик ҳуқуқи, халқларни ҳурмат қилиш, халқлар б-н ахборот алмашиш ҳуқуқлари ва қатор бошқа ҳуқуқлар киради.

ЦИВИЛИЗАЦИЯ — (лот. *civilis*—фуқаровий, ижтимоий) — серкирра ва мураккаб мазмунга эга бўлган ижтимоийфалий тушунча. Ц. тушунчасини шотланд тарихчиси ва файласуфи А.Фергюссон (1723—1816) жаҳон тарихий жараёнининг маълум бир босқичини ифодалаш учун, француз маърифатпарварлари ақлидрок ва адолатга асосланган жамият, деган маънода ишлатган эдилар. Ундан кейин ҳам Ц. тушунчасига турлича мазмун бериш давом этди. Айрим ҳолда уни маданиятнинг, баъзан фақат моддий маданиятнинг синоними сифатида ишлатган бўлсалар, немис файласуфи О.Шпенглер эса, аксинча, уни маданиятнинг антиподи маъносида, яъни маданиятнинг ҳалок бўлиш жараёни босқичини характерлаш учун, инглиз социологи ва тарихчиси А.Тойнби эса ўзига хос ва нисбатан ёпиқ бўлган жамиятларни ифодалаш учун ишлатган. Ц. тушунчасининг ҳажми ва мазмунини белгилашда турфа хиллик ҳоз. вақтда ҳам сақланиб қолмоқда. Бу тушунча: 1) ижтимоий ривожланишнинг ёввойилик ва варварликдан кейин келадиган босқичини; 2) умуман кишилик жамияти ривожланишининг маълум бир босқичини (мас., неолит, нокапиталистик ёки ҳозирги замон Ц.си); 3) маълум бир ижтимоийқтисодий формацияни; 4) географик жиҳатдан фарқланувчи бирликларни (мас., Европа ёки Осиё

Ц.си); 5) диний мансублигига кўра, фарқланувчи маданий бирликларни (мас., христиан ёки ислом Ц.си); 6) келиб чиқиши ва планетар мансублигига кўра фарқланувчи бирликларни (мас., Ер Ц.си, Ердан ташқаридаги Ц.лар); 7) этник асосга кўра фарқланувчи ижтимоиймаданий бирликларни (мас., қад. Миср ёки Бобил Ц.си) ва шу каби маъноларни ифодалаш учун қўлланиб келмоқда. ҳар қандай илмий тушунча маълум мазмунни ифодалаб, муайян ижтимоий ҳодиса, жараёни тушунтиришга хизмат қилмоғи, демакки, методологик аҳамиятга эга бўлмоғи лозим. Мана шу нуқтаи назардан қаралса, Ц. тушунчасини юқоридаги маъноларда ишлатишда муайян бир ёқламалик борлигини кўриш мумкин. Ц. тушунчасини ижтимоий ривожланишнинг ёввойилик ва варварликдан кейин келадиган босқичини ифодалаш учун ишлатиш маълум маънода ўринли. Чунки бундай маънода ишлатилганда, Ц. тушунчаси кишилик жамияти ривожланишининг ибтидоий ҳолатидан кейинги даврни тўлалигича қамраб олади. Бундай ёндашувда Ц. тушунчаси ижтимоийиктисодий формация тушунчасига нисбатан кенг мазмун касб этади. Ц. тушунчасини географик жиҳатдан фарқланувчи бирликларни ифодалаш учун ишлатиш эса умуман ўринли эмас. Мас., Осиёда ривожланишнинг турли даражаларида турган халқлар мавжуд. Албатта, маълум бир географик маконда яшаш ижтимоиймаданий ҳаётда қандайдир ўхшаш, умумий томонларни келтириб чиқариши табиий. Аммо бу ўзининг дини, тили, маданияти, турмуш тарзига кўра бирбиридан фарқланувчи турли халқларни мустаҳкам бирлик, яхлитлик деб баҳолаш учун асос бўла олмайди. Ц. термини диний мансублигига кўра, фарқланувчи кишилар бирлигига нисбатан ишлатилганда ҳам илмий тушунча сифатида бирор бир қимматга эга бўлмайди. Биринчидан, ўтмишда ҳам, ҳоз. ҳам на ислом олами, на христиан дунёси мустаҳкам бир бутунликни, яхлитликни ташкил этмаган. Иккинчидан, юқоридаги динларнинг ҳар бирининг ичида турли оқимлар мавжудки, бу уларнинг монолит бирликни ташкил этмаслигидан далолат беради. Учинчидан, диний мансублик муайян из қолдирсада, лекин ҳеч қачон халқлар ҳаётини тўлалигича белгилаб бермайди. Ц. тарихнинг, жамиятнинг сифатий ўзига хослигини, у ёки бу мамлакат доирасида амал қиладиган, ишлаб чиқариш кучлари, инсон фаолияти, маданияти томонидан белгиланадиган умумий ижтимоий қонуниятларнинг спецификасини ифодалайди. Буларнинг барчаси Ц.ни яхлит бирлик сифатида мавжуд бўлиши учун имконият яратади. Бу сифатий хусусиятларнинг йўқолиши Ц.нинг ҳалокатини англатади. Юқоридаги мулоҳазалардан шуни хулоса қилиб айтиш мумкики, Ц. тушунчаси муайян халқ, мамлакат (жамият)га ёки унинг ривожланишининг сифатий жиҳатдан фарқланувчи айрим босқичларига нисбатан ишлатилгандагина, у аниқ илмий мазмунга ва демакки, методологик аҳамиятга эга бўлади. Айнан этник бирликлар, мамлакатлар даражасида Ц.нинг ўзига хослиги, асосий характеристикалари ўзини яққол намоён этади. Ц.нинг моҳиятини тушунишда унга мансуб бўлган маданиятнинг ролини англаш муҳимдир. Агар ишлаб чиқариш кучлари Ц.нинг моддий асосини ташкил этса, маданият ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади, унинг қиёфасини, ўзига хос рангини белгилаб беради. ҳатто ишлаб чиқариш кучларига ҳам ўзига хос характерлилик, аҳамиятлилики беради. Бу б-н маданият ижтимоий ҳаётнинг ташкиллашувини, яъни Ц.нинг шаклланишини, мавжуд бўлиши ва ривожланишини белгилаб берувчи ўзига хос негиз, ўқ вазифасини ўтайди. Демак, Ц. маданиятнинг конкрет намоён бўлишини, унинг реал мавжуд ҳаётини акс эттиради. Тарих тақозоси б-н муайян ҳудудда шаклланган Ц.га гоҳ табиий муҳит, гоҳида ижтимоий шартшароит кўпроқ таъсир кўрсатган бўлиши мумкин. Мас., Ўзбекистон Ц.сида бу омилларнинг барчаси ўзи хос аҳамият касб этган. Республикамиз тарихининг кейинги ўн минг йили таҳлил қилинса, дунёвий ва диний қарашлар ёнмаён яшаб келганлигини кузатиш мумкин. Ц. маданий ва маънавий тараққиёт маҳсули сифатида вужудга келган. Ц.лашган тараққиётгина миллий маданият равнақи учун кенг имкониятлар яратади. Миллий маданият Ц.нинг асосий таркибий қисмларидан биридир. Миллий маданиятдан узилиб қолган Ц. охиросида инқирозга маҳкум бўлади. Мас., ҳозир йўқолиб кетган Америкадаги майя Ц.си. Улардан бугун 100дан ортиқ шаҳарлар вайроналари қолган. Ц.лар ўз шаклига кўра Шарқ ва Ғарб Ц.лари, христиан ва

мусулмон Ҷ.лари, худудий ва *жаҳон цивилизацияси* кабилардан иборат. Ўзбек халқи Шарқ Ҷ.си бағрида камол топди. Ватан ва онанинг муқаддаслиги, жамоавийлик, ўзаро ёрдам, табиатга оқилона муносабат, меҳнатсеварлик, сабртоқатлик, катталарга хурмат, камбағалпарварлик ва б. Шарқ Ҷ.га хос белгилардир. Ўзбекистон жаҳон Ҷ.си тараққиётига илмфан, ахлоқ, дин, санъат ва маданият соҳасидаги улкан ютуқлари б-н муносиб ҳисса қўшди. Миллий мустақиллик йилларида Ўзбекистон ўз миллий кадриятлари, маънавий мероси ва бой маданиятига таяниб, Шарқ ва ғарб-нинг умумбашарий кадриятлари ва тажрибаларини ижодий ўзлаштириб, дунёвий Ҷ. йўлидан бормоқда.

ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ - деганда, тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига чет эллик инвесторлар қўшадиган барча турдаги мулкӣ, молиявий ва интеллектуал бойликлар тушунилади. Бундай бойликлар: пул маблағлари, аниқ мақсадли банк омонатлари, улушлар, акциялар, суғурта полислари ва бошқа қимматли қоғозлардан; кўчар ва кўчмас мол-мулкдан (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар ва бошқа моддий бойликлар); муаллифлик ҳуқуқларидан келиб чиқадиган мулкӣ ва мулкка оид бўлмаган ҳуқуқлар ва бошқа интеллектуал бойликлардан; Ўзбекистон Республикаси, мамлакат юридик шахслари ва фуқароларининг эғалигидаги ердан, мол-мулкдан ҳамда табиий бойликлардан фойдаланишга чет эллик инвесторлар сотиб олган ижара ҳуқуқларидан; ўзга бойликлардан иборат бўлиши мумкин.

ЧЕГАРАЛАР ДАХЛСИЗЛИГИ - давлат мустақиллиги амал қилувчи худуд давлат чегараси б-н белгиланганини ва ўнга тажовўз қилиш тақиқланганлигини билдирувчи халқаро ҳуқуқ тамойили. Чегараларни бузиш давлат мустақиллигига ҳиёнат қилишни билдиради. Давлат чегараларини мажбуран ўзгартириш халқаро ҳуқуқ томонидан тақиқланган аннексиядир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида қайд қилинган чегараларнинг дахлсизлиги мамлакатимиз ташқи сиёсатининг асосий тамойилидир.

ШАРҚ РЕНЕССАНСИ – Шарқ маънавий-маърифий, маданий ҳаётидаги Уйғониш, яъни ршарқ халқлари ивожининг юксалиш даврлари. Ш.р.ни икки даврга бўлиш мумкин. Биринчи – Марказий Осиёда муғуллар истилосигача бўлган давр, у Ал-Бухорий, Ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино каби қомусий олимлар, астроном алФарғоний, Бухоро тарихчиси Наршахий, мутафаккирлар Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Хожиб ва б. номлари ва ижодлари б-н боғлиқ. Бу даврда яшаган мутафаккирларнинг деярли барчаларига қуйидаги хусусиятлар хос: маданиятнинг ўтмишда эришган ютуқларини, хусусан, қад. Юнон, ҳинд, Хитой меросини чуқур ўрганиш ва уни ижодий ривожлантириш; табиатни ўрганишга қизиқишнинг ортиши ва табиий фанлар тараққиёти (астрономия, география, математика, риёзиёт, медицина ва ҳ.к.); рационализм, яъни ақлни ҳақиқатнинг мезони сифатида тан олиш ва бунинг натижасида мантиқни ривожлантириш; ақидапарастликни рад этиш ва ҳурфикрлиликнинг ривожланиши; инсонпарварликни улуғлаш, инсоннинг ахлоқий, маънавий гўзаллигини, камолотини Аллоҳнинг юксак инъоми сифатида талқин этилиши; сўз санъатига муҳаббат; илмий асарнинг бадиий шаклига алоҳида эътибор берилиши; қомусий билимларга эга бўлишлик. Бу даврда яшаган мутафаккирлар фан ва санъатнинг кўп соҳаларини чуқур билган алломалар бўлганлар. Бу даврда Яқин Шарқда Ал-Маъмун халифалик қилган даврда (813–833) давлат илммаърифатнинг ўсишига ёрдам берди. Бағдодда, сўнгра Дамашқда астрономик обсерваториялар қурилди. Бағдодда “Байт улҳикма” (“Донишмандлик уйи”) ташкил этилди. Бу илм даргоҳларида ўрта Осиёлик олимлар фаол иштирок этдилар. 11-нинг бошларида Хоразмда машҳур “Маъмун академияси” ташкил қилинди. Бу ерда Беруний атрофига ўша замоннинг бир гуруҳ олимлари, жумладан, Абу Али иб-н Сино, Абу Наср бинИроқ, шунингдек, фай. Абу Саҳл Масихий, табиб Абул хайр ҳаммор ва б. олимлар кўплаб илмий изланишлар олиб бордилар. Бу даврда табиёт илми, пантеистик фал.б-н бирга ислом илоҳиёти ҳам кенг ривожланди. Муҳаддис сифатида бутун мусулмон оламида машҳур Имом Бухорий, Имом Исо атТермизий, калом таълимотининг

асосчилари Абу Мансур Мотуридий, Бурхониддин алМарғиноний ва Абу хомид Муҳаммад алҒаззолийлар ислом дини ривожига катта ҳисса қўшдилар. Иккинчи Ренессанс – Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар сулоласи ҳукмронлик қилган (XVI а.лар) даврга, тўғри келади. Бу даврда яшаб, ижод этган олим ва мутафаккирлар Саъиддин Тафтазоний, Мир Саййид Шариф Журжоний, Муҳаммад Тарағай Улуғбек, Ғиёсиддин Жамшид алКоший, Алоуддин Али иб-н Муҳаммад кушчи, Абдурахмон Жомий, Низомиддин Мир Алишер Навоий, Камолиддин ҳусайн Воиз Кошифий, машҳур тарихчилар Мирхонд ва Хондамир, рассомлар Камолиддин Бехзод ва шох Музаффарларнинг номлари дунёга машҳур бўлган. Бу даврда давлатни бошқаришда дин ва тасаввуф қоидаларига алоҳида эътибор берилди. Аҳмад Яссавий ва Баҳоуддин Нақшбанд таълимотлари маънавият ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлди. Илмфан ривожлантирилди, меъморчилик санъати юксак даражага кўтарилди. Амир Темур Кўксарой масжиди, Шоҳизинда, Бибихоним мадрасасини қурдирди. Кешда (Шаҳрисабз) Оксарой барпо этилди. Мирзо Улуғбек даврида Регистонда, кейинчалик Бухоро ва Ғиждувонда мадрасалар, Бибихоним масжиди, Гўри Амир мақбараси, Улуғбекнинг фалакиёт расадхонаси қурилди. Илмфан, хусусан фал.мантиқ илми ривожига катта эътибор берилди. Бунинг натижасида 14–15 а.дан бошлаб ислом мадрасаларида мантиқ илмини ўқитиш ҳуқуқ ва тилшунослик фанлари б-н боғлиқ ҳолда олиб борилди. Буюк фалакиётчи олим ва давлат арбоби Муҳаммад Тарағай Улуғбек математика, астрономия, геометрия, тарих, кимё ва б. соҳаларда илмий тадқиқотлар олиб борди. Унинг энг машҳур асари “Зижи жадиди Кўрагоний” да 1118 юлдузнинг ўрни ва ҳолати аниқлаб берилган. Улуғбек куюш ва Ой ҳаракатларини, уларнинг тутилиш вақтларини тўғри ҳисоблаб чиққан. У атрофига иқтидорли ёшларни тўплаб, ўзининг илмий мактабини яратди. Шарқ Ренессанси 2 даврида яратилган фалий, бадий тафаккур ривожининг ёрқин намунаси Алишер Навоий ижодида ўз ифодасини топган. Мустақиллигимиз туфайлигина миллатимиз ва жаҳон маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган Шарқ уйғониш даврини илмий, холис ўрганиш, баҳолаш имкони очилди.

ЭКСПАНСИЯ (лот. expansio - кенгайтириш, ёйиш, тарқатиш)—кучли давлатларнинг дипломатик, иқтисодий ва ҳарбий усуллар б-н ўз таъсир доирасини бошқа мамлакатларга ёйишга қаратилган сиёсат. Кўп ҳолларда таъсир доирасини кучайтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилади. Тарихда ва ҳозир ҳам баъзи кучли давлатлар бошқа мамлакатларни асоратга солиш, янги территорияларни товарлар сотадиган ва капитал сарфлайдиган соҳаларни, хомашё манбаларини ўзиники қилиб олиш йўллари б-н бундай сиёсатни амалга оширадilar.

ЭКСТРАДАЦИЯ (лотин. ex traditio) - бир давлатнинг бошқа (чет эл) давлати ўз фуқаросини ихтиёрига топшириши; ҳозирги даврда амалдаги конституциялар ўз фуқароларини чет эл давлатлари ихтиёрига топширишни сўзсиз тақиқлаб қўйишган. Агарда давлатнинг халқаро шартномаларида кўрсатилмаган бўлса, фуқароларни бошқа давлатлар ихтиёрига топшириш мумкин эмас. Халқаро ҳуқуқнинг умум тан олинган тамойилларига мувофиқ, агар бошқа давлат ихтиёрига топшириладиган фуқаро ҳаёти хавф остида қолса, яъни ўлим жазоси ва қийнаш каби жазо чоралари назарда тутилган бўлса, экстарадацияга йўл қўйилмайди.

ЭКСТРЕМИЗМ (лот. – ўта, сўнгги) — сиёсатда ашаддий, фавқулодда тадбирлар ва қарашларга тарафдорлик маъноларини билдиради. Дунёдаги бир қатор мамлакатларда 20 а. бошларида турли экстремистик гуруҳлар майдонга келди. Улар гоҳ сиёсий, гоҳ диний, гоҳ ҳудудий масалани баҳона қилиб турли жиноятларни содир этадилар. Ўз мақсадларига эришиш учун давлат раҳбарларига суиқасд уюштириш, ўғирлаш, тухмат, одам ўлдириш, босқинчилик каби разил иллатлардан асло қайтмайдилар. Э.нинг сиёсий, террор, диний, миллий ва бошқа гуруҳлари мавжуд. 20 а. охирида диний Э. фаолияти жуда зўрайиб кетди. Бунга Афғонистон, Тожикистон, Чеченистон, Косоводаги мудҳиш воқеалар мисол бўла олади. Диний Э. — диний ташкилотлардаги ўта мутаассиб гуруҳларнинг ашаддий реакция фаолияти бўлиб, хатто динга ҳам зарар келтиради.

Уларнинг асосий мақсади - динни ниқоб қилиб, ҳокимиятни қўлга олиш, диний талабларнинг илк даражасига хос “софлиги”ни қайта тиклаш, диний талабларга мос сиёсий тузумни барпо этишдан иборат. Шу мақсадда диний ташвиқот олиб бориб, қурол кучи ва зўравонлик б-н давлатни эгаллашдир. Э.нинг миллий кўриниши эса, миллатлараро низоларни келтириб чиқарувчи миллатчилик ва шовинизмдир. Э.нинг барча кўринишлари инсониятнинг ижтимоий, барқарор тараққиёти учун катта хавфдир.

ЭМАНСИПАЦИЯ – (лот.emanci patio) – 1) жабр-зулм, қарамлик, тутқунлик, турли бидъатлардан қутулиш (мас., хотин-қизлар Э.си); 2) вояга етмаган кишини муомалага лаёқатли деб эълон қилиш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқида Э. қоидалари ФКга 1-марта киритилди. Вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш ота-онанинг, фарзандликка олувчиларнинг ёки ҳомийнинг розилиги б-н васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига мувофиқ ёхуд бундай розилик бўлмаган тақдирда, суднинг қарори б-н амалга оширилади. Ота-она, фарзандликка олувчилар ва ҳомий, Э. қилинган вояга етмаган шахснинг мажбуриятлари бўйича, хусусан, у етказган зарар оқибатида келиб чиққан мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлмайдилар.

ЭТНИК ГУРУХ – фанда этник жамоа (халқ, этнос)ни англатиш мақсадида қўлланиладиган тушунча бўлиб, Э.Г. деганда умумий этник ўзликни англаш қобилиятига, умумий ном ва маданият белгиларига эга бўлган ҳамда бошқа жамоалар б-н мунтазам алоқаларга киришувчи инсонлар гуруҳи тушунилади.

Э.Г. этнографик гуруҳдан фарқ қилиб, анча кенг ва мавҳум тушунча ҳисобланади ва кўпинча бир бирлари б-н ўзаро яқин бир неча халқлар гуруҳини (масалан, туркийлар, славянла ва ҳ.к.) англатади. Э.Г.ни анча тор доирада тушунувчи қарашлар ҳам мавжуд. Уларга кўра, Э.Г. бирор бир халқ (қабилалар уюшмаси, элат)нинг парчаланиб, алоҳида қисмларга бўлиниб кетиши натижасида вужудга келади. Этнографик гуруҳдан этник гуруҳнинг фарқини қуйидагича изоҳлаш мумкин: ўз халқи (қабилла, элат)дан ажралиб чиққан гуруҳ бошқа халқ таркибига кириб, узоқ муддат яшаб, шу халқнинг тили, хўжалик фаолияти, урф-одатлари, турмуш тарзини қабул қилиб, унга батамом сингиб, ўзини шу халқ номи б-н атайдиган бўлиб қолади. Аммо шу б-н бир қаторда, бу гуруҳ ўз этник номини ўтмишда қайси қабилла, элатга мансуб бўлганлигини, баъзи анъаналарини сақлаб қолган бўлади. Масалан: қипчоқлар XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида ўзбек халқи таркибида (ўз лаҳжалари, турмуш тарзи, маданий ҳаётидаги баъзи хусусиятларини сақлаб қолганликлари туфайли) этнографик гуруҳ бўлган бўлсалар, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман, бошқирд ва бошқа халқлар таркибида улар (қипчоқлар) этник гуруҳ ҳисобланган. Шунга ўхшаш, қанғли, уйшун ва бир қатор бошқа уруғлар ҳам юқорида номи қайд этилган халқлар таркибида мавжуд бўлган. Булар ўз этник номларини қайси халқ орасида яшасалар, ўша халқ (қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман, бошқирд ва бошқалар) номлари б-н атаганлар.

Ажралиб чиққан этник қисм, бошқа этносларга қўшилмасдан ўзи мустақил этник гуруҳ бўлиб қолиши ҳам мумкин. Вақт ўтиши б-н унинг таркибига айрим бошқа этник гуруҳлар қўшилиб, йирик қабилла иттифокни ташкил қилади. Бунга XIII-XIV асрларда Дашти Қипчоқда яшаган қипчоқ этник гуруҳи мисол бўла олади.

ЭТНИК ЖАРАЁНЛАР – дейилганда у ёки бу этнос (этник бирлик) б-н боғлиқликда кечадиган барча ўзгаришлар тушунилади. Демак, этник жараёнлар кенг қамровли тушунча бўлиб, этнос б-н боғлиқ генетик, лингвистик, психологик, хўжалик-иқтисодий ва маданий ўзгаришларни ўзига қамраб олади. Э.Ж. икки хил вазиятда: бўлиниб кетишга ҳамда бирлашишга мойил вазиятларда намоён бўлади. Э.Ж. ларнинг биринчи кўриниши учун илгари бўлинмасдан келган этнодан бир неча этник гуруҳларнинг ёки унинг маълум бир бўлагининг ажаралиб чиқиши натижасида алоҳида мустақил этноснинг ташкил топиши характерлидир.

Бирлаштирувчи Э.Ж. эса аксинча, турли мустақил этносларнинг ўзаро яқинлашуви, бирикиши ва аралашиб, қоришиб кетиши ҳолатларида намоён бўлади.

Мутахассислар фикрича, Э.Ж. нинг бу кўриниши мазмун-моҳияти б-н турли мустақил этнослар орасидаги муносабатлардан иборат, шундай экан бу жараёнларни яхлит ҳолда этнослараро жараёнлар сифатида ҳам тушуниш мумкин. Шундай экан, этнослараро жараёнлар этник жараёнларнинг ўзига хос бирлаштирувчи кўринишидир.

ЭТНОМАДАНИЙ ҲАМБИРАТЧИЛИК – шахснинг маълум бир муайян этномаданий жамоага мансублигини англашга тааллуқли психологик категория бўлиб, шахснинг ижтимоий ҳаётининг таркибий қисмига киради. Этниклик ва э.ў. тушунчаларини фарқлаш лозим. Этниклик-бу бир қатор объектив аломатларга (тил, маданият, тўғилиб ўсган жой) таяниб этник мансубликни аниқлашда қўлланиладиган ижтимоий категориядир. Этниклик-аскриптик (жамият эътироф этадиган) тавсиф бўлса, э.ў. ка индивид этниклик асосида ижтимоий воқеликни конструкциялаш орқали эришади. Э.ў.идентификация ва дифференциация каби когнитив жараённинг пировард натижаси сифатида қаралмаслиги керак. Балки у индивиднинг кўплаб этномаданиятлар мавжуд ижтимоий макондаги ўз ўрнини аниқлашнинг когнитив-эмоционал жараёни ҳосиласидир. У нафақат англаш, балки ўзининг муайян этномаданиятга мансублигини баҳолаш ва ҳис этиш ҳамдир. Э. ў.нинг иккита асосий таркибий қисми мавжуд: когнитив (этномаданий гуруҳ хоссалари хусусидаги тасаввурлар, билимлар ва этномаданий аломатлар негизида вужудга келадиган ўзининг муайян гуруҳга тааллуқли эканини англаш) ва аффектив (этномаданий гуруҳ сифатларини баҳолаш, унинг аъзоси эканлигига муносабат, аъзоликнинг аҳамиятлилиги). Ж. Пиаже э.ў. шаклланишининг учта босқичини фарқлайди: 1. 6-7 ёшда бола ўзининг этномаданий мансублиги хусусидаги илк, фрагментар (узук-юлук) билимларни ўзлаштиради. Мазкур ёшда бола учун давлат ёки этномаданий гуруҳ эмас, балки оила ва яқин ижтимоий муҳит катта аҳамиятга эга бўлади; 2. 8-9 ёшда бола муайян бир этномаданий гуруҳга мансуб эканини аниқ англайди, идентификация асосларини топади (ота-она миллати, яшаш жойи, она тили ва ҳ.), унда миллий туйғулар уйғонади; 3. 10-11 ёшда э.ў. тўлиқ шаклланиб бўлади. Бола турли халқлар хусусиятлари сифатида улар тарихининг ўзига хослигини, анъанавий, маиший маданиятини эътироф этади. Таъкидлаш керакки, э.ў. ошқора эътироф этиладиган этноним б-н ҳаммиса ҳам уйғун келавермайди. Ошқора эътироф этиладиган муайян этномаданий гуруҳга тааллуқлилиқ ижтимоий вазият б-н белгиланади. Индивид кундалиқ турмушида асл монандлигига зарар етказмайдиган «этномаданий код»лардан самарали фойдаланиши мумкин. Вайль куйидаги мисолни келтириб ўтган: еврейлар қаерда, қачон ва ким б-н еврей бўлиш кераклигини яхши билганлар: паспортда Авраам исмини Аркадий деб ёздириб, ўзларини украин деб эътироф этганлари б-н, еврей-муаллимга имтиҳон топшираётган ёки еврей-директордан бирон бир танқис товарни сотиб олиш чоғида ўз миллий мансублигини ошқор қилиши мумкин (Вайль, Генис, 1998, с.299)

ЭТНОЦЕНТРИЗМ – у ёки бу миллат унинг интилишлари ҳақида ўта зиддиятли, керак бўлса онгли равишда мураккаблаштирилиб келинган, айти пайтда айрим сиёсий кучлар томонидан кўпиртирилаётган ғоя тарзида, глобал барқарорлик ҳамда миллатлараро ўзаро ишонч амалиётига салбий таъсирга эга ғоявий-сиёсий куч ҳисобланади. Умримиз ўтаётган қалтис даврда эц. глобал барқарорлик, олам яхлитлигини асрашга жиддий путур етказмоқда.Эц. кундалиқ ҳаётда миллатнинг ўз тарихий кечмиши тақдирнинг айрим оғир синовларидан ўтиши пайтларида муайян халқ учун ўзи билмаган вазиятда вайронкор гуруҳлар ўз сиёсий манфаатларининг сунъий равишда мафкуравий-сиёсий кураш маконига “олиб ўтилиши”нинг натижаси тарзида намоён бўлади. Турмуш даражасида бошқаларга ўзларини қарши қўйиш орқали “этник аслига қайтиш”га йўналтирилган тарғибот кучайтирилади. Онгли равишда шакллантирилган радикал миллатпарастлик бошқаларга нисбатан “салбий интегратор” образини шакллантиради. Алалхусус шу гўша минг йиллик қўшничилик майдонидан муросасиз душманлик, деярли ечими йўқ можаро ўчоғига айлантирилади. Кўриниб турганидек, эц. маънавийлик, ахлоқ ва одоб принципларига тамомила зид, тўғрироғи маънавийликни заифлаштириш ва иложи топилса уни барбод қилишга қаратилган аксилинсоний восита экан. Шундай жараёнлар бугун

Болқонда Осиё ва Африканинг айрим минтақаларида (Тибет, Шри Ланка, Филиппин Ғарбий Европада) ҳуллас деярли ҳамма қитъаларда кузатилмоқдаки, уларга баҳо беришнинг бирдан бир мезони халқаро барқарорлик, хавфсизлик ва ўзаро тотувлик принциплари бўлмоғи шарт.

Бугунги глобаллашув шароитида “иккинчи даражали омиллар” деган тушунча аҳамиятини йўқотди. Ҳамма жараёнлар долзарблашиб кетди. Шунчаки зарарсиздек кўринган бир фикр эртага катта муаммо туғдириши оддий ҳолга айланди. Демак инсоният, унинг руҳияти ва ақлу заковати ҳар доим хушёр турмоғи лозим бўлади. Тафаккурнинг анча қуйи зинапояларидан онгорти қатламлардан тезгина жой олиш хусусиятига эга эҳ.га бугун айрим олимлар томонидан бир замонлар, яъни ХХІ аср ўрталарида уфқда пайдо бўлиб, яна сўнган бир коммунизм шарпасига қиёс қилиб унга “этнодиний шарпа” деб ном берилиши маълум илмий асосга эга. Бир сўз б-н айтиш жоиз бўлса, эҳ.ни ХХІ асрга келиб, инсондаги онг ости архетипларнинг янги шароитда “янги қиёфа” касб этишига, ҳаракат қилаётган ва шу тарзда аксилтараққиёт, аксилмаънавий жараён деб тавсифлаш тўғри бўлади.

ЮНЕСКО – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маориф, фан ва маданият масалалари б-н шуғулланувчи ихтисослашган ҳукуматлараро ташкилоти, 1946 й. тузилган. Дунёнинг 170 ортиқ мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон ҳам Ю.га аъзо, ташкилотнинг асосий мақсади маориф ва маданият соҳасида халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш, маданий ва илмий техникавий ахборотларни тарқатиш, шунингдек, таълим масаласида турли чеклаш ва ҳуқуқбузарликка қарши кураш, ҳамда, миллий маданиятни ҳимоя қилиш ва б. Низомга мувофиқ ташкилотга аъзо давлатларда Ю. ишлари бўйича махсус миллий ҳайъат фаолият кўрсатади. Ю.нинг олий органи – унинг бош конференцияси ҳисобланади. Штабквартираси Париж шаҳрида жойлашган.

ЯГОНА УМУМИЙ МАҚСАД - «Ягона умумий мақсад» мафкуравий тушунча бўлиб, табиат, жамият тараққиёти қонуниятларининг аниқ ва универсал томонларини ифодалайди. Ягоналик ҳар бир шароит, жамият ва тарихий давр талабларидан келиб чиқадиган вазифа ва тамойиллар (аниқлик, конкретлик)ни ифода қилса, умумийлик тараққиётининг диалектик характерини, яъни универсаллигини ифодалайди. «Ягона умумий мақсад» табиат «инсон ва табиат» муносабатлари (техносфера, антропосфера, социосфера) орқали боғлиқдир. Бу соҳалар илмий адабиётларда «иккинчи табиат», «ноосфера» деб юритилади. Табиат ва жамият муносабатларида «Ягона умумий мақсад» инсониятнинг келажагига хавф солаётган (антропоген, техноген) муаммоларини ечишга қаратилгандир. (Рим клуби). «Ягона умумий мақсад» ижтимоий соҳаларда халқаро муносабатларнинг глобаллашуви ва умумбашарий қадриятлар аҳамиятини ошиб бориши натижасида инсоният тараққиётининг ҳал қилувчи омилларидан бирига айланиб бормоқда. Бунга сабаб тор миллатчилик, сиёсий чекланиш тарафма-тарарфлик ва бошқа миллий маҳдудлик ғоялари ўрнини халқаро миқёсда изчил ҳамкорлик зарурати ва тамойиллари эгалламоқда. «Ягона умумий мақсад» умумжаҳон миқёсида халқаро институтлар (БМТ, ЮНЕСКО, Европа Иттифоқи, Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа ташкилотлар) фаолияти, низоми ва бошқа ҳужжатларида ўз ифодасини топгандир.

«Ягона умумий мақсад»нинг универсал, яъни умумбашарий тамойиллари б-н бирга, унинг аниқ миллий ва минтақавий даражалари ҳам мавжуд бўлиб, улар ягоналик ва умумийлик тамойилларига асос бўлиб хизмат қиладилар. Чунки, «Ягона умумий мақсад» миллий минтақавий манфаат ва тамойиллардан ажралган ҳолда шаклланмайди, аксинча уларнинг ижобий томонларини, умумлаштиради ва «умумлашган ягона мақсадга айлантиради». Шунинг учун «Ягона умумий мақсад»лар инсоният тажрибаси жараёнларида пишиб етилган, тараққиёт талабларига мос келадиган қадриятлардир.

Улар ўзларининг мазмун ва тажрибавий аҳамияти жиҳатидан англаб олинishi керак бўлган заруриятни ташкил қиладилар. Инсоният учун ўзликни турли (шахсий, миллий, минтақавий, умумбашарий) даражаларда англаши учун маънавий асос бўлиб хизмат қиладилар.

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

III. Раҳбарий адабиётлар

9. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов асарлари. 1-24 жилдлар. (1992-2015 йиллар)
10. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. -176 б.
11. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. -440 б.
12. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015. -302 б.
13. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 56 б.
14. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. –47 б.
15. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
16. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 103 б.

IV. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

III. Махсус адабиётлар

38. Аббосхўжаев О., Умарова Н., Қўчқоров Р. Мафкура полигонларидаги олишувлар. -Т.: Akademiya, 2007.
39. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. - Т.: Молия, 2003.
40. Жўраев Т. Миллий давлатчилик ва хавфсизлик. Т.: “Академия”, 2007.
41. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар) - Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008.
42. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. - Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт - матбаа ижодий уйи, 2009.
43. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. - Т.: Akademiya, 2007.
44. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Т.: Ўзбекистон, 2000.
45. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. 2-нашр - Т.: “Ўзбекистон”, 2015.
46. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. - Т.: “Мухаррир” 2009.
47. Очилдиев А.С. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси: - Т.: Ижод дунёси нашриёт уйи, 2002.
48. Панарин И.Н. Информационная война и геополитика. - М.: Поколение, 2006.
49. Тўраев Ш. Маънавий таҳдидлар: фалсафий таҳлил. - Т.: “Мухаррир”, 2010.
50. Тўраев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. - Т.: Маънавият, 2008.
51. Куронов М. Мафкуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси. -Т.: “Академия” 2008.
52. Холбеков М. Адабиётда глобаллашув жараёни.-Т.: //Тафаккур 2006.№4
53. Қаҳҳарова Ш.Б. Глобал маънавият-глобаллашувнинг ғоявий асоси. -Т.: Тафаккур, 2009.
54. Бжезинский З. Глобальное господство или глобальное лидерство. -М.: Международные отношения, 2005.
55. Глобалистика: Международный междисциплинарный энциклопедический словарь / Гл. ред. И.И.Мазур, А.Н.Чумаков. -М.; СПб.; Нью-Йорк, 2006.
56. Грани глобализации: Трудные вопросы современного развития. -М.: 2003.
57. Глобальные проблемы и общечеловеческие ценности. -М.: 1990.
58. Моисеев Н.Н. Быть или не быть... человечеству? -М.: 1999
59. Мунтян М.А., Урсул А.Д. Глобализация и устойчивое развитие. -М.: 2003.
60. Один мир для всех. Контуры глобального сознания / Под ред. Л.В.Семеновы и др. -М.: 1990.
61. Панарин А.С. Искушение глобализмом. -М.: 2002.
62. Пантин В.И. Циклы и волны глобальной истории. Глобализация в историческом измерении. -М.: 2003.
63. Печчеи А. Человеческие качества. -М.: 1985.
64. Чумаков А.Н. Глобализация. –М.: Проспект, 2005

65. Чумаков А.Н. Метафизика глобализации. Культурно цивилизационный контекст. –М.: Канон, 2006
66. Бзежинский З. Великая шахматная доска. Господство Америка и геостратегические императивы – М., 1998. С. 38.
67. Даль Р. О. Демократии. — М., 2000, с. 8-92.
68. Закария Ф. Будущее свободы: нелиберальная демократия в США и за ее пределами. —М., 2004, с. 8.
69. Тимоти Уинтер (Абдул Ҳаким Мурод) “XXI асрда Ислом: Постмодерн дунёда қиблани топиш” Фаҳриддин Низомов таржимаси. –Т.: 2004. 63 б.-
70. Умаров Б.З. Глобаллашув зиддиятлари. – Т.: Маънавият, 2008 йил.
71. Лейпхарт А. Демократия многосоставных обществах. — М., 1997;
72. Sholte J. Rethinkind Globalization. London, 2000, p .14.
73. Transformation of Capitalizm. Ekonomy, Socciety and State in Modern Times. London, 2000, p. 419.
74. The Worl in 2020, Power and Prosperity. — Boston, 1994, p. 220.

IV. Электрон таълим ресурслари

1. www.Ziyonet.uz
2. www.edu.uz
3. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
4. www.nuuz.uz
5. www.bimm.uz